

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
«ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА

илмий-амалий шарҳ

Тошкент – 2018

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Масъул муҳаррир

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи,
генерал-лейтенант **Б. А. Матлюбов**

Муаллифлар жамоаси:

Сўз боши, 1-6 моддалар – генерал-лейтенант **Б.А. Матлюбов**;
7-11-моддалар – юридик фанлар доктори, профессор **Ў.Х. Мухамедов**;
12-16 моддалар – юридик фанлар доктори **А.С. Турсунов**;
17-23-моддалар – доцент **С.Б. Хўжақулов**;
24-28-моддалар – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори **Ф. А. Примов**;
29-33-моддалар – юридик фанлар номзоди **А.К. Расулев**;
34-41-моддалар – юридик фанлар доктори **И.Ю. Фазилов**;
42-51-моддалар – **Б.Ф. Алимов, Ш.Р. Гофуров, А.К. Янгибоев**.

Тақризчилар:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош
бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник **Б.М. Султонов**;
юридик фанлар номзоди, доцент **Н. Т. Исмоилов**

**Ў–33 Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси тўғрисида»ги қонунига илмий-амалий шарҳ:
Қонунга илмий-амалий шарҳ / Муаллифлар жамоаси. Масъул
муҳаррир **Б.А. Матлюбов**. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси, 2018. – Б. 158.**

Муаллифлар жамоаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига (2014 й. 14 май) тайёрланган ушбу илмий-амалий шарҳ ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий асос (илмий хулоса)-лари, амалиётда шаклланган тактик жиҳатлари, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган.

Мазкур илмий-амалий шарҳ профессор-ўқитувчилар, изланувчилар, курсант ва тингловчилар шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

КБК 37.99 (5У)

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018

Сўз боши

«Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш – бугунги кунда энг муҳим вазифадир»¹. Мазкур вазифа ижроси юзасидан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилиб келинаётган кенг кўламли ислохотлар хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашишнинг янгича тизими шаклланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги (2001 йил 27 март) фармони асосида ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилиниб, ИИВ тизимида тузулмавий ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси ташкил этилиб, жойларда маҳалла, қишлоқ ва овулларда милиция таянч пунктлари жорий этилди. Шунингдек, ушбу масканда профилактика инспекторларининг ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш механизмлари амалиётга татбиқ этилди.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда босқичма-босқич қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, мавжудлари қайтадан такомиллаштирилди.

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 15 окт.

2014 йилнинг 14 май кунига келиб «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни навбатдаги босқичга олиб чиқди. Негаки, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва аҳамияти, мақсад ва вазифалари, субъектлари ва уларнинг ваколатлари, умуман олганда, давлатнинг, жамиятнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги позицияси ўзининг аниқ ва қатъий ифодасини топди.

Мазкур қонун амал қилиш доираси билан кенг ҳажмга эга бўлиб, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий каби бир қатор соҳаларга оид муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган.

Қонунда бир қатор тушунчаларга янгидан таъриф берилди, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг принципи, янгидан-янги профилактик чора-тадбирлар, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар тизими шакллантирилди, мазкур субъектларнинг ижтимоий мақомидан келиб чиқиб, уларга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ваколатлар берилди.

Чунончи, қонунда ҳам назария ва ҳам амалиётда турлича талқин қилинган «ҳуқуқбузарлик», шунингдек «ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш», «ғайриижтимоий хулқ-атвор», «ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс» тушунчаларига таъриф берилди. Қолаверса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўртта тури, шу жумладан шу давргача тушунча ва моҳияти назарий жиҳатдан батафсил ёритилган, бироқ амалиётга тўлиқ татбиқ этилмаган ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси илк маротаба ўз ифодасини топди. Қонунийлик, инсонпарварлик ва тизимлилик каби айнан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига хос бўлган ва унинг самарадорлигини таъминловчи ишонтириш усулининг устуворлиги ҳамда таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш принциплари белгилаб қўйилди.

Бироқ ушбу қонунни тушуниш ва қўллашдаги мавжуд муаммолар амалиётда ижросини таъминлашга йўналтирилган самарали механизмини татбиқ этишда сунъий тўсиқларни келтириб чиқарди. Натижада,

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган илк даврларданок бу масалага жиддий эътибор қаратди ва танқид остига олди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг иккинчи йўналиш бўйича қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида урғу берилди.

2017 йилнинг 9 февралда ички ишлар органлари тизимида ўтказилган видеоселектор йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан «тергов ва айбланиш билан чекланмай, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг шарт-шароит ва омилларини ўрганиш, профилактика мақсадида ҳар бир жиноят тафсилотларини ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чуқур таҳлил қилиш зарурлиги»нинг таъкидланиши эса қонуннинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки» белгиланган 21-моддаси талабларини ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш масаласини долзарблаштиради.

Шундан сўнг, Президент Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 14 март куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарорни қабул қилди. Қарорда, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси деб баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга

йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги ва натижада кутилаётган натижаларга эришилмаётганлигига оид салбий ҳолатларнинг мавжудлиги таъкидланди.

Мазкур қарор билан давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишлари қониқарсиз деб эътироф этилди ва ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, уларнинг ушбу соҳадаги фаолиятининг асосий йўналишлари, энг эътиборлиси, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланди ва ушбу кунда амалга ошириладиган тадбирлар доираси белгилаб берилди.

Бу борада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга доир янги амалиёт жорий этилди.

Шу тариқа, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси янги бир босқичга кўтарилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мавжуд қонунлар ижросини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида олиб борилаётган ислохотлар асосида самарали натижага эришиш ҳамда бу борада давлат идоралари ва ташкилотлари зиммасига юклатилган вазифаларни юксак даражада ижро этиш зарурати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлардан Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда берилган таърифлар, тартиб ва қоидаларни ўрганиш уларни янада чуқурроқ англаш,

мазмун ва моҳиятига тўлиқ етишни талаб этади. Бу эса мазкур қонун нормаларига, уларда белгиланган тартиб-қоидаларга илмий-амалий шарҳ беришга оид эҳтиёжнинг мавжудлигини намоён этади. Айнан мазкур эҳтиёж муаллифлар жамоасини Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига шарҳларни тайёрлашга ундаган.

Ушбу илмий-амалий шарҳ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, криминология, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва жиноят-ижроия ҳуқуқининг билим ва назарий қоидаларига, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳамда уларда белгиланган тартиб-қоидаларга асосланиб тайёрланган.

Илмий-амалий шарҳда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактик фаолиятининг мазмун ва моҳияти, хусусан, профилактик фаолият турларининг тушунчасини, мақсад ва вазифаларини, объектини, усул ва шакллари ҳамда амалга ошириш тартибини, шунингдек профилактик фаолиятнинг ҳар бир турини ўзига хос хусусиятлари ва афзалликларини, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларига берилган ваколатларни амалга оширишнинг қонун ҳужжатларига асосланган мавжуд механизмининг ва қонунни тушунишга хизмат қиладиган бошқа жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилинган.

Ўйлаймизки, ушбу илмий-амалий шарҳ «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунни илмий-амалий жиҳатдан ўрганишга, тадқиқот ишларини олиб боришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фани ва ўқув курсларини ўзлаштиришда ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва амалга оширишга хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА
2014 йил 14 майда қабул қилинган

1 Боб
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади

Ушбу қонуннинг мақсади ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат

Ш А Р Х

Ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларини тартибга солиш ҳисобланади. Мазкур муносабатлар мазмунан ижтимоий-ҳуқуқий саналади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатлар дейилганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини амалга оширишга оид муносабатлар тушунилади.

Бу борада Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид умумий ва яқунловчи қоидалар, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасалар тизими ва уларнинг ваколатларини белгилаб бериш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

2-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ш А Р Х

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлиб, бошқа қонун ҳужжатлари деганда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органларнинг ҳуқуқбузарликларнинг умумий,

махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасига оид фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонун ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

– Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари

ва фармойишлари;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

– вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари;

– маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ва қўшилган халқаро ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган ва татбиқ этиладиган халқаро ҳужжатлар бўлиб, ушбу ҳужжатлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига у ёки бу даражада тааллуқли бўлади ва уларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосига киради. Мисол учун, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (1989 йил 20 ноябрь), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Қуролли можароларга иштирок этувчи болалар тўғрисидаги факультатив Протокол (2000 йил 25 май), Болалар савдоси, бола проституцияси ва бола порнографиясига қарши бола ҳуқуқлари бўйича Конвенцияга қўшимча Протокол (2000 йил 25 май), БМТнинг Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир Қоидалари (1986 йил 21 май), БМТнинг Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича дастурий принциплари («Ар-Риёд» дастурий принциплари) (1990 йил 1 декабрь), Жиноятдан жабр кўрган ва жиноят гувоҳи бўлган болалар билан боғлиқ адлия масалаларидаги раҳбарлик Тамойиллари (2005 йил 22 июль) каби халқаро ҳужжатларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (Конституциянинг «Отаналар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради» (64-модда ва бошқа нормалари)).

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунлар бу борадаги энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланади ва матбуотда эълон қилинади ҳамда референдумлар ўтказиш йўли билан ҳам ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини бевосита ҳамда билвосита тартибга солувчи қонунлари ҳам мавжуд.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини бевосита тартибга солувчи қонунлар тўғридан-тўғри ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини тартибга солишга йўналтирилган бўлса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини билвосита тартибга солувчи қонунлар эса муайян йўналишдаги фаолият билан бирга ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир айрим ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни ҳам тартибга солишга йўналтирилган бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини бевосита тартибга солувчи қонунлар ўз моҳиятига кўра бевосита ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид муносабатларни тартибга солишга ихтисослашган қонунлар ҳисобланади. Масалан, 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, 2000 йил 17 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, 1998 йил 1 майдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Сурункали алкоголизм ҳамда гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги ҳамда «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги, 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда 1997 йил 17 апрелдаги Жиноят-ижроия (кодекслари), 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги, 2017 йил 3 январдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрдаги «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги каби қонунлар шулар жумласидандир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини билвосита тартибга солувчи қонунларга эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид муносабатларни у ёки бу даражада тартибга солувчи қонунлар киради. Масалан, 2012 йил 25 декабрдаги «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги, 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари ўз моҳиятига кўра ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид муҳим муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ҳужжатларининг ўзига хос жиҳати шундаки, ушбу ҳужжатлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини янада такомиллаштиришнинг устувор вазифаларини белгилаб, бу борада янги ислохотларнинг концептуал асоси бўлиб хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифалари белгилаб берилган бўлса, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3528-сонли «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори эса мамлакатда, биринчи галда, пойтахт Тошкент шаҳрида, жамоат тартибини сақлаш, авваламбор, вояга етмаган ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг бузғунчи таҳдидларни барвақт аниқлаш бўйича яқдил ҳаракатларни, уларни ҳамкорликда ва сифатли бартараф этилишини таъминлашга йўналтирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид бошқа муҳим аҳамиятга эга бўлган муносабатлар ҳам тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги ҳужжатлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш ва мазкур соҳадаги ваколатларини амалга ошириш механизмларини белгилашга қаратилади. Масалан, 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида»ги 170/40-сонли, 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши кураш бўйича ИИБ профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисидаги» 247/41-сонли, 2002 йил 16 майдаги «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 162-сонли, 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 4 мартдаги «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш

тўғрисида»ги 47-сонли, 2017 йил 4 апрелдаги «Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 175-сонли, 2017 йил 16 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон қарори)»ги 385-сонли, 2017 йил 5 декабрдаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 965-сонли қарорлари шулар жумласидандир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир фаолиятини тартибга солувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юқори турувчи органлар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ваколатлардан фойдаланиш ҳамда зиммасига юклатилган функция ва вазифаларни ижро этиш механизми яратилиб, тизимда фаолият юритувчи барча ходимлар учун мажбурий аҳамиятга эга бўлади. Масалан, ИИВнинг 2002 йил 26 февралдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 51-сонли, 2001 йил 17 ноябрдаги «Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 298-сонли, 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сонли, 2017 йил 27 июлдаги «Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жазоларнинг ижросини ташкил этиш ҳамда шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 157-сонли, 2017 йил 28 июлдаги «Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларига хизмат турар жойларини ажратиш, улардан фойдаланиш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 161-сонли, 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сонли, 2017 йил 6 сентябрдаги «Ички ишлар органлари таянч пунктлари

профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 193-сонли буйруқлари шулар жумласидан.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликларнинг, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари маъмурий ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, мавсумий ёки оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши мумкин.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

***ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш* — ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;**

***ғайриижтимоий хулқ-атвор* — шахсинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;**

***ҳуқуқбузарлик* — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);**

***ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи* — жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс;**

***ҳуқуқбузарликлар профилактикаси* — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;**

***ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс* — ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.**

Ш А Р Х

1. *Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш.* Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш фақатгина ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар томонидан қуйидаги шахсларга қўлланилади:

- ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга;
- ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларга;
- ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилади.

Ижтимоий реабилитация қилиш чора-тадбирлари асосан ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларга қўлланилади ва қуйидаги турларга бўлинади:

- ҳуқуқий;
- ижтимоий;
- психологик;
- тиббий;
- педагогик;
- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа турдагилар.

Ижтимоий мослаштириш чора тадбирлари асосан ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади. Бунда ушбу шахсларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган тарбиявий таъсир этилади.

2. *Ғайриижтимоий хулқ-атвор.* Хулқ-атвор шахсинг маънавий-ахлоқий ва тарбиявий сифатларини ифодалайдиган унинг юриш-туриши ҳамда турмуш тарзи ҳисобланади.

Ғайриижтимоий хулқ-атвор ўз моҳиятига кўра ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди ва бунинг учун жавобгарлик белгиланмаган. Бироқ ғайриижтимоий хулқ-атвор ҳуқуқий негилистик характерга эга бўлганлиги учун келгусида ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келадиган асосий омил ҳисобланганлиги учун бундай феъл-атворга эга бўлган шахсларга нисбатан профилактик таъсир этиш мақсадга мувофиқ.

Ғайриижтимоий хулқ-атворга қонуний никоҳсиз эр-хотин бўлиб яшаш, кўп қаватли уйларда яшаб, баланд овозда мусиқа оҳанглари эшитиб, қўшниларнинг тинчини бузиш ёки шундай оқибатни келтириб чиқарувчи бошқа машғулотлар билан шуғулланиш, оилада низоли ва жанжалли вазиятларни юзага келтириш, спиртли ичимликка ружу қўйиш, жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда юриш, кишиларни уриштириб қўйиш каби ҳаракатларида, асосли сабаб бўлмасдан жамоат транспортларида қарияларга, ногиронларга ёки ҳомиладор аёлларга жой бермаслик ёки маҳаллада уюштирилладиган оммавий ҳашарларда иштирок этмаслик кабилар киради.

3. *Хуқуқбузарлик*. Мазкур нормада хуқуқбузарликка нисбатан ўзига хос таъриф берилган бўлиб. Ушбу тушунчага кўра хуқуқбузарлик сифатида Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда жавобгарлик белгиланган айбли ғайрихуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)лари назарда тутилган.

Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади (ЖКнинг 14-моддаси).

Маъмурий хуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайрихуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади (МЖТКнинг 10-моддаси).

Одатда, хуқуқбузарлик дейилганда юқоридагилардан ташқари, фуқаровий, интизомий ва конституциявий хуқуқбузарликлар ҳам тушунилади. Бироқ бундай хуқуқбузарликлар учун маъмурий хуқуқбузарлик ва жиноятдан фарқли равишда аниқ санкцияланган жавобгарлик мавжуд бўлмайди. Қолаверса, фуқаровий, интизомий ва конституциявий хуқуқбузарликлар ўз моҳиятига кўра профилактик таъсир этишни талаб этмайди.

4. *Хуқуқбузарликдан жабрланувчи*. Маъмурий хуқуқбузарлик ва жиноят содир этилишидан бевосита жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар кўрган фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар хуқуқбузарликдан жабрланувчи шахслар ҳисобланади.

Жисмоний зарар – шахснинг ҳаётига хавф солувчи ёки соғлигининг бузилишига олиб келган тан жароҳатлари кўринишида бўлади.

Маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган хуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар кўриш, ноқулайлик ва бошқа) азоблар тушунилади.

«*Мулкий зарар*» – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига мувофиқ, зарар «шахсга» ёки «мол-мулкка» етказилади. Мол-мулкка етказилган зарар деганда, одатда шахснинг мол-мулки камайиши ёки нобуд бўлиши, уларнинг қиймати пасайиши ёки йўқолиши тушунилади. Баъзан, мулкий зарар жабрланувчининг зарар етказишдан олдинги ҳолати ва кейинги ҳолати ўртасидаги мулкий фарқ сифатида ҳам белгиланади.

5. *Хуқуқбузарликлар профилактикаси*. Хуқуқбузарликлар профилактикаси қонун ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирлардан иборат бўлиб, унинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- хуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш;
- хуқуқбузарликларни аниқлаш;

- ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

- ҳуқуқий;
- ижтимоий;
- ташкилий;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбир.

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш дейилганда, ҳуқуқ-тартиботнинг бузилиши олдини олишга қаратилган махсус чора-тадбирлари мажмуи тушунилади. Бунда ваколатли органлар ва субъектлар ҳуқуқ-тартиботни сақлаш мақсадида махсус таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга бўлади.

Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш дейилганда, ҳуқуқ-тартиботни сақлашнинг изчил давоми бўлган ва уни қафолатлашга қаратилган чора-тадбирлар тушунилади.

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлаш ўзида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш, фуқаролар соғлигини сақлаш, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, солиқ ва божхонага оид ҳуқуқий тартибга риоя этилишини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги каби йўналишлардаги фаолиятларни мужассамлаштиради.

Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фактларни аниқлашга қаратилган махсус процессуал ҳаракатлардан иборат бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар қуйидагилар асосида аниқланади:

- шахсларнинг ариза ва хабарлари;
- қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг хабарлари;
- оммавий ахборот воситаларининг хабарлари;
- ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг тўғридан-тўғри ўзлари томонидан аниқланиши;
- тезкор тадбирларни амалга ошириш кабилар.

Ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш дейилганда, содир этилаётган ҳуқуқбузарликнинг мажбурий тўхтатилиши тушунилади. Бу айбдорларнинг қўлга олинишида, жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий оқибатларининг бартараф этилиши кабиларда ифодаланади.

Ҳуқуқбузарликлар қуйидаги йўллар билан бартараф этилади:

– тезкор маълумотларга асосланиб, айбдорлар ҳуқуқбузарлик содир этиш жараёнида фош этилади;

– берилган хабарлар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан ҳодиса содир бўлган жойга чиқиб, ҳуқуқбузарликлар содир этилишини тўхтатиш чоралари кўрилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш чоралари маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган субъектлар томонидан амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 313-моддасида белгиланган тартибда кўрилишида ҳамда амалдаги Жиноят-процессуал кодекснинг «Жиноятларнинг олдини олиш чоралари» деб номланган олтинчи бўлимида белгиланган тартиб асосида жиноий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш чоралари суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилишида намоён бўлади.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам аниқланган ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимнома киритилади. Тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиниши шарт. Акс ҳолда тақдимнома талаблари бажарилмаган деб топилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби келиб чиқади.

Мазкур жавобгарлик куйидаги ҳолатларда келиб чиқиши мумкин ҳисобланади:

– тақдимнома ёки хусусий ажрим талабларини бўйича зарурий чораларни кўрмаслик ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишинча тақдимнома киритган орган (мансабдор шахсга)ни хабардор қилмаслик;

– тақдимнома ёки хусусий ажрим талаблари виждонан бажармаслик, яъни кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида тегишинча суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд хабардор қилинган бўлса-да, амалда ҳеч қандай чора кўрилмаганлик ёки масалага юзакилик билан ёндашганлик.

Ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари мазмуни бўйича алоҳида-алоҳида гуруҳни ташкил этади. *Ҳуқуқий чоралар* - амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

билан белгиланган ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилган чора-тадбирлардан иборат бўлса, *ижтимоий чоралар* – жамият аъзоларида умуминсоний, миллий ва диний қадриятларни шакллантириш, умумтан олинган ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилинишини таъминлаш, миллий ўзликни англаш кабиларни ташкил этади. *Ташкилий чоралар* – ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастур (давлат, ҳудудий ва соҳавий дастур) ва режаларни ишлаб чиқиш, уларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашни ташкил этиш кабилар билан изоҳланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа чора-тадбирларга сиёсий, маданий, маърифий, мафкуравий каби чора-тадбирларни ҳам киритиш мумкин.

6. *Шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатини қуйидагилар келтириб чиқаради:*

- шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворга ёки турмуш тарзига эғалиги;
- шахснинг илгари маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарликни содир этганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилганлиги;
- шахснинг рецидивист, хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист эканлиги.

7. *Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс.* Ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли келгусида ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган жисмоний шахслар ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс дейилади.

Бундай тоифадаги шахслар маънавий ва ахлоқий қадриятларни менсимайдиган, ҳуқуқий негилистик кайфиятга эга бўлиб ҳуқуқбузарлик содир этишга жуда яқин ҳолатда бўлади.

4-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари
Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ш А Р Х

1. Илмий-амалий шарҳланаётган ушбу қонуннинг 3-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсадлари (ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш) назарда тутилган бўлиб ушбу мақсадларга эришиш учун тегишли вазифалар ҳам белгиланган.

2. *Шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишининг таъминланиши* ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш орқали амалга оширилади.

3. *Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириши*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳуқуқий маданиятли шахс ҳуқуқ нормаларидан бохабар бўлиши билан бирга уларга тўлиқ амал қилади ва бундай тоифадаги шахслар ҳуқуқбузарлик содир этишдан йироқ бўлади.

4. *Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чоратадбирлари* Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг «Жиноятларнинг олдини олиш чоралари» деб номланган олтинчи бўлими, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимнома» номли 313-моддаси ҳамда «Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик» номли 196-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. *Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишига мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш* ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси билан таъминланади.

6. *Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш* ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилакти-

каси асосида таъминланади. Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфи «виктимлик» дейилади. Мазкур хавф ёки виктимлик учта, яъни виктимлик паст, ўртача ва юқори бўлган даражаларга ажратилади.

Виктимлик даражаси паст бўлган шахслар – жисмонан бақувват, воқеликка тўғри ёндашувчи ва бошқалар.

Виктимлик даражаси ўртача бўлган шахслар: нейтрал шахслар, яъни ўзи низоли ҳолатни келтириб чиқармайдиган, лекин ноҳақликка чидай олмайдиган шахслар.

Виктимлик даражаси юқори бўлган шахслар: объектив омилларга кўра: маънавий ва жисмоний жиҳатдан ожизлар, аёллар, қариялар, ёш болалар, ногиронлар, пассив характерга эга бўлганлар (кўрқоқлар, журъатсизлар); субъектив омилларга кўра: ишонувчилар, беътиборлар, мақтанчоқлар (бойлигини, ўзини кўз-кўз қилувчилар), уришқоқлар.

Жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришда аввало, виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларга эътибор қаратилади.

7. *Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлиги* амалдаги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат ва ҳудудий дастурлар, қўшма қарор, қўшма буйруқ, қўшма режа ёки дастурлар билан таъминланади ва уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилади. Бу борада ушбу қонуннинг 20-моддасига берилган шарҳда прокуратура органлари ҳузурида тузиладиган мувофиқлаштирувчи кенгашнинг роли ёритилган.

5-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари
Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсонпарварлик;

тизимлилик;

ишонтириш усулининг устуворлиги;

таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва яқка тартибдаги ёндашиш.

Ш А Р Х

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари дейилганда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда риоя этилиши лозим бўлган устувор қоидалар тушунилади.

Қонунийлик принципи ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар томонидан

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда Конституция ва қонунларга қатъий амал қилинишини англатади.

Инсонпарварлик принципи. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида инсонпарварлик принципининг моҳияти шундаки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида профилактик чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда одамларга руҳан ва жисмонан тазйиқ ўтказишга, шахсга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишга мутлақо йўл қўйилмайди ва бу давлат томонидан қафолатланади, акс ҳолда бундай қилмиш жавобгарликка сазовор бўлади.

Тизимлилиқ принципи. Тизим воқеа, ҳодиса, муносабат ва нарсаларнинг ўзаро боғлиқ бўлган ички бирлигидир. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тизимлилиқ принципи бу борадаги чора-тадбирларнинг аниқ ва ўзаро боғланган тартибда амалга оширилишини англатади.

Ишонтириш усулининг устуворлиги принципи. Ишонтириш усулининг моҳияти шундаки, ушбу усул, аввало, тарбиявий-профилактик таъсирга эга бўлиб шахсда ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишга қаратилган маънавий ва ахлоқий ҳамда ҳуқуқий қадриятларга ишонч уйғотади. Шу билан бирга ишонтириш усули камҳаражатлилиги, кенг қўламда амалга ошириш имкониятига эгаллиги, барвақт профилактик характерга эгаллиги билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Ишонтириш усулининг устуворлиги дейилганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда, аввало, мазкур усулга таяниш тушунилади.

Таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда махсус таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш ваколатига эга бўлиб, мазкур таъсир кўрсатиш чоралари ҳар бир шахснинг маънавий ва руҳий олами, маълумоти, ёши, соғлиғи, илгари ҳуқуқбузарлик содир этган ёки этмаганлиги, содир этган ҳуқуқбузарлиги кабиларни инобатга олган ҳолда ҳар бир шахс учун индивидуал ёндашув асосида қўлланилади.

6-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;

ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;

ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси;

ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Ш А Р Х

Илмий-амалий шарҳланаётган мазкур қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларининг самарали амалга оширилишини

таъминлашда, шунингдек бу борадаги ишларни режалаштириш, қилинган ишларнинг таҳлилини олиб бориш каби масалаларда қулайликлар яратиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика турларига бўлинган. Ушбу турларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият ва афзалликларга эга. Мисол учун, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси орқали эришиладиган ютуққа ҳуқуқбузарликларнинг махсус ёки якка тартибдаги профилактикаси билан эришиш жуда мушкул вазифа ҳисобланади.

Қонуннинг кейинги моддаларини шарҳи орқали айнан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг юқорида келтириб ўтилган турларининг афзаллиги ва ўзига хослигига ёритилади.

2 Боб

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ВА УНДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР ҲАМДА МУАССАСАЛАР, УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали ишлаб туришига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожланиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли чора-тадбирларни кўради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ш А Р Х

1. Вазирлар Маҳкамаси ўзининг ижтимоий-ҳуқуқий мақомидан, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуннинг 5-моддаси 1-қисм 4-банди билан берилган ваколати доирасида, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини таъминлаш фаолияти деганда, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси ҳамда 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида келтирилган таркиби, яъни вазирлар, давлат кўмиталарининг раислари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг раҳбарига топшириқлар бериб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг ишлаб чиқилишида иштирок этишга жалб этиш ҳамда кўриб чиқилишини таъминлашга доир фаолиятлар тушунилади.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишлаб чиқилган давлат дастурларини тасдиқлаш фаолияти эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг фақат Вазирлар

Маҳкамасининг қарори билангина тасдиқланиши ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши назарда тутилади.

2003 йил 29 августида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддасида берилган ваколатлар доирасида Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш фаолиятини назорат қилади, уларнинг амалга оширилиши юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини таклиф қилиш ҳамда уларнинг ахборотларини эшитишга ҳақли саналади. Бу борада дастурда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиш учун Вазирлар Маҳкамасининг девонига юклатилган.

2. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида белгиланган тартиб бўйича Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали ишлаб туришига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ҳамда фармойишлар ишлаб чиқади ва қабул қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги норматив тусга ёки ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида қабул қилинса, тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонунчилик ташаббуси билан чиқиши мумкин.

3. Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг «Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш соҳасидаги асосий ваколатлари», – деб номланган 20-моддасида белгиланган ваколатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли чора-тадбирларни кўради.

4. Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси 1-қисмида берилган ваколатлари доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириб ҳамда йўналтириб боради.

5. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонуннинг «Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари», – деб номланган 2-моддасига кўра Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини амалга ошириши мумкин.

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ш А Р Х

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунадиган шаҳарлар, шунингдек шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари (халқ депутатлари Кенгашлари) ва ҳокимлардан иборатдир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» деб номланган XXI боби ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрь куни қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунида келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилишида қатнашиш орқали иштирок этишлари мумкин.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколоти доирасида ўзи фаолият юритаётган маъмурий ҳудуддаги криминоген вазият ҳамда жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки маъмурий ҳудудда фаолият олиб бораётган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар, шунингдек прокуратура органлари ҳузурида тузилган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг таклиф ва тавсияси ёхуд тақдим этган ҳуқуқбузарликлар профилактика-

сига доир ҳудудий дастур лойиҳасига асосланиб, шу билан бирга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат дастурлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат дастурларининг ижросини таъминлаш жараёнида ҳудудий дастурларни вилоят, туман, шаҳар кесимида юқоридан қуйига бўйсунувчи шаклда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 24 ва 25-моддаларида белгиланган ваколатларга асосланиб аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилинишини таъминлашга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кўради. Шунингдек, жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади.

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 4, 5, 24 ва 25-моддаларида ўрнатилган тартибда тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва тегишли ҳокимларнинг бу борадаги фаолияти эса Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

9-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимига қуйидагилар киреди:

**ички ишлар органлари;
прокуратура органлари;**

Давлат хавфсизлик хизмати органлари;

адлия органлари;

давлат божхона хизмати органлари;

давлат солиқ хизмати органлари;

меҳнат органлари;

таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

Ш А Р Х

1. Қонуннинг ушбу нормасида келтирилган субъектлар тизими хизмат фаолияти давомида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширадилар, бошқача қилиб айтганда бу вазифа уларнинг функционал вазифаларидан бири саналади. Айнан шунинг учун ҳам қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари тизими икки, яъни ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этувчи субъектлар тартибда шакллантирилган.

2. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъект тартибда эътироф этилмайди. Улар фақатгина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда иштирок этувчи субъектлар сирасига киради.

10-модда. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ички ишлар органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;

фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чора-тадбирлар кўради;

паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўқотар қуролни сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;

жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар кидирувида иштирок этади;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ш А Р Х

1. Ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 8 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунида келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш кабилар орқали иштирок этадилар.

2. Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколоти доирасида ички ишлар идоралари тизими бўйича (республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида) мавжуд криминоген вазият ҳамда жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ёхуд ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш жараёнида соҳавий дастурларни республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида юқоридан қуйига бўйсунувчи шаклда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар.

3. Ички ишлар идоралари маъмурий ҳудудий бирлик бўйича мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади. Таҳлил натижасида куч ва воситаларнинг тақсимланганлик ҳолатини ҳамда бу соҳада мавжуд бўлган муаммо ва камчиликларни аниқлайди, уларни бартараф этиш юзасидан чоратадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда мавжуд кучлар ва воситалар самарали фойдаланишга доир илғор тажрибаларни ўрганиб, тизимда кенг тарғиб қилинишини таъминлайди.

4. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини амалга оширади. Айниқса, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклиф, тавсия ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқади, шунингдек уларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

Бундан ташқари, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (Олтинчи бўлими) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида (196, 313-моддалари)да белгиланган тартибда аниқлайди ва бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширади.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ички ишлар Вазири томонидан ҳамкорликда 1993 йилнинг 5 январь куни қабул қилинган «Ички ишлар идораларида жиноят ҳақидаги ариза, шикоят ва бошқа турдаги хабарларни қабул қилиш, ҳисобга олиш қайд этиш ва ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги шунингдек, мазкур буйруққа ўзгартириш ва қўшимча киритиш бўйича 1996 йилнинг 17 июль кунида қабул қилинган буйруқлари асосида Ҳуқуқбузарликлар (жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар)нинг ҳисоби ички ишлар органларининг навбатчилик қисмида юритиладиган «Ички ишлар бўлимига телефон, телеграф, сигнал берадиган қўриқлаш мосламаларининг ишлаб кетиши натижасида ва бошқа сигналлар орқали келиб тушган ҳодисалар бўйича маълумотларни ҳисобга олиш журнали (2-шакл)» ёки «Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қайд этиш китоби (1-шакл)»га қайд этиш орқали юритилади.

Профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда жабрланувчининг айбли ёки айбсиз виктимлик ҳолати, ёши, жинси, касби,

маълумоти, оилавий аҳволи, қайси турдаги жиноятнинг қурбони бўлганлиги, шунингдек жиноятчи шахс ҳақидаги ижтимоий демографик, жиноий-ҳуқуқий ва маънавий-руҳий белгиларнинг ўрганилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан, ИИВнинг 1998 йил 5 январдаги «Жиноятларни ва уларни содир этган шахсларни дастлабки ҳисобга олиш ҳужжатларини тўлдириш ва тақдим этиш тартиби, жиноят ишлари, жиноят ҳақидаги материалларнинг ҳаракати ҳақида»ги буйруғи билан белгиланган тартиб асосида жиноят содир этган шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февраль куни қабул қилинган «Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги 39-сонли қарори билан эса маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисоби юритилади. Худди шундай ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларнинг ҳисоби ҳам қонун ва қонуности ҳужжатларда белгиланган тартибда юритилади.

6. Шахсларни профилактик ҳисобга олиш ва уларга нисбатан профилактик ҳисоб ишларини юритиш ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари мажмуи саналади. Ички ишлар органлари ушбу қонуннинг 35-39-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сонли буйруғини 3-9-параграфларида белгиланган тартибга асосан ички ишлар органлари олтита тоифадаги шахсларга нисбатан профилактик ҳисоб ишларини юритадилар.

Профилактик ҳисобга олишдан кўзланган асосий мақсад якка тартибда профилактик таъсир кўрсатиш орқали шахсни ахлоқан тузатиш, келгусида ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш ҳисобланади.

Ички ишлар органлари профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларини манзилли (муайян шахсга нисбатан), ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у содир этган ҳуқуқбузарлик тавсифи ва турини ҳисобга олган ҳолда самарали амалга ошириш учун бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисмларида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлар объектларидан келиб чиққан ҳолда тоифаларга ажратган ҳолда уларга нисбатан ҳисоб профилактика ишларини, шунингдек улар билан олиб борилган профилактик ишлар натижалари бўйича ҳисоботларни юритади, ҳар бир тоифага алоҳида код рақамлари белгиланади.

7. Фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни ошкора ва ноошкора йўллар билан аниқлайди ҳамда уларга нисбатан Ўзбекистон Республика-

сининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, Жиноят, Жиноят-процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларни кўради.

8. Ички ишлар органлари томонидан паспорт-виза режимига риоя қилиниши устидан назорат аксарият ҳолларда «Антитеррор», «Тозалаш» ва «Паспорт-виза» махсус комплекс тезкор-профилактик тадбирлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг паспорт тизимига оид фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2240-сонли «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1999 йил 26 февраль фармони¹ ҳамда «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Бундан ташқари, паспорт-виза режимига риоя қилиниши устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 14 сентябрдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2240-ПФ ва 2009 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4117-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 28 январдаги «Давлат бошқарув органлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг чет эл фуқароларининг паспорт тартибига ва бу ерда бўлиш қоидаларига риоя этишларида масъулиятларини ошириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида»ги 38-Ф сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1999 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 февралда қабул қилинган 91, 92-сонли қарорларини эълон қилиш ва «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби ҳақидаги Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 55-сонли буйруқлари асосида амалга оширилади.

Шунингдек, паспорт-виза режимига риоя қилиниши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва 16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1999. – №3. – 65-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами –2004. – № 22–23. – 259-модда.

ги 200-сонли, 1995 йил 6 январдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 8-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 16 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг биометрик дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикасининг биометрик дипломатик паспорти бериладиган мансабдор шахслар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-4554-сонли Фармони ва мазкур фармонни ижрога йўналтиришга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 октябрдаги 281-сонли қарорлари ҳам муҳим саналади.

Ички ишлар органларининг ўқотар қуролни сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назорати эса аксарият ҳолларда «Антитеррор», «Тозалаш» ва «Арсенал» махсус комплекс тезкор-профилактик тадбирлар асосида амалга оширилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2896-сонли қарорига 2-илоvasи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги» Низомга кўра профилактика (катта) инспектори ўқотар қуролларни сақлаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишга кўмаклашадилар.

Мазкур буйруққа кўра, фуқароларга тегишли бўлган ўқотар ов қуролларини текширишда профилактика (катта) инспектори қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратади:

қуролнинг мавжудлиги ва техник ҳолатига, уни сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқини берувчи рухсатнома ва овчилик жамиятига аъзолик билетининг мавжудлиги ва амал қилиш муддатининг ўтиб кетмаганлиги, қуролнинг русуми, калибри, рақами рухсатномада кўрсатилган рақамларга мувофиқ келишига;

қурол фуқаронинг доимий яшаш жойида, ўқланмаган, бўлакланган ва ғилофга ўралган ҳолда алоҳида темир қути (сейф)да ўқ-дорилар эса темир қутининг алоҳида қулфланадиган қисмида сақланишига, енгил темир қути, девор ёки ерга мустаҳкам қотирилганлигига, шунингдек қурол ва сақланадиган қутининг калитлари ишончли тарзда, бегона шахс ёки ёш болалар эгалик қилишига йўл қўйилмайдиган ҳолда (шахсан қурол эгасида ёки хуфиёна белгиланган жойларда) сақланаётганлигига;

қурол эгалари ҳамда улар билан бирга яшовчи шахсларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, маҳаллада тутган ўрни, атрофдагилар билан муносабатлари (қўни-қўшни, маҳалла фаоллари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан суҳбатлашиш йўли билан);

текширув якунида қурол эгаси билан қурол ва ўқ-дориларни рўйхатга олиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, сақлаш, олиб юриш ва ташишда, шунинг-

дек қуролни тозалаш ва олиб юришда зарурий хавфсизлик қоидалари юзасидан профилактик суҳбат ўтказилади.

Фуқаролар томонидан ўқ-отар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) юзасидан белгиланган муддатларни ёки истиқомат жойи ўзгарган тақдирда бундай қуролларни ички ишлар органларида ҳисобдан ўтказиш қоидалари бузилган ҳолларда профилактика (катта) инспектори томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳақида ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг меъёрий ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда ўқотар қуроли ва ўқ-дорилари белгиланган тартибда олиб қўйилади ҳамда ички ишлар органи навбатчилик қисмига вақтинча сақлаш учун топширилади.

Профилактика (катта) инспектори маъмурий ҳудуддаги ўқотар қурол, ўқ-дориларни сақлаш, ишлатиш рухсат этилган корхоналарда қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган қоидаларига риоя этишни текшириш ва назорат қилишга қаратилган профилактик ишларни ҳар ойда камида бир марта Патруль пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати назорат-лицензиялаш тизими ходими билан ҳамкорликда амалга оширади. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

объектларнинг фаолият кўрсатиши ва уларга тегишли бўлган ўқотар қурол, ўқ-дори, сақлаш учун рухсатномаларни бериш, улардан фойдаланиш тартибларига риоя этилишига;

корхоналарда сақланаётган ўқотар қуролларнинг русуми, рақами ва сони (ўқ дориларнинг тури ва сони, русуми ва миқдори) рухсатномада қайд этилган қуролларнинг русуми, рақамига ва сонига (ўқ-дориларнинг тури ва сонига, портловчи-модда ва материалларнинг тури ва миқдорига) мос келишига, камомад ёки ортиқча, ўғирлаш ва йўқотиш ҳолатлари бор-йўқлигига;

ўқотар қурол, ўқ-дори сақланадиган хонанинг техник мустаҳкамлигига, санитар ҳолатига, қўриқлаш ва ёнғинга қарши ташвишгоҳларнинг ўрнатилганлигига ва бенуқсон ишлашига.

Текширув давомида аниқланган ҳар бир камчилик, у қандай аҳамиятга эга бўлишидан қатъий назар далолатномада кўрсатилади, камчиликни бартараф қилиш учун корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига таклиф берилади ёки тақдимномалар киритилади, шунингдек уларни бартараф этиш учун муддатлар белгиланади ҳамда ички ишлар органи раҳбариятига ёзма равишда ахборот берилади.

9. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига биноан ички ишлар органлари жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органи сифатида жиноятларни фош этишда фаол иштирок этади. Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасида суриштирув органи тариқасида эътироф

этилган ички ишлар органлари (милиция) ўзининг 36-моддада белгиланган терговчиларнинг «ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар бериш» ваколати, 39-модда билан суриштирув органи бошлиғи ёки суриштирувчининг зиммасига юклатилган «терговчи юритаётган иш бўйича унинг айрим тергов ва қидирув ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқларини бажариш ҳамда терговчига унинг тергов ҳаракатларини бажаришида кўмаклашиш» мажбурияти ҳамда 339-модда 2-қисми билан «жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўлланган ҳолда зарур чораларни, хусусан тезкор-қидирув чораларини ҳам кўриш» мумкинлигига оид вазифа доирасида иштирок этади.

Терговга, судга келишдан бўйин товлайётган шахсларга нисбатан қидирув амалдаги ЖПКнинг 365-моддасида белгиланган тартиб ва асосларда эълон қилинади ҳамда амалга оширилади. Бундан ташқари, «тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки терговни ўтказиш» Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддаси билан ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири тариқасида келтирилган.

10. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўллайди.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан қуйидагилар асосида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари амалга оширилиши мумкин: педагогик ёрдам; психологик ёрдам; тиббий ёрдам; ижтимоий ёрдам (иш, ўқиш, яшаш жойи билан таъминланиши, оиласи ва яшаш жойидаги маҳалла аҳли билан киришиб кетишида ёрдамлашиш кабиларда); моддий ёрдам; ҳуқуқий ёрдам.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан қуйидаги ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларни амалга оширади:

- ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга етказилган зарарни ундириш ва реабилитация марказларига жойлаштириш чораларини кўради;
- аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўрганади;

– ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказди;

– ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилади;

– Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонунининг 9, 10, 13-моддаларида назарда тутилган одам савдосидан жабрланганни ижтимоий реабилитация қилинишини таъминлашда иштирок этади.

– Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунининг IV-бобида белгиланган тартибда террорчилик ҳаракати оқибатида етказилган зарарни қоплаш ва жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитация қилинишида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади. Ушбу қонунга кўра террорчилик ҳаракати оқибатида жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш уларни нормал ҳаётини фаолиятга қайтариш мақсадида ўтказилиб, бу борада мазкур шахсларга ҳуқуқий ёрдам берилиши, уларнинг руҳий, тиббий, касбий реабилитация қилиниши, уларни ишга жойлаштирилиши, зарур ҳолларда уларга обод турар жой ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ёрдам берилиши назарда тутилган.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан қуйидаги ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларни амалга оширади:

– Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига кўра вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан иборат махсус бўлинмалари томонидан ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, назоратсиз ёки қаровсиз қолган, шунингдек ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этаётган вояга етмаганларга нисбатан ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларининг амалга оширилишини таъминлайди. Хусусан, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда ахлоқан тузатиш орқали вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш мақсадида яқка тартибдаги профилактика ишини олиб боради;

– иш ва яшаш жойи ноаниқ шахсларни аниқлаб, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ижтимоий реабилитация қилиш учун «Иш ва яшаш жойи ноаниқ шахс-

ларни реабилитация этиш маркази»га жойлаштириш, қабул қилиш, сақлаш ва улар билан ишлаш фаолиятини амалга оширади.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан қуйидаги ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларни амалга оширади:

– озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

– жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишган шахсларнинг оила-сига, шунингдек жамиятга мослашишида кўмак беради;

– профилактик ҳисобга олинган шахснинг ўқиш ёки ишга жойлаштирилишида, шунингдек вақтинча яшаш жойи билан таъминланишида, ижтимоий ҳаётга мослашиши учун моддий кўмак олишида ёрдам кўрсатади;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича ижтимоий кўникма маркази, ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссия, фуқаролар йиғини билан ҳамкорлик қилади;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, шунингдек бу тоифадаги шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотлар фаолиятидаги ижобий натижалар ва салбий таъсир қилаётган омилларни ўрганади ва тегишли чораларни кўради.

– профилактик ҳисобдаги шахслардан ахлоқан тузалаётган ва ўзида ижтимоий ижобий хулқ-атворни шакллантира бошлаганларини рағбатлантириш ёки аксинча ғайриижтимоий хулқ-атворини давом эттирган шахсларга нисбатан эса, қонунда белгиланган тартибда мажбурлаш чораларини қўллайди.

– профилактик ҳисобга олинган шахсга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширишда кўмак беришни сўраб тегишли давлат органларига, корхона, муассаса, ташкилот ҳамда жамоат тузилмаларига мурожаат қилади;

– профилактик ҳисобга олинган шахсни яшаш ва иш (ўқиш) жойидан соат 06.00дан 22.00гача хулқ-атворини, ҳаёт тарзини ва атрофдагиларга муносабатини кузатади, ўрганади, сўраб-суриштиради ҳамда назоратни олиб боради;

– ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ва тузалиш йўлига ўтмаган шахслар масаласини унинг яшаш ва иш (ўқиш) жойида муҳокама қилиш учун йиғилиш кун тартибига қўйиш ташаббуси билан чиқади;

– шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлганда муддатидан илгари шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади ва ижросини таъминлайди;

11. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида белгиланганидек, ички ишлар органлари ўз фаолиятини очик ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан бевосита ҳамкорлиги эса қонуннинг 11-моддаси билан тартибга солинади. Мазкур нормага асосан, Ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни, шунингдек бошқа ахборотни алмашишни амалга оширади.

Эътиборли томони шундаки, ушбу норма билан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотларнинг зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шартлигига доир мажбурият юклатилган.

12. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам муайян ваколатларни амалга ошириши мумкин.

11-модда. Прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Прокуратура органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан солиқ, валютага оид ҳуқуқбузарликлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Прокуратура органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ш А Р Х

1. Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Прокуратура органлари тўғрисида»ги қонунида келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш кабилар орқали иштирок этадилар.

2. Прокуратура органлари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколоти доирасида прокуратура органлари тизими бўйича (республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида) мавжуд криминоген вазият ҳамда жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ёхуд ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди.

Прокуратура органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш жараёнида соҳавий дастурларни республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида юқоридан қуйига бўйсунувчи шаклда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар.

3. Прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Прокуратура» номли XXIV боб 118-моддаси ҳамда 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура органлари тўғрисида»ги қонуннинг 1 ва 2-моддаларида белгиланган мақоми ва ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадilar.

Бу борада прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат ҳисобланади. «Прокуратура органлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида прокуратура органларининг назорати йўналишлари белгилаб қўйилган.

4. Прокуратура органлари мазкур қонун, шунингдек «Прокуратура органлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси ҳамда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида белгиланган тартиб асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан солиқ, валютага оид ҳуқуқбузарликлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади. Бу борада солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

5. Прокуратура органлари «Прокуратура органлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган «қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш» йўналишидаги фаолияти доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади.

6. Прокуратура органлари «Прокуратура органлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида кўрсатилган «қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш» йўналишидаги фаолияти доирасида аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади.

7. Прокуратура органлари «Прокуратура органлари тўғрисида»ги қонуннинг «Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш» номли 8-моддасида, шунингдек мазкур қонуннинг прокуратура органлари ҳузурида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича тузилиб, фаолият юритадиган мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятини тартиб-

га солувчи 20-моддасида келтирилган ваколати доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

8. Прокуратура органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади. Бундан ташқари, «Прокуратура органлари тўғрисида»ги қонуннинг «Халқаро ҳамкорлик»ни тартибга солувчи 52-моддасида берилган ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ чет эл давлатларининг тегишли органлари билан прокурор назорати, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик қилишлари мумкин.

9. Прокуратура органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам муайян ваколатларни амалга ошириши мумкин.

12-модда. Давлат хавфсизлик хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Давлат хавфсизлик хизмати органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

халқаро жиноий ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишни, миллий хавфсизликка улардан келиб чиқувчи таҳдид даражасини баҳолашни амалга оширади, тегишли органлар ва муассасаларга зарур ахборотни тақдим этади;

тинчлик ва хавфсизликка қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишига мойил бўлган шахсларнинг ҳисобини юритади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Давлат хавфсизлик хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ш А Р Х

1. Миллий хавфсизлик хизмати органлари қонун ва қонуности ҳужжатларда белгиланган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда

иштирок этади. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш кабилар орқали иштирок этадилар.

2. Давлат хавфсизлик хизмати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида миллий хавфсизлик хизмати органлари тизими бўйича (республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида) мавжуд криминоген вазият ҳамда жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ёхуд ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди.

Давлат хавфсизлик хизмати органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш жараёнида соҳавий дастурларни республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида юқоридан қуйига бўйсунувчи шаклда ишлаб чиқади, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар.

3. Давлат хавфсизлик хизмати органлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини амалга оширади. Айниқса, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда уларни баргараф этиш бўйича таклиф, тавсия ва профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқади, шунингдек уларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

4. Давлат хавфсизлик хизмати органлари қонун ҳужжатлари асосида берилган ваколатлари доирасида халқаро жиноий ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўплайди, таҳлил қилади ва таҳлиллар асосида миллий хавфсизликка хавф солувчи таҳдидлар даражасини баҳолайди ҳамда бу ҳақда тегишли органлар ва муассасаларга зарур ахборотларни тақдим этади.

5. Давлат хавфсизлик хизмати органлари тинчлик ва хавфсизликка қарши ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларнинг ҳисобини юритади. Уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини, юриш-туриш ҳамда ижтимоий алоқалари бўйича бевосита ёки билвосита ошкора ёхуд ноошкора тарзда назоратни амалга оширадилар.

6. Давлат хавфсизлик хизмати органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар, хусусан, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

7. Давлат хавфсизлик хизмати органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам муайян ваколатларни амалга ошириши мумкин.

13-модда. Адлия органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Адлия органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштириб боради;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

Олдинги таҳрирга қаранг.

(13-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги ЎРҚ-389-сонли Қонунига асосан чиқарилган — ЎР ҚХТ, 2015 й., 32-сон, 425-модда)

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Адлия органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3666-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низом»да келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш кабилар орқали иштирок этадилар.

2. Адлия органлари «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низом»да белгиланган тартибга кўра адлия органлари тизими бўйича (республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида) мавжуд криминоген вазият ҳамда жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган

давлат ёхуд ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди.

Адлия органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш жараёнида соҳавий дастурларни республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида юқоридан қуйига бўйсунувчи шаклда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар.

3. Адлия органлари «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низом»га асосан ўрганиш ва назорат қилиш объекти бўлган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи ва бошқа тузилмаларга аниқланган қонун бузилишларини, уларнинг содир этилишига олиб келаётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича умумлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини назорат қилиш материалларини кечиктириб бўлмайдиган чоралар қабул қилиш учун юборади. Айни бир вақтнинг ўзида текширувлар натижасида аниқланган энг жиддий қонун бузилишлар бўйича материаллар ва умумлаштиришларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига юборади. Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларида «оқ доғлар»ни, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шароит яратаётган қоидалар ва нормаларни аниқлайди ва бартараф этиш чораларини кўради.

4. Адлия органлари «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги» Низомга асосан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш ва Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши аҳволини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳига раҳбарлик қилади.

Аҳоли билан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ушбу ишга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

Адлия органлари жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини самарали мувофиқлаштириш соҳасида қуйидагиларни амалга оширади:

– ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг аҳволини таҳлил қилади, уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

– жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни ошириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий билимларнинг аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этади;

– ҳуқуқ соҳасидаги таълим ишларининг услубий жиҳатдан таъминлашини ташкил этади, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий шакллари жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

– олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг талабалари ва ўқувчилари учун юридик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, шунингдек бошқа юридик адабиётлар нашр этиш режаларини ишлаб чиқади ва нашр этилишини ташкил этади;

– жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

– адлия органлари ва муассасалари учун ҳуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил қилади;

– адлия органлари ва муассасаларини зарур қонунчилик материаллари билан таъминлаш чораларини кўради;

– Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлайди;

– давлатлараро ҳуқуқий ахборотлар алмашишни амалга оширади;

– кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларининг, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами»нинг расмий нашр этилишини ташкил этади;

– тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини белгилайди, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

5. Адлия органлари «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низом»га кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг норма ижодкорлиги фаолиятини тизимли таҳлил қилишни ташкиллаштиради, улар томонидан киритиладиган ёки қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳар томонлама экспертизани амалга оширади.

Адлия органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини изчил амалга оширади. *Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан қуйидагиларни амалга оширади:*

– давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида норма ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга услубий раҳбарликни амалга оширади;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади;

– давлат бошқаруви органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига доир қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг зарурлиги масалалари бўйича олдиндан келишишни амалга оширади;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан таҳлил қилади ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши;

– давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги норма ижодкорлиги фаолиятини мониторинг ва таҳлил қилишни амалга оширади.

Адлия органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасида идоравий норма ижодкорлиги соҳасида қуйидагиларни амалга оширади:

– вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиши;

– вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатлар тоифасига киритиш ҳақида қарорлар қабул қилади;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрини юритади;

– вазирликлар, давлат кўмиталари, идораларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибини бажариш бўйича ишини назорат қилади;

– вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг аҳволи тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиб туради;

Адлия органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги норма ижодкорлиги соҳасида қуйидаги ишларни амалга оширади:

– маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши;

– маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

Адлия органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонунчиликни тизимлаштириш соҳасида қуйидагиларни амалга оширади:

– Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат ҳисобига олади ва қонун ҳужжатларини туркумлаштириш ишларини олиб боради;

– Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритади.

6. Адлия органлари давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, шу жумладан, прокуратура органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалалари бўйича фаолиятини тизимли мониторинг қилишни амалга оширади. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари, шу жумладан, прокуратура органлари томонидан қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, шунингдек уларнинг фаолиятида инсон, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказадиган тарзда ҳуқуқий нормаларни ўзбошимчалик билан, нотўғри талқин қилинишига, қонунни

қўллашда субъективликка, тор идоравий, танлов асосида ёндашишга йўл қўймаслик бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган қуйидаги чоратadbирларни кўради:

– қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши мониторингини ўтказди ва унинг натижалари юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

– давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини, уларнинг қарорлари, фармойишлари, йўриқномалари, буйруқлари ва бошқа ҳужжатларини, шу жумладан, терговга қадар текширув материаллари, жиноят иши ва яққа тусдаги ҳужжатларни истисно қилган ҳолда прокурор назорати ҳужжатларини ўрганади, назорат натижалари бўйича аниқланган қонун ҳужжатлари талаблари бузилишларини бартараф этиш, уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

– қонун ҳужжатларининг бузилиши, ваколатлар доирасидан четга чиқиш, қонун ҳужжатлари нормалари ва қоидаларини нотўғри талқин қилиш ҳолатларини тизимлаштириш учун маълумотларнинг йиғма базасини шакллантиради;

– давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш, норма ижодкорлиги фаолиятида ўтказилган мониторинг ва таҳлиллар натижаларига кўра қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимида аниқланган «оқ доғ»ларнинг ўрнини тўлдириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

– ўрганиш ва назорат қилиш объекти бўлган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи ва бошқа тузилмаларга аниқланган қонун бузилишларини, уларнинг содир этилишига олиб келаётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича умумлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини назорат қилиш материалларини кечиктириб бўлмайдиган чоралар қабул қилиш учун юборади. Айни бир вақтнинг ўзида текширувлар натижасида аниқланган энг жиддий қонун бузилишлар бўйича материаллар ва умумлаштиришларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига юборади;

– ярим йил ва йил яқунлари бўйича давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилишини назорат қилиш натижалари бўйича ҳисоботлар ва умумлаштиришларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этади;

7. Адлия органлари қонун ҳужжатларини бузаётган ва тақиқланган фаолият билан шуғулланаётган нодавлат ноижорат ташкилотларини

аниқлаш мақсадида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ўзаро ҳамкорлик қилади, шу жумладан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши мониторингини амалга оширади. Бу борада фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини ҳолисона ва ҳар томонлама кўриб чиқишини таъминлайди, улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради;

8. Адлия органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам муайян ваколатларни амалга ошириши мумкин.

14-модда. Давлат божхона хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Давлат божхона хизмати органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга оширади;

божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

божхона соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Давлат божхона хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ш А Р Х

1. Давлат божхона хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунида келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар

профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш кабилар орқали иштирок этадилар.

2. Давлат божхона хизмати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколоти доирасида давлат божхона хизмати тизими бўйича (республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида) мавжуд криминоген вазият ҳамда жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ёхуд ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди.

Давлат божхона хизмати органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш жараёнида соҳавий дастурларни республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида юқоридан қуйига бўйсунувчи шаклда ишлаб чиқади, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар.

3. «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига кўра божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш, божхона назоратидан ўтказилиши керак бўлган товарлар ва транспорт воситалари шундай назоратдан ўтказилишини таъминлаш Давлат божхона хизмати органларининг асосий вазифаларидан саналади. Мазкур вазифалар Давлат божхона хизмати органлари ички норматив ҳужжатларида белгиланган асосларда ва тартибда бажарилади.

4. Давлат божхона хизмати органлари божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (Олтинчи бўлимида) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (196, 313-моддаларида) белгиланган тартибга кўра аниқлайди ва баргараф этиш чораларини кўради.

5. Давлат божхона хизмати органлари Давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра божхона соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилин аналга оширади.

6. Давлат божхона хизмати органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур нормага асосан божхона органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари билан ҳамкорликда бажарадилар. Ушбу

органлар божхона назоратини амалга ошириш ҳамда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига қарши курашда божхона органларига кўмаклашишлари шарт ҳисобланади.

Божхона органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа органлар ва ташкилотлар билан аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек бошқа ахборотни қонун ҳужжатларида ва битимларда белгиланган тартибда ўзаро алмашадилар.

7. Давлат божхона хизмати органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам муайян ваколатларни амалга ошириши мумкин.

15-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Давлат солиқ хизмати органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга оширади;

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ш А Р Х

1. Давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август куни қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати органлари тўғрисида»ги қонунида келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар

бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш кабилар орқали иштирок этадилар.

2. Давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида давлат солиқ хизмати тизими бўйича (республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида) мавжуд криминоген вазият ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ёхуд ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди.

Давлат солиқ хизмати органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш жараёнида соҳавий дастурларни республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида юқоридан қуйига бўйсунувчи шаклда ишлаб чиқади, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар.

3. Давлат солиқ хизмати органлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасини амалга оширади. «Давлат солиқ хизмати органлари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига кўра, «солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларини йиғиши, таҳлил этиши ва баҳолаши ҳамда солиқларга оид ҳуқуқбузарликларга йўл очиб бераётган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиши» давлат солиқ хизмати органларининг мажбурияти саналади.

Бундан ташқари, давлат солиқ хизмати органлари солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (Олтинчи бўлими) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196, 313-моддаларида белгиланган тартибда аниқлайди ва бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширади.

4. Давлат солиқ хизмати органлари «Давлат солиқ хизмати органлари тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига асосан солиқ назоратини амалга оширадилар. Солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.

Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, солиқ текширувлари воситасида ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқари-

лиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши ҳамда пул маблағларининг ғайри-қонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифаларидан саналади. Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ҳамда экспорт-импорт операциялари амалга оширилганда қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан ҳам ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга оширадилар.

Шу билан бирга, «Давлат солиқ хизмати органлари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси билан давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мерос ҳуқуқи бўйича ўтган хазиналар ва мол-мулкнинг ҳисобини юритиши, уларни баҳолаши ҳамда уларнинг ўтказилишини назорат этиш, шунингдек давлат даромадига ўтказилган мол-мулкнинг реализация қилинишидан олинган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушиши юзасидан назорат олиб бориши, шунингдек давлат органларига текин ўтказилган мол-мулк ҳисобини олиб бориш мажбурияти юклатилган.

5. Давлат солиқ хизмати органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунга мувофиқ солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади.

6. Давлат солиқ хизмати органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур нормага биноан ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлатнинг бошқа бошқарув органлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ хизмати органларига кўмаклашишлари шарт ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, молия органлари, банклар солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, ўтказилаётган текширувлар тўғрисида ўзаро келишув бўйича аниқланадиган тартибда бир-бирини хабардор қилади, шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорлик қилишдан фойдаланган ҳолда хабардор қилади, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа ахборотларни алмашиб турадилар.

7. Давлат солиқ хизмати органлари ҳуқуқбузарликлар профилактика-сига доир бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам муайян ваколатларни амалга ошириши мумкин.

16-модда. Меҳнат органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактика-си соҳасидаги ваколатлари

Меҳнат органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактика-сига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактика-сига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқ-лайди ҳамда амалга оширади;

аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўради, иш-сизларни ҳисобга олишни ва ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувват-лаш чора-тадбирларини амалга оширади;

меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқбузар-ликлар профилактика-сини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактика-сини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Меҳнат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколат-ларни ҳам амалга ошириши мумкин.

(16-модда Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-416-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2016 й., 52-сон, 597-модда)

Ш А Р Х

1. Меҳнат органлари ушбу қонун ҳамда Ўзбекистон Республика-сининг 2016 йил 22 сентябрь куни қабул қилинган «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 февраль куни қабул қилинган «Ўзбекистон республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 75-сонли, 2016 йил 20 апрелда қабул қилинган «Меҳнат органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 117-сонли қарорлари ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларда келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактика-сига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактика-сига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактика-сига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш кабилар орқали иштирок этадилар.

2. Меҳнат органлари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими бўйича (республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида) мавжуд криминоген вазият ҳамда меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ёхуд ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий (тармоқ) дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди.

Меҳнат органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш жараёнида соҳавий дастурларни республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида юқоридан қуйига бўйсунувчи шаклда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси 2-қисми талаблари асосида, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 май куни қабул қилинган «Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 106-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳудудлар бўйича ҳисоблаб чиқиш Методикаси» асосида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ишсизларнинг (ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларнинг) сонини минтақалардаги туманлар ва шаҳарлар бўйича аниқланишини таъминлайди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги тасдиқланган мазкур Методика асосида олинган ишсизлар ва иш билан таъминланмаганлар сони тўғрисидаги маълумотлардан иш ўринлари яратиш параметрларини ишлаб чиқади, уларга тузатишлар киритади ва ҳудудий бандлик дастурларининг бажарилишини баҳолайди ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, унинг амалга оширилишини таъминлайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февраль куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат, аҳолини иш билан

таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 29-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги» Низомга кўра «меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва аниқланган бузилишларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармасининг асосий функцияларидан бири этиб белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги Низом» ҳам тасдиқланган бўлиб, ушбу Низомнинг 7.2.-бандига асосан инспекция меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва имкон яратган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бартараф этиш учун ҳуқуқий таъсир чораларини кўради, шунингдек меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши юзасидан ташкилотлар ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади. Бундан ташқари, меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини ҳамда меҳнат ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш ҳолати бўйича текширувлар материалларини таҳлил қилади, умумлаштиради, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги муаммоли жиҳатларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

5. Меҳнат органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февраль куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 29-сонли, 2014 йил 15 сентябрь куни қабул қилинган «Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 263-сонли, 2017 йил 5 декабрь куни қабул қилинган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 965-сонли қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ахлоқ тузатиш, мажбурий жамоат ишлари жинойий жазосига ҳукм қилинган, жазони ижро этиш муассасасидан жазо ўтаб қайтган, шунингдек ишсизлар (ишга жойлаштиришга муҳтож

шахслар)ни иш билан таъминлаш, уларга қулай меҳнат шароитларини яратиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш кабилар орқали ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширади.

6. Меҳнат органлари мавжуд қонун ҳужжатлари асосида бошқарма манфаатдор органлар билан ўзаро ҳамкорликда ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштиради, оммавий ахборот воситаларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга оширади.

7. Меҳнат органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам муайян ваколатларни амалга ошириши мумкин.

17-модда. Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

таълим олувчиларда қонунга итоаткорлик ҳуқ-атворини шакллантиришга, уларга жамиятда қабул қилинган ҳуқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;

таълим олувчилар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

таълим олувчиларнинг бандлигини ва бўш вақти мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида ҳаммабон спорт секциялари, техник ва бошқа тўғарақлар, клублар ташкил этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ички ишлар органларига:

ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳақида;

одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида;

таълим олувчи шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;

ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ш А Р Х

1. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ушбу қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 август куни қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрь куни қабул қилинган «Таълим муассасалари тўғрисидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 440-сонли қарори ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларда келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш кабилар орқали иштирок этадилар.

2. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида давлат таълим тизими бўйича (республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида) мавжуд криминоген вазият ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ёхуд ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш жараёнида соҳавий дастурларни республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида юқоридан

қуйига бўйсунувчи шаклда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар.

Шунингдек, айнан таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилган соҳавий дастурларни ҳам ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалга оширилишини таъминлаши мумкин

3. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган соҳавий дастурлар асосида таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади.

Бу борада ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини кўради.

4. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрь куни қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддаси 1-қисми 1-бандида берилган «вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади» мазмунидаги ваколатлар доирасида таълим олувчиларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим жараёнига сингдиради. Мазкур дастурлар ҳамда услублар таълимнинг босқичлари (умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълим: лицей ва касб-хунар коллежи, олий таълим) хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади ва мазкур таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этилади.

5. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрь куни қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида берилган ваколатлари доирасида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган, шунингдек таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди, уларнинг ҳисобини юритади, уларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим олишига, яъни уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга доир чора-тадбирларни кўради.

Алоҳида шароитларда тарбияланиш ва ўқишга муҳтож бўлган болалар ва ўспиринлар учун уларнинг билим олиши, касб тайёргарлиги ва ижтимоий тикланишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ муассасаларида сақланаётган шахсларнинг таълим олиши ва мустақил билим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрь куни қабул қилинган «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 268-сонли қарорига мувофиқ ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолияти юзасидан тизимли назоратни таъминлайди, уларга юкланган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашади.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари таркибидаги ихтисослаштирилган мактабнинг зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилади:

баркамол, жисмоний ва руҳий соғлом шахсни тарбиялаш, болаларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, масъулиятлилик, мустақиллик ва комил инсон бўлишга интилиш туйғусини шакллантириш;

болаларнинг ёшига хос бўлган психофизиологик мойилликлари, қобилиятлари, қизиқишларига, болалар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш талабларига мувофиқ тарзда уларнинг ақлий, эмоционал ва жисмоний ривожланишига кўмаклашувчи психологик, тиббий ва ижтимоий реабилитациясини таъминловчи чора-тадбирларни амалга ошириш;

болаларнинг давлат таълим стандартлари асосида умумий ўрта таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш;

тарбияланувчиларда қонунга итоаткорликни шакллантиришга, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам беришга йўналтирилган дастур ва методик қўлланмаларни рўёбга чиқариш чора-тадбирларини амалга ошириш.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 март куни қабул қилинган «Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида «ўқувчиларда миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, ўз Ватанига ва халқига содиқ фуқарони шакллантириш» умумий ўрта таълимнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Чунончи, мактабдаги барча дарсдан ташқари тарбия ишлари ихтиёрийлик, фаолият турини танлашда мустақиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик принциплари асосида, ота-оналарнинг истаги, ўқувчиларнинг қизиқиши, интилиши ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Болалар ва ўсмирларни тарбиялаш вазифалари педагогик ва ўқувчилар жамоалари, болалар жамоат ташкилотлари, ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар) ва жамоатчиликнинг биргаликдаги ижодий фаолиятида амалга оширилади. Бунинг учун мактабда ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра бир хил ёшли ва турли ёшли бирлашмалари, ўқитувчилар ва ўқувчилар ширкатлари тузилиши мумкин.

7. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан давлат, ҳудудий, соҳавий ва қўшма дастурлар асосида ўзаро ҳамкорликни амалга оширадилар.

8. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 4 ноябрдаги «Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 36/18/49/56-сонли қўшма қарорига асосан ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларини аниқлайди ва ички ишлар органларига хабар беради.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари томонидан ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар қуйидаги йўллар билан аниқланади:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида;
- талаба-ўқувчи ва тарбияланувчиларга таълим бериш жараёнида тўп-ланган маълумотлар асосида;
- талаба-ўқувчи ва тарбияланувчиларнинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда қолганлиги ҳақидаги хабар асосида;
- талаба-ўқувчи ва тарбияланувчилар билан суҳбат ўтказиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа йўллар билан аниқланади.

Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар аниқланган тақдирда, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари томонидан зудлик билан ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига телефон орқали хабар қилиниши шарт. Ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси эса дарҳол хабарнинг рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди ва хабарномага ёзиб қўйиш учун хабар берган масъул шахсга хабарнинг рўйхатдан ўтказилган рақамини беради. Бироқ белгиланган шаклдаги хабарнома давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органи ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг уни расмийлаштирган масъул ходими томонидан имзоланган ва тегишли ташкилотнинг гербли муҳри билан тасдиқланган ҳолда 24 соат ичида ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига етказилиши таъминланмоғи шарт.

Агарда таълим муассасаси ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми билан алоқа ўрната олмаса, хабарномани яқин орадаги ички ишлар органларининг таянч пунктига тақдим этиш орқали ички ишлар органи навбатчилик қисмига етказилишини таъминлаши мумкин.

Хабарнома қабул қилиб олган ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси ёки милиция таянч пункти профилактика инспек-

тори (катта инспектори) хабарноманинг қирқма қисмини уни тақдим этган масъул шахсга ўша вақтнинг ўзида қайтариб беради.

Бунда хабарноманинг ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига етказилишига ҳудудий ички ишлар органи таянч пункти профилактика инспектори (катта инспектори) масъул ҳисобланади.

Таълим муассасалари томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар бўйича тегишли маълумотлар белгиланган шаклдаги «Таълим муассасаларида ҳуқуқбузарликлар фактларини ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни қайд қилиш китоби»га киритиб борилади. Ушбу китоблар рақамланган, тикилган ва тегишли таълим муассасаси ёки соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан муҳрланган бўлиши шарт ҳисобланади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасалари беморнинг касаллик тарихига бемор, беморни олиб келган шахс (агар мавжуд бўлса) ҳамда юз берган воқеа ҳолати ҳақидаги маълумотларни тўлиқ қайд этиши талаб этилади.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасаларининг ички ишлар органларига ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ қуйидаги ҳолатлар ҳақида, яъни:

- ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳақида;
- одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида;
- таълим олувчи шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;
- ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

9. Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам муайян ваколатларни амалга ошириши мумкин.

18-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарлик-

ларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш бўйича ишларни, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкил этади;

аҳоли ўртасида мунтазам тиббий текширувларни ташкил этади;

алкоголизмга, гиёҳвандликка, захарвандликка, рухий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлайди, уларни ҳисобга олиш, текширувдан ўтказиш, шунингдек ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади;

ОИВ инфекцияси, алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандлик тарқалишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни бажариш учун мутахассисларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;

одам савдосидан жабрланганларни белгиланган тартибда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради.

(18-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-416-сонли Қонунига асосан ўнинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2016 й., 52-сон, 597-модда)

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ички ишлар органларига:

ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги ҳақида;

баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки мурожаат этганлиги ҳақида;

одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида;

вояга етмаган шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;

ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ш А Р Х

1. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ушбу қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 август куни қабул қилинган «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 714-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги Низом» ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларда келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш кабилар орқали иштирок этадилар.

2. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари юқорида келтирилган қонун ҳужжатларида белгиланган ваколоти доирасида давлат соғлиқни сақлаш тизими бўйича (республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида) мавжуд криминоген вазият ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ёхуд ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш жараёнида соҳавий дастурларни республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида юқоридан қуйига бўйсунувчи шаклда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар.

«Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига кўра, фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасида мақсадли давлат дастурларини амалга оширади.

3. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини амалга оширади. «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади.

Шунингдек, Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари суриштирувчи, терговчи, прокурор

ҳамда суднинг амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (Олтинчи бўлими) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг 196, 313-моддаларида белгиланган тартибда фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритган тақдимномалари ижросини таъминлашга масъул ҳисобланади.

4. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 август «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида тарқатади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 714-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги Низом»нинг 12-бандидаги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳолига, шу жумладан, давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда тўлиқ ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлашда Вазирликнинг органлари ва ташкилотлари роли ва масъулиятини оширишга йўналтирилган фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги функциялари тариқасида аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантиришни, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантиришни, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 март куни қабул қилинган «Худудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 48-сонли қарори билан тасдиқланган Низомлар асосида вилоят тиббиёт марказлари аҳоли ўртасида оилада тиббий маданиятни ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларини ташкил этса, қишлоқ врачлик пунктлари комплекс санитария-эпидемияга қарши чора-тадбирларни (профилактик эмлаш, муассасалар ва объектлар, сув таъминоти ва аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш устидан жорий санитария назорати), аҳолини санитария-гигиеник тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини, шу жумладан оқилона овқатланишни тарғиб қилиш, алкоголь истеъмол қилиш, чекиш ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш олиб бориш чора-тадбирларини ташкил этади ва амалга оширади.

5. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ушбу ҳамда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги (29.08.1996й) каби қонунларга мувофиқ аҳоли ўртасида мунтазам тиббий текширувларни ташкил этади. Қонун ҳужжатларида ҳар бир

фуқарога, ҳарбий хизматчига ёки ҳарбийлаштирилган муассаса ходимиغا нисбатан ўтказиладиган тиббий текширув тариқасида ўзига хос тартибда белгиланган.

6. Алкоголизмга, гиёҳвандликка, заҳарвандликка, руҳий касалликларга, ОИВ инфекциясига, таносил касалликларига ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар қонун ҳужжатларига кўра ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар сирасига киради.

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилади ва доимий тиббий кузатув таъминланади.

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар рўйхати ва бундай касалликларга чалинган шахслар учун имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам турлари ва ҳажмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда белгилайди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонунида сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволашга юбориш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус даволаш-олдини олиш муассасаларида меҳнатга муқаррар жалб этиш орқали мажбурий даволаш тартиби, шунингдек бу борада ички ишлар органлари ва судларнинг вазифалари белгилаб берилган.

Шунингдек, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрь куни қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги ваколатлари доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини, аввало, соғлом турмуш тарзи тарғиботини назарда тутган ҳолда амалга оширишда иштирок этади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарари тўғрисидаги билимларни аҳоли, аввало, ёшлар ўртасида ёйишга доир чоратадбирларни амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли бўлган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни ташкил этишда ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлашда иштирок этади;

фуқаролар соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ профилактика ишларини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш масалалари борасида нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

алкоголь ва тамакига қарамликнинг диагностикаси ҳамда уни даволашга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, уларга соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

алкоголь идишининг ёрлиғида ва тамаки маҳсулотининг қутисида (ўровида) жойлаштириладиган тиббий огоҳлантиришлар, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари реализация қилинадиган жойлардаги огоҳлантирувчи ёзувлар матнларининг мазмунини кўриб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлайди;

алкоголь ва тамакига қарам бўлиб қолган шахсларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини таъминлайди, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган сурункали касаланиш ҳамда ўлим ҳолатларининг мониторингини амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсири профилактикасига доир тадбирларнинг самарадорлиги мониторингини амалга оширади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик дастурларини амалга оширишда иштирок этади;

алкоголь ва тамакига қарамликнинг профилактикаси ҳамда уни даволаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлайди;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий таъсири профилактикаси масалалари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, шунингдек олий таълим муассасалари учун ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

алкоголь ва тамакига қарамликнинг профилактикаси, диагностикаси ҳамда уни даволаш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидаги таълим муассасаларида ОИВ инфекцияси, алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандлик тарқалишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни бажариш учун мутахассислар тайёрланади, қайта тайёрланади ва уларнинг малакаси ошириб борилади.

8. Одам савдосидан жабрланганларни белгиланган тартибда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрда қабул қилган «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 240-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибга асосан амалга оширади.

9. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан давлат, ҳудудий, соҳавий ва қўшма дастурлар асосида ўзаро ҳамкорликни амалга оширадilar.

10. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 4 ноябрдаги «Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 36/18/49/56-сонли қўшма қарорига асосан ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларини аниқлайди ва ички ишлар органларига хабар беради.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар қуйидаги йўллар билан аниқланади:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида;
- фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнида;
- мурожаат қилган бемор ёки беморни олиб келган шахс билан суҳбат ўтказиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа йўллар билан аниқланади.

Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар аниқланган тақдирда, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ёки соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан зудлик билан ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига телефон орқали хабар қилиниши шарт. Ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси эса дарҳол хабарнинг рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди ва хабарномага ёзиб қўйиш учун хабар берган масъул шахсга хабарнинг рўйхатдан ўтказилган рақамини беради. Бироқ белгиланган шаклдаги хабарнома давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органи ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг уни расмийлаштирган масъул ходими томонидан имзоланган ва тегишли ташкилотнинг гербли муҳри билан тасдиқланган ҳолда 24 соат ичида ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига етказилиши таъминланмоғи шарт.

Агарда соғлиқни сақлаш муассасаси ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми билан алоқа ўрната олмаса, хабарномани яқин орадаги ички ишлар органларининг таянч пунктига тақдим этиш орқали ички ишлар органи навбатчилик қисмига етказилишини таъминлаши мумкин.

Хабарнома қабул қилиб олган ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми навбатчиси ёки милиция таянч пункти профилактика инспектори (катта инспектори) хабарноманинг қирқма қисмини уни тақдим этган масъул шахсга ўша вақтнинг ўзида қайтариб беради.

Бунда хабарноманинг ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисмига етказилишига ҳудудий ички ишлар органи таянч пункти профилактика инспектори (катта инспектори) масъул ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар бўйича тегишли маълумотлар белгиланган шаклдаги «Соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳуқуқбузарликлар фактларини ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатларни қайд қилиш китоби»га киритиб борилади. Ушбу китоблар рақамланган, тикилган ва тегишли таълим муассасаси ёки соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан муҳрланган бўлиши шарт ҳисобланади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасалари беморнинг касаллик тарихига бемор, беморни олиб келган шахс (агар мавжуд бўлса) ҳамда юз берган воқеа ҳолати ҳақидаги маълумотларни тўлиқ қайд этиши талаб этилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ички ишлар органларига ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ қуйидаги ҳолатлар ҳақида хабар қилиши лозим:

– ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавф солувчи бошқа касалликлар тарқалганлиги ҳақида;

– баданига шикаст етган ёхуд беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги ёки мурожаат этганлиги ҳақида;

– одамларнинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдид соладиган оилавий-маиший низолар тўғрисида ва оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида;

– вояга етмаган шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга жалб этилганлиги ҳақида;

– ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида хабар қилиши шарт.

11. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам муайян ваколатларни амалга ошириши мумкин.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

(19-модданинг номи Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 978-модда)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари:

(19-модданинг биринчи қисми биринчи хатбоиши Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 978-модда)

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

(19-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 978-модда)

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрь куни қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасида келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Бу борада улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари бўйича таклиф ва тавсиялар бериш ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларининг лойиҳаларини тақдим этиш кабилар орқали иштирок этадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколати доирасида Табиатни муҳофаза қилиш соҳаси бўйича (республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида) мавжуд криминоген вазият ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари таҳлилидан келиб чиқиб ёки ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ёхуд ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир соҳавий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан тасдиқланган давлат ва ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш жараёнида соҳавий дастурларни республика, вилоят, туман (шаҳар) кесимида юқоридан қуйига бўйсунувчи шаклда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва амалга оширадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виқтимологик профилактикасини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳамда экология соҳасидаги жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (Олтинчи бўлими) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида (196, 313-моддалари)да белгиланган тартибда аниқлайди ва бартараф этиш чора-тадбирларини амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилин амалга оширади. Барча турдаги табиий ресурсларни хўжалик оборотига жалб этиш кўламларини тартибга солиб туриш мақсадида атропоф табиий муҳит ҳолатига антропоген фаолиятнинг таъсирини таҳлил қилиш, айнан шу жумладан.

5. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун асосида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида давлат назорати ва тармоқлараро бошқарувни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро келишган ҳолда амалга оширади.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

органлари ўз ваколатлари доирасида бошқа давлатларнинг тегишли табиатни муҳофаза қилиш органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Шунингдек, жамоат бирлашмалари ва аҳоли билан ҳамкорликда иш юритади, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятларида уларга услубий ёрдам кўрсатади ва кўмаклашади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг давлат экологик назорати борасидаги фаолиятини, шунингдек бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

6. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам муайян ваколатларни амалга ошириши мумкин.

20-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари ҳузурида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурлар бажарилиши устидан назорат қилиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам беришда, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича ўзаро ҳамкорлигини яхшилашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ахборотни тўплаш, сақлаш, ишловдан ўтказиш, таҳлил қилиш ҳамда ундан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиш.

Таркибида ишчи гуруҳлар тузилиши мумкин бўлган мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятининг ташкилий шаклидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар зарур бўлган ахборотни, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олишга, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 21 август куни қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 8-моддасида прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришга доир фаолияти тартибга солинган. Мазкур нормага кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкорқидирув фаолиятни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси», «Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси», «Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси» ҳамда «Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси»нинг ягона мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади.

Қолаверса, ушбу норманинг 1-қисмида белгиланган тартибга кўра прокуратура органлари ҳузурида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилади.

Мазкур мувофиқлаштирувчи кенгашларга прокурорлар раҳбарлик қилади ва улар нафақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилади, балки ушбу соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўради, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Бу борада уларга услубий ёрдамлар кўрсатади.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 21 август куни қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш» номли 8-моддасида белгиланган тартибга кўра прокуратура органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида мувофиқлаштирувчи кенгаш чақириш, ишчи гуруҳларни ташкил этиш, зарур ахборот, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олиш каби ваколатларни амалга оширади.

Мазкур соҳада ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

3. Прокуратура органлари ҳузурида тузиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашлар қонун ва қонуности норматив ҳужжатларда назарда тутилган баҳолаш мезонлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолият натижаларини баҳолайди. Лозим бўлса ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонун ҳужжатлари талабларини бузган, ушбу соҳадаги вазифасини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган орган ҳамда муассасаларга тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаши ҳам мумкин.

4. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштирувчи кенгашга раҳбарлик қилаётган прокурорлар Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 21 август куни қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунининг «Прокурор назорати» номли III бўлимининг «Қонунлар ижроси устидан назорат»ни амалга оширишга доир тартибни белгилаб берувчи 1-боби ҳамда ушбу норма талаблари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурлар бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

Бу борада ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни амалга оширишлари мумкин:

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ҳамда муассасаларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни, шунингдек бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ҳамда муассасалардан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита

амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасаларнинг қўйи тузулмаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, шунингдек бу борада идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга;

– мансабдор шахслар ва фуқаролардан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

5. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича бевосита ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қўйидагиларни амалга ошириши мумкин:

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича бевосита ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонуности норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар киритиши;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича бевосита ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини белгиловчи давлат, ҳудудий ва бошқа дастурларга муайян вазифалар ва чора-тадбирларни белгилаш юзасидан таклифлар киритиши;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича бевосита ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқиши кабилар.

6. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ахборотларни тўплайди, сақлайди, ишловдан ўтказиши, таҳлил қилади ва уларнинг натижаларидан фойдаланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ахборотларни тўплаш, сақлаш, ишловдан ўтказиш ва таҳлил қилиш қонун ва қонуности норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 21 август куни қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 8-моддаси 2-қисмида белгиланган тартибга кўра тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органлар-

нинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақириши, ишчи гуруҳлар ташкил этиши, зарур ахборот, шу жумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олиши ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириши мумкин. Ушбу ишчи гуруҳлар фаолияти мувофиқлаштирувчи кенгашлар томонидан ташкил этилади. Бу борада ишчи гуруҳларнинг чора-тадбирлар дастури (режаси)ни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, чора-тадбирлар дастури (режаси) ижросини назорат қилади ва улардан бажарилган ишлар юзасидан ҳисоботлар қабул қилади.

8. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг талабига биноан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид зарур бўлган ахборотни, шу жумладан статистика маълумотларини бериш мажбурийдир.

9. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам муайян ваколатларни амалга ошириши мумкин.

21-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;

рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;

ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

яраштириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкин.

Ш А Р Х

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрель куни қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунда келтирилган ваколатларга асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этадилар.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган ваколоти доирасида тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш сифати, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига кўра жамоатчилик назоратини қуйидаги шаклларда амалга оширади:

– тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш;

– тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига мурожаат этиш;

– давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш.

Жамоатчилик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат но-тижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чоратадбирлар кўриши шарт.

хар чоракда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ҳамда тафтиш комиссияси раислари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг ҳисоботларини эшитади.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўзининг ҳузурида ташкил этилган комиссиялар, фуқаролар йиғини таркиби ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қуйидаги йўналишлардаги фаолиятида бевосита иштирок этади ва ёрдам кўрсатади.

Хусусан, «Фуқаролар йиғинининг «маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисидаги Низом» талабларига кўра «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

– фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашда;
– ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада аҳоли билан турли профилактика тадбирларини ўтказишда;

– фуқаролар томонидан паспорт тизими, санитария, экология, ёнғин ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши юзасидан тегишли ҳудудда тушунтириш ишларини ташкил қилишда;

– ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйганларни, оила-турмуш доирасида мунтазам ҳуқуқбузарликлар содир этувчиларни, ўзларининг жамиятга зид хатти-ҳаракатлари билан фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ёки улар тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарни, нотинч оилаларни, вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онгини захарлаб, уларни турли диний экстремистик ғоялар таъсирига олиш мақсадида бундай ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи, турли ноқонуний тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борувчи шахсларни, ўсмирларга қонунга хилоф равишда диний таълим берувчиларни, конституциявий тизимга қарши турли

ахборотларни тарқатувчи шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик-тарбиявий ишлар олиб боришда.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси 2-қисмига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудларда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун жавобгар ҳисобланадилар. Бу борада рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирлари билан бир қаторда яна қуйидаги ишларни амалга оширадилар:

– диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино-, фото-, аудио-, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатишни олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш;

– фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбурламаслик;

– вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмаслик;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юрмаслик;

– диний ташкилотлар томонидан диндорлардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи чораларни қўлланмаслик каби чораларини кўради.

5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган ваколоти доирасида «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбарини фуқаролар йиғини кенгаши қарори билан тайинлайди ва тузилмага аъзолар қабул қилади. Жамоатчилик тузилмаси раҳбари билан меҳнат шартномасини тузади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги «Фуқаролар йиғинининг «маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 47-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар йиғинининг «маҳалла

посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисидаги» Низомга кўра ички ишлар органларининг ҳудудий профилактика инспектори билан биргаликда Жамоатчилик тузилмаси фаолиятига умумий раҳбарликни ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига кўра фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича қуйидаги комиссияларни тузилади:

- яраштириш комиссиясини;
- маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияни;
- ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияни;
- хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияни;
- вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияни;
- тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияни;
- экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияни;
- жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияни.

Шунингдек, ушбу комиссиялар ишини мувофиқлаштиради, ҳомийлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказиши.

Тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Комиссияларга раҳбарлик, қоида тариқасида, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари томонидан амалга оширилади.

7. Бу борада ёш авлодни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади. Кам таъминланган оилаларнинг, етим болаларнинг, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг, шунингдек табиий офатлардан ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади. Шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этади, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

8. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир муайян ваколатларни бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳам амалга ошириши мумкин.

9. Нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрель куни қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонун билан берилган ваколатларга, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ҳужжатларига асосланиб ҳамда ўзининг ижтимоий мақомидан келиб чиқиб ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашади ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этади.

Бундан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрель куни қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунининг «Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқлари» номли 7-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотлари «уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш» ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни тузади ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш йўли билан ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этишлари мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролар ошкора ёки ноошкора, ихтиёрий ёхуд мажбурий тарзда иштирок этадилар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил этиладиган «Маҳалла посбони» жамоат тузулмасида фаолият юритадиган маҳалла посбонларини, тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида хабар берган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни ушлашда фаол иштирок этган фуқароларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ихтиёрий равишда иштирок этадиган фуқаролар тоифасига киритишимиз мумкин.

Шунингдек, давлат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқароларга мажбурият ҳам юклайди. Бу мажбуриятга фуқаролик бурчи сифатида ҳам қаралиши мумкин. Агарда шу бурч адо этилмаса, натижада жиноий жавобгарлик келиб чиқиш эҳтимоли юзага келади. Бунинг билан биз амалдаги Жиноят кодексининг 241-модда 1-қисмига кўра тайёргарлик кўрилаётган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда ҳокимият органларига хабар бермаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қamoқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш мумкинлигининг белгиланганлигида кўришимиз мумкин.

3 Боб

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ

22-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тушунчаси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасидир.

Ш А Р Х

1. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига нисбатан берилган таъриф умумий тавсифга эга, бир қараганда унда умумий профилактикага хос бўлган индивидуал хусусиятлар ҳамда умумий профилактиканинг мақсад ва вазифаларини тўлиқ илғаш мушкул. Бироқ ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ўзининг мақсадига, вазифаларига ва ўзига хос хусусиятлар (афзалликлар)ига эга.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ шахс ёки кенг жамоатчиликка нисбатан ғайриижтимоий хулқ атвор ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликни содир этиш усул ва шакллари, виктимологик омилларнинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғибот қилиш ва огоҳликка чақириш мақсадида амалга оширилади.

2. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига хос хусусиятлар ва афзалликлар:

- бир вақтнинг ўзида ўнлаб, юзлаб, минглаб ҳаттоки миллионлаб инсонларга профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эга;
- кам куч ва маблағ сарфланади;
- вақт тежамкорлигига эришилади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига комплекс ёндашилади;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишни талаб қилиш кучига эга.

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига хос хусусиятларнинг ҳар бирининг моҳияти қуйидагилар билан изоҳланади.

Бир вақтнинг ўзида ўнлаб, юзлаб, минглаб ҳаттоки миллионлаб инсонларга профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эгалик – бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари жойларда учрашув,

маъруза, давра суҳбати, конференция, семинар кабиларни ташкил этиш, газета ва журналларда мақолалар чоп этиш, профилактик мазмун ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган китобларни нашр эттириш, телевидениеда кўрсатувлар, фильмлар, намойиш қилиш, радиода эшиттиришлар қилиш, спектаклларни уюштириш орқали бир вақтнинг ўзида кўплаб аҳолига профилактик таъсир кўрсатади.

Келтириб ўтилган умумий профилактик мазмунга эга бўлган тадбирларнинг ҳар бири профилактик таъсир кўрсатиш доираси моҳиятига кўра турличадир. Мисол учун, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъекти муайян меҳнат жамоаси, таълим муассасаси ёки маҳаллада учрашув ўтказиб, ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий салбий аҳамияти, ҳуқуқий оқибати, жавобгарликнинг муқаррарлиги кабиларни етказиш орқали юз-икки юз аҳолига профилактик таъсир кўрсатса, радиоэшиттириш ёки телекўрсатув орқали минглаб, керак бўлса миллионлаб аҳолига профилактик таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боисдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъекти мавзунинг қанчалик долзарблиги ва глобал аҳамиятга эгаллиги ҳамда мавжуд куч ва воситаларга таянган ҳолда умумий профилактик мазмунга эга тадбирлардан бирини ёки бир нечасини белгилаб олади ва амалга оширилишини таъминлайди.

Кам куч, вақт ва маблағ сарфланиши – айтайлик бир соатлик телекўрсатув орқали минглаб фуқароларга профилактик таъсир кўрсатиш учун ўн нафар кишининг меҳнати кифоя бўлса, айнан шу бир соатлик вақт оралиғида якка тартибдаги (индивидуал) профилактикани амалга ошириб, минглаб фуқароларга профилактик таъсир кўрсатиш учун юзлаб профилактика субъектларининг меҳнати талаб этилади. Агар бу бир киши томонидан амалга оширилса, бунинг учун ойлаб, йиллаб вақт сарфланиши мумкин. Бу борада маблағ сарфланиш ҳажмини ҳам худди шу суратда ошиши кузатилади;

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига комплекс ёндашилиши – ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларидан бири ҳисобланган ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурлар республика, вилоят, шаҳар, туман, маҳалла доирасида ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши, дастурларда бир неча йўналишларда вазифаларнинг белгилаб олиниши умумий профилактиканинг комплекс ёндашилишини ўзида ифодалайди.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишни талаб қилиш кучига эгаллиги – ушбу талаб ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари ёритилган ушбу қонуннинг 23-моддасида белгиланган «ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-

шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш» профилактик чора-тадбир тақдимнома юборилган органга ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш мажбуриятини юклайди. Бу ҳақда қуйида батафсил тўхталамиз.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикаси объектлари.

Юқорида ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикасининг тушунчасига ва ўзига хос хусусиятларига тўхталиб, унинг мазмун ва моҳиятини ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда умумий, комплекс ва ҳажм жиҳатдан кенг доирада ёндашилиши таъкидланди. Мазкур мантиқдан келиб чиқсак, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик таъсир кўрсатиш объектлари сифатида барча фуқаролар, ҳаттоки чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда юридик шахсларни ҳам киритиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикасининг усуллари:

- ишонтириш;
- рағбатлантириш;
- мажбурлаш.

«Ишонтириш» усули - профилактика қилинувчига тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий усули. Тарбиялаш-ишонтиришдир. Ишонтириш иш ва сўз орқали амалга оширилади. Ишонтириш усули соф тарбиявий хусусиятга эга бўлиб, улар профилактика қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди.

Бу усулнинг аҳамияти шундаки, «ишонтириш усулининг устуворлиги» ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принципларидан бирини ташкил этиб, ҳар бир профилактик чора-тадбирлар замирида ётади.

Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасида қўлланиладиган одатдаги ишонтириш мазмунига эга чораларга суҳбатлар, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларидаги муҳокамалар, жамоат тарбиячилари, мураббийлар кабиларни тайинлашни киритиб ўтиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикасини амалга оширишда «ишонтириш» усулининг аҳамияти жуда катта. Буни бевосита Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принципларидан бири сифатида «ишонтириш усулининг устуворлиги»ни эътироф этилганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

«Ишонтириш» – диний нуқтаи назардан ҳам, дунёвий нуқтаи назардан ҳам унинг моҳиятида беқиёс куч манбаи мавжуд эгалигига оид фикр ва қарашлар илгари сурилади.

Диний ёндашув ҳар қандай эътиқоднинг замирида, ҳаттоки қилинган амалларнинг савоб ёки гуноҳ эканлигини белгилашда ҳам ўша ишонч

катта рол ўйнашлигини, ишонч йўқ жойда чин эътиқод ҳам бўлмаслигини эътироф этади.

Дунёвий билимлар эса, муайян мақсадга эришиш ва қийинчиликларни енгишга, муносабатларнинг самимий ва бардавом бўлишлигига ишонч орқали эришиш мумкинлигини талқин этади.

Дарҳақиқат, ишонч муносабатларнинг нафақат бардавомлигини, балки бу борада илк алоқаларнинг ўрнатилишини ҳамда томонлар ўртасида манфаатдорликни юзага келтирувчи реал манба бўлиб ҳам хизмат қилади. Чунки кимки ўзга бир инсонга ишонмас экан, унда у ушбу шахснинг сўзига, фикр ва қарашларига, мақсад ва муддаоларига бефарқ бўлади. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасида профилактика субъектлари ва объектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам дахлдордир.

Зеро, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи субъект, борди-ю ижтимоий-ҳуқуқий муносабатга киришаётганда профилактиканинг объектларида (ғайриижтимоий хулқ-атворда бўлган, ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ҳамда виктимлиги юқори бўлган шахсларда) ўзаро ишончни уйғота олмас экан, унда улар ўртасида олиб борилган ҳар қандай профилактик чоратадбирлар самарасиздир. Шунинг учун ҳам «ишонтириш усулининг устуворлиги» ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг махсус принципи тариқасида эътироф этилган.

«Рағбатлантириш» усули – асосан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланилади, бироқ умумий профилактика ҳам бундан мустасно эмас. Умумий профилактикани амалга оширишда рағбатлантириш усули асосан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектларига нисбатан қўлланилишини кузатиш мумкин. Мақсад, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда субъектларнинг фаоллигини оширишдан иборат.

Буни бевосита республика миқёсида ўтказиладиган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик танловида ҳамда ушбу кўрик танловда профилактика инспекторлари ва жамоат тузулмалари аъзоларини рағбатлантириш чоратадбирларида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 300-моддасига кўра тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ва прокурор – такдимнома, суднинг эса ажрим чиқариши кабиларда кўриш мумкин.

«Мажбурлаш» усули – ушбу усул ҳам рағбатлантириш усули сингари одатда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларига нисбатан қўлланилади, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектларига нисбатан қўлланилиши эса ўз-ўзидан профилактиканинг якка тартибдаги турига айланиб

кетади. Шу боисдан мажбурлаш усули асосан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланади.

Мазкур усулнинг умумий профилактикада қўлланилишини амалдаги Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг нормалари талаблари асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг ваколатли ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоа ёки мансабдор шахсга тақдимнома ёки суд томонида хусусий ажрим киритилишида кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, умумий профилактиканинг амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган, барча фуқарони жиноятларни очиш ва айбдорларни фош этишга ундайдиган амалдаги Жиноят кодексининг 241-моддасида жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганлигини ҳам бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу норма билан барча жисмоний шахслар зиммасига тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида хабар бериш, шунингдек олдиндан ваъда берилмаган бўлса-да, оғир ёки ўта оғир жиноятларни яширмаслик мажбурияти юклатилади. Акс ҳолда қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят деб баҳоланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикасининг шакллари.

Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикасида профилактиканинг оғзаки, ёзма, кўргазмали ва амалий ёрдам бериш кабилардан иборат барча шаклларидан унумли фойдаланилади ва айнан улар орқали профилактиканинг самарадорлиги таъминланади.

Хуллас, ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикаси ўз мақсади, объекти ва субъектларига, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликларига, шунингдек профилактиканинг усул ва шаклларидан фойдаланишда индивидуалликка эга. Бу ҳақда билмаслик, ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактикаси самарадорлигига путур етказди.

23-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чоратадбирлари

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чоратадбирлари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ш А Р Х

1. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тасдиқланган дастур, режа ва жадваллар асосида, шунингдек соҳавий хизматларнинг ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотлар билан ўзаро келишув асосида амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнига ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки иштирок этувчи орган ва муассасалар бир-бирларини ўзаро жалб этишлари мумкин.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талабларига кўра ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Бироқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ушбу дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Буни Ички ишлар вазирлиги мисолида қуйидагича кузатишимиз мумкин.

Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг давлат дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлиги ҳудудий органларнинг асослантирилган таклифи, ҳисобот-тахлилий ишлари натижаларига асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир идоравий, шунингдек бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда идоралараро дастур ва режаларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши ҳам мумкин саналади.

Маълумки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳудудий дастурлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ҳудудий ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш юзасидан маҳаллий давлат

ҳоқимияти органларига, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга (кейинги ўринларда мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) таклифлар киритиб бориши мумкин. Бундан ташқари, ҳудуднинг криминоген вазиятидан келиб чиқиб идоравий, шунингдек бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органлари ёхуд жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда идоралараро дастур ва режалар ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалга ошириши мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш юзасидан давлат дастури тасдиқланганида ИИВда идоравий (соҳавий) дастур ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. ИИВнинг тасдиқланган дастури асосида эса жойлардаги ички ишлар органларида ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан ИИВнинг идоравий дастури ва жойлардаги ички ишлар органларининг ҳудудий дастурлари асосида соҳавий хизматлар ўз дастурларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан дастурлар ижросини таъминлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасанинг ҳамкорлиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлганда ёки ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш зарурияти туғилганда, бу ҳақда ички ишлар органининг раҳбарияти мувофиқлаштирувчи кенгашга ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин.

2. Маълумки, мамлакатимизда ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият масалаларига жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда.

Буни қонун ҳужжатлари билан айрим субъектлар зиммасига аҳоли ўртасида кенг доирада ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш вазифасининг юкланганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан: Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 12²-моддаси билан «аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот чора-тадбирларни амалга ошириш» адвокатлар палатасининг асосий вазифаларидан бири сифатида, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси билан «алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини, аввало, соғлом турмуш тарзи тарғиботини назарда тутган ҳолда амалга оширишда иштирок этиш» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш, уларнинг салбий таъсири профилактикаси соҳасидаги ваколоти, шунингдек «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси билан «ёнғин хавфсизлиги соҳасида ёнғинга қарши тарғиботни, ўқитишни ва ахборот билан таъминлашни амалга ошириш» Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ваколоти тариқасида белгилаб қўйилган.

Шу ўринда, «тарғибот», «ташвиқот», «ҳуқуқий тарғибот», «қонунчилик тарғиботи» тушунчаларига ойдинлик киритиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

«Тарғибот» сўзининг ўзаги «тарғиб» бўлиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатида «тарғиб» хоҳишни, қизиқишни кучайтириш, шунингдек тарғиб қилмоқ – чуқур тушунтириш йўли билан бирор ғоя, таълимот ва шу кабиларни ёймоқ, кишиларнинг онгига сингдирмоқ, шунингдек тушунтириш йўли билан бирор ишга чақирмоқ, даъват этмоқ маъноларини англатса, «тарғибот» эса бирор ғоя, таълимот ва шу кабиларни ёйишга, кишилар онгига сингдиришга қаратилган ишлар, тарғиб ишлари маъносини англатади.

Мазкур изоҳли луғатда «ташвиқ» сўзига «қизиқиш, хоҳишни кучайтириш. Бирор нарсага йўллаш, йўналтириш, чақириш мақсадидаги гап-сўз, хатти-ҳаракат ва шу кабилар» деб, «ташвиқот»га эса «оммага сиёсий ёки бошқа жиҳатдан таъсир кўрсатиш мақсадида ёзма ва оғзаки равишда қилинадиган ишлар, тадбирлар» тариқасида изоҳ берилган.

Кўриниб турибдики, «тарғиб» ва «ташвиқ» тушунчалари муайян жараён ва ундан кўзланган мақсадни ўзида ифодаласа, «тарғибот» ва «ташвиқот» эса жараёнлар йиғиндиси, бошқача айтганда, комплекс тадбирлар мажмуасидан иборат эканлиги намоён бўлади.

Эътиборли томони шундаки, мазкур тушунчалар мазмун жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлиб, бошқаларда қизиқиш, хоҳишни кучайтириш орқали улар онгига тушунча, ғоя ёки таълимотни сингдиришга қаратилгандир. Бу тушунчаларнинг бири иккинчисини тўлдиради ва айнан шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётда «тарғибот-ташвиқот» бир-бирига жуда ҳам яқин тушунчалар тариқасида қўлланилиб келинади¹.

«Хуқуқий тарғибот» умумий тарғиботнинг бир йўналиши бўлиб, унда асосан аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ масалаларнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига етказиш, шу асосда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсад қилиб қўйилади.

Сўнгги пайтларда ҳуқуқий адабиётларда «ҳуқуқий тарғибот» билан бирга «қонунчилик тарғиботи» тушунчаси ҳам қўлланилмоқда.

«Хуқуқий тарғибот» тушунчаси «қонунчилик тарғиботи»га нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар доирасидаги масалаларни тарғиб қилишни назарда тутди. Мисол учун, муайян турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар, уларни содир этишнинг усул, шакл ва воситалари, виктимлик ҳолатлари, ҳуқуқбузарликлардан ҳимояланиш

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж.ИВ. Тартибот-Шукр / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т., 2008. – 608 б.

чора-тадбирлари кабилар билан боғлиқ масалаларга урғу берилса, «қонунчилик тарғиботи» эса фақат қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатларнинг мазмуни ва моҳиятини ёритишга қаратилади. Энг эътиборли томони, ҳуқуқий тарғибот керак бўлса қонунчилик тарғиботини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Маълумки, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Шу боисдан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқаро андозаларга мос миллий қонунчилик асосларини яратиш билан бирга уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш ишларига жиддий эътибор қаратилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини ва маданиятини ошириш учун оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш, таълим муассасалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида ҳуқуқий тадбирлар ташкил этиш, бир сўз билан айтганда қонунчилик тарғиботини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ўта муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июндаги Фармони эслаб ўтиш жоиз бўлади. Бу борада аҳолининг замонавий, фуқаролик жамиятига хос янги ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини шакллантиришда Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2017 йил 4 апрелдаги 175-сонли қарори ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қарор билан «Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари тўғрисидаги Низом» тасдиқланди ҳам мазкур Идоралараро кенгаш ва унинг ҳудудий комиссияларининг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Қонунчилик тарғиботи ҳақида сўз юритилганида бир масалага алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади, яъни қонунчилик тарғиботи деганда, янги қабул қилинган қонунни ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатни фақат маълумот тарикасида етказилишини тушунмаслик керак. Балки, унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тўла-тўқис тушунтириб бериш зарур бўлади.

Гап шундаки, қонун тарғиботчисининг шахси, яъни унинг назарий-ҳуқуқий билими, фикрлаш доираси, хулқ-атвори, амалий тажрибаси, ҳозиржавоблиги, керак бўлса нотиқлик санъати, жамоада, оилада, маҳаллада тутган ўрни ва обрўси, ўз навбатида, маънавияти муҳим ўрин тутди. Ана шундай фазилатларга эга бўлган тарғиботчигина атрофдагиларнинг

қизиқишини, хоҳишини кучайтириши, рағбатлантириши мумкин, кишилар онгига ниманидир сингдиришга эришади. Зотан, ҳуқуқий тарғиботнинг самараси тарғиботчининг кишиларни мисол ва далиллар билан ишонтириши ва уларни ўз ортидан эргаштира олишида намоён бўлади.

Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтириш каби давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти шаклланиши ҳамда юксалишини таъминлаш, шунингдек аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш;

– аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти шакллантириш ҳамда юксалтиришда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш;

– аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, бунда ахборот беришнинг самарали усул ва воситалари тизимини такомиллаштириш;

– нодавлат нотижорат ташкилотлар ва давлат органларининг ижтимоий ҳамкорлиги доирасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

Ҳуқуқий тарғибот қуйидаги уч шаклда амалга оширилади:

– оғзаки;

– ёзма;

– кўргазмали.

Ҳуқуқий тарғиботнинг оғзаки шаклига, ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг белгиланган шартлари, тартиби, қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бағишлаб аҳоли ўртасида маъруза қилиш, радиоэшиттиришлар қилиш, викторина, давра суҳбати, семинар-тренинг, учрашувлар ўтказиш кабиларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқий тарғиботнинг ёзма шаклига эса ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг белгиланган шартлари, тартиби, қонун ва қонуности ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига бағишлаб мақолалар, китоб ва қўлланмалар ёзиш ва чоп эттириш, аҳолининг муайян қатламига мўлжаллаб буклетлар тайёрлаб, тарқатиш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳуқуқий тарғиботнинг кўргазмали шаклига аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видео роликлар намоёиш қилиш, кинофильмларнинг муайян эпизодларида акс эттириш, телевидениеларда «Бир жиноят изидан», «Жиноят ва жазо» каби кўрсатувларни эфирга узатиш, плакатлар тайёрлаб аҳоли кўп тўпланадиган ва гавжум бўлган жойларда, ички ишлар органларининг маъмурий бино (МТП)ларида кўргазмали эълонлар осиш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишга қўйидаги талаблар қўйилади:

Ҳуқуқий тарғибот субъектларига қўйиладиган талаблар – бу борада авваламбор, кимлар ҳуқуқий тарғибот субъекти бўлиши мумкинлигига ойдинлик киритиш талаб этилади. Мазкур субъектларга ҳуқуқий тарғибот ташкилотчилари, яъни тарғибот ўтказадиган орган, муассаса, ташкилот ва жамоат тузулмалари бўлиши мумкин.

Тарғибот ўтказадиган орган ва муассасалар тарғибот ўтказишдан олдин қуйидаги масалаларга ойдинлик киритиши талаб этилади:

– ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғиботи ўтказилиши кераклигига;

– ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғиботи қайси шаклда, яъни маъруза қилиш, учрашув ўтказиш, давра суҳбати, телекўрсатув, радиоэшиттириш кабиларда ўтказилишига;

Қуйидагилар асосан маъруза шаклида ўтказиладиган ҳуқуқий ва қонунчилик тарғиботлари бўйича тавсия этилади.

– нима мақсадда, қайси мавзуда, қаерларда ҳуқуқий тарғибот ёки қонунчилик тарғиботи ўтказилишига (тарғибот уни ўтказувчи субъектлар ташаббуси билан ёки тарғибот ўтказиладиган орган, муассаса, ташкилот ва жамоат тузулмаларнинг сўрови ёки илтимосига кўра ўзаро келишувга асосан ёхуд тасдиқланган жадвал кабиларга асосан ўтказилиши мумкин);

– тарғибот кимлар (мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари ёки олий таълим муассасаси талаблари, маҳалла фуқаролари, муайян муассаса ходимлари кабилар)га нисбатан ўтказилишига, шунингдек уларнинг ёши, жинси, касби, қизиқишларига доир психологик хусусиятлари, маълумот даражаси ва дунёқараши кабиларга;

– юқоридагиларни инобатга олиб маъруза матни, мультимедиа материаллари, фрагментлар ва бошқа фойдаланиладиган кўргазмали воситалар ким томонидан, қайси мазмунда тайёрланишига (маърузанинг мазмуни асосан тарғибот объектларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини эътиборга олган ҳамда уларнинг манфаатидан келиб чиққан, яъни реал ижтимоий ҳаётда уларни қизиқтирадиган ва улар учун керакли бўладиган маълумотлардан фойдаланган ҳолда тайёрланиши мақсадга мувофиқ саналади);

– педагогик ва нотиклик қобилияти, билим даражаси, касбий маҳорати ва иш тажрибаси, кўпчилик олдида ўзини тута олиш кўникмаси (кийиниш, сўзлашиш ва муомала маданияти) каби касбий хусусиятлар ҳамда инсоний фазилатлари асосида маърузачи (лар)ни танлаш ва белгилашга;

– тарғибот (маъруза) жараёнини назорат қилиш ва натижаларини, шунингдек ҳуқуқий тарғибот объектларини қизиқтирган ва улардан келиб тушган саволлар ҳамда таклиф ва тавсиялар ўрганиш, таҳлил қилиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда келгуси тарғиботларда уларни инобатга олиш масаласига;

– ўтказиладиган ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғиботи жараёнини фото ва видео воситаларига олиниши, шунингдек оммавий ахборот воситалари

(телевидение, радио ва газеталар)нинг иштирок этиши ва бу ҳақдаги ахборотларни оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио ва газеталар)да узатилиши каби масалаларга;

Ҳуқуқий тарғибот масаласида тарғибот ўтказиладиган орган, муассаса, ташкилот ва жамоат тузулмалари қуйидагиларга эътиборларини қаратишлари лозим ҳисобланади:

– орган, муассаса, ташкилот ва жамоат тузулмалари ходимлари, ўқувчилари, талабалари, аъзолари кабиларни сиғдира оладиган тарғибот марказлари (бино ёки бино ичида катта зал)га эга бўлишга;

– ҳуқуқий тарғибот ўтказиладиган хонани техник воситалар (микрофон, колонка (овоз эшиттирувчи карнай), овоз кучайтиргич, мультимедиа материалларини қўйишга мўлжалланган мультимедиа воситалари, доска (бўр) кабилар) билан таъминланишига;

– маъруза жараёнида зарур маълумотларни қайд этиб боришлари учун ҳуқуқий тарғибот объектларига қулайликлар яратиш, бунинг учун аудитория ёки тарғибот марказини ўтириш ва ёзишга қулай жиҳозлар билан таъминланишига;

– ўтказиладиган ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғибот мавзуси, мақсади ва вазифалари ҳақида ҳуқуқий тарғибот объектларини камида уч кун олдин хабардор қилишга;

– агарда ҳуқуқий тарғибот ўз ташаббуслари билан ўтказиладиган бўлса, унда ўтказиладиган ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғиботи жараёнини фото ва видео воситаларига олиниши, шунингдек оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио ва газеталар)нинг иштирок этиши ва бу ҳақда оммавий ахборот воситалар (телевидение, радио ва газеталар)да узатилиши каби масалаларга.

Маъруза шаклида ўтказиладиган ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғиботи юзасидан тайёрланадиган материалларига қўйиладиган талаблар:

– маъруза матнлари барчага бирдай тушунарли тилда, содда ва рагон ёзилган бўлиши ва унда асосан тингловчини қизиқтирадиган, ижтимоий ҳаётда турли муносабатга киришганида у фойдаланадиган тартиб-қоидалар ва маълумотларнинг акс эттирилган бўлиши;

– мультимедиа материалларидаги ёзувлар ва белгилар барча кўра оладиган шрифт катталиқда, маълумотларни чалғимасдан илғаб олиш имконини берадиган фонда тайёрланиши.

Маърузанинг қизиқарли, тушунарли ва самарали ўтиши кўп жиҳатдан маърузачига ҳам боғлиқ, бу эса маърузачига нисбатан муайян талаблар қўйилишини ўзида ифодалайди. Бу ҳақда юқорида батафсил тўхталдик. Шу боис, ушбу масалага такрор тўхталишни жоиз топмадик.

Ҳуқуқий ва қонунчилик тарғиботлари ўтказишга мўлжалланган «Маънавият тарғибот марказлари»га қўйиладиган талаблар:

– камида 100-150 нафар тингловчини сиғдира олиши;

– тингловчилар ўтириши ва ёзишига қулай жиҳозлар билан жиҳозланиши;

– совитиш ва иситиш мосламаларига эга бўлиши;

– сўзга чикувчилар учун минбар, техник воситалар (микрофон, колонка (овоз эшиттирувчи карнай), овоз кучайтиргич, мультимедиа материалларини қўйишга мўлжалланган мультимедиа воситалари, доска (бўр) кабилар) билан таъминланиши.

Ҳуқуқий ёки қонунчилик тарғибот (маъруза)ни ўтказишга ташкилий ва методик жиҳатдан тайёргарлик кўриш босқичлари:

1. Тарғибот (маъруза)га тайёргарлик кўриш босқичи. Мазкур босқичда ҳуқуқий тарғибот ўтказадиган корхона, муассаса, ташкилот ҳамда ҳуқуқий тарғибот ўтказиладиган корхона, муассаса, ташкилот ўртасида битим, шартнома имзоланиши ёки жадвал тасдиқланиши. Ушбу жараёнда қайси мавзуларда, кимларга нисбатан, қачон, кимлар иштирокида ҳуқуқий тарғибот ўтказилиши, ҳуқуқий тарғиботни ўтказувчи шахсларни танлаш ва белгилаш ҳамда уларнинг тайёргарлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқий тарғиботда иштирок этувчи тингловчиларни бу ҳақда огоҳлантириш ва тадбирга тайёрлаш ҳамда тадбирнинг қисқача сценарий режасини ишлаб чиқиш, ОАВни жалб этиш, тарғибот жараёнини фото ва видеотасвирга олиш чораларини кўриш кабиларга оид масалалар ҳал этилади.

2. Тарғибот (маъруза)ни бевосита амалга ошириш босқичи. Бу босқичда ишлаб чиқилган сценарий режа асосида тарғибот амалга оширилади. Ушбу жараёнда маърузачиларга катта масъулият юклатилади. Улар ўзининг билими, ҳаётий ва касбий тажрибаси, нотиклик санъати, мавзу юзасидан берилаётган маълумотлари ва фактларига таяниб аудиторияни ўзига жалб этиши, бунинг учун тингловчиларнинг ёши, жинси, маълумот даражаси, касби ва қизиқишлари каби хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиши лозим ҳисобланади. Аслида мазкур хусусиятлар тайёргарлик кўриш босқичида аниқланиши ва ўрганилиши керак бўлади. Бироқ маъруза жараёнида савол-жавоб қилиб бу ҳақдаги айрим хусусиятлар ҳақида маълумотларга эга бўлиш мумкин. Бу аудиторияни жонлантириш, тингловчиларнинг қизиқиши ва эътиборини жалб этиш учун ҳам хизмат қилади.

Тарғибот жараёнини сифатли фото ва видеотасвирга олинишини таъминлаш.

3. Тарғибот (маъруза) жараёни ва натижаларини расмийлаштириш. Одатда тарғибот (маъруза) жараёни ва натижалари йиғилиш баённомалари ва унга илова қилинадиган фотолавҳаларда ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, қўшимча равишда маълумотнома, ахборот хати каби ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилиши мумкин. Шунингдек, тарғибот ўтказилган корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тарғибот ўтказган ташкилот ёки муассаса раҳбариятига ташаккурнома ёхуд миннатдорчилик хатлари ёзиб тақдим этишлари мумкин.

Бундан ташқари, тарғибот (маъруза) жараёни ва натижаларини таҳлил қилиш ва келгусида ҳуқуқий тарғиботни самарали ташкил этиш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва келгусида яна қандай мавзуларда ҳуқуқий тарғибот ўтказиш керак, ҳуқуқий тарғиботни режалаштириш ҳамда унга тайёргарлик кўришда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги каби масалалар юзасидан хулосалар қилиш талаб этилади.

Юқорида келтирилган талаб, тартиб ва қоидалар мантиқийлик қонуниятлари ҳамда ижтимоий заруратдан келиб чиқиб берилаётган тавсиялардир. Ушбу талаблар, тартиб ва қоидаларга мазмунан ёндашган ҳар қандай тарғиботчи уларга риоя қилинмасдан ўтказилган ҳуқуқий ва қонунчилик тарғиботи самарали натижага эришиш қийинлигини англаб етади.

4. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар муайян шахсда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки муайян ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига, шунингдек бир гуруҳ шахсларда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига туртки берган сабабларни ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайдилар, уларни бартараф этиш юзасидан вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритиб борадилар.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш чорасини назарда тутувчи қонун нормаси фақатгина амалдаги Жиноят-процессуал кодекси (Олтинчи бўлим) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196, 313-моддаларида ўз ифодасини топган.

Бироқ «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талаблари ҳуқуқбузарликка қарши курашувчи, унинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаб, бартараф этилишини таъминловчи ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳам ўз фаолияти жараёнида аниқланган жиноятчиликка оид статистик ҳамда бошқа маълумотлар таҳлиliga асосланиб, муайян вазирлик, давлат кўмитаси ёки идоралар ва унинг қуйи тузилмалари даражасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишлари мумкинлигини тақозо этади. Мисол учун, Республика Бош прокурори ИИБга, вилоят прокурорлари вилоят ИИБларга тақдимномалар киритиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ушбу мазмундаги тақдимномаларни қуйидагича гуруҳлаштиришимиз мумкин:

- прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар;
- ҳуқуқбузарлик ишини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар.

Прокурор томонидан киритиладиган тақдимномалар – Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август куни янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддасига кўра, прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа субъектлар томонидан киритиладиган тақдимномалар – ушбу субъектлар фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун ва қонуности ҳужжатларда белгиланган тартибда киритилади. Бу борада «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун ҳам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Чунки, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида келтирилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимидан ўрин олган ҳар бир субъектга қонун чиқарувчи «ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш» ваколатини берган.

Ҳуқуқбузарлик ишини юритувчи мансабдор шахслар томонидан киритиладиган тақдимномалар – ҳуқуқбузарлик ишини юритувчи мансабдор шахслар (амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 3-бобида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) ҳамда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасида кўрсатилган мансабдор шахслар) томонидан амалдаги Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган процессуал тартибда ўз иш юритувидаги ҳуқуқбузарлик (маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят) иши бўйича киритади.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 313-моддаси ва Жиноят-процессуал кодексининг 299-моддаси талабларига кўра тегишли давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоа ёки мансабдор шахс суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан киритилган жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғриси-

даги тақдимнома ёки суднинг хусусий ажрими талабларини бажариш мажбуриятига эга. Акс ҳолда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби келиб чиқиб, тегишли мансабдор шахсларни жавобгарликка тортишга асос юзага келади.

Мазкур жавобгарликнинг келиб чиқиши учун қуйидагиларга йўл қўйилган бўлиши лозим:

– тақдимнома ёки хусусий ажрим талаблари бўйича зарурий чораларни кўрмаслик ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишинча суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судни хабардор қилмаслик;

– тақдимнома ёки хусусий ажрим талабларини виждонан бажармаслик, яъни кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида тегишинча суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд хабардор қилинган бўлса-да, амалда ҳеч қандай чора кўрилмаганлик ёки масалага юзакилик билан ёндашганлик.

4. Юқорида келтириб ўтилган чора-тадбирлар ҳуқуқбузарликларнинг асосий умумий профилактик чора-тадбирлари тизимини ташкил этади, бироқ ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунга профилактик мазмунга эга спектакл, кинофильмлар намойиши, китоблар нашр этилиши кабиларни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин.

4 Боб

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ

24-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ва уни амалга ошириш асослари

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

Ш А Р Х

1. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик фаолияти фақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан мавсумий ёки криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси республикада, минтақада ёки шаҳар-туман миқёсида ёхуд алоҳида кичик ҳудуд ва объектда айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун асосий фаолият йўналишлари бўйича ва «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талаби ва уларга берилган ваколатлар доирасида алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган махсус режалар ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади.

Махсус режаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг юқори турувчи органи томонидан белгиланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар махсус режаларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимига кирувчи бошқа субъектлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек бу жараёнга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари жалб этиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирлари тасдиқланган режа ва дастур, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг ички буйруқлари асосида ўтказилади.

2. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси муайян ҳудудда муайян даврда айрим турдаги ҳуқуқбузарлик (одам савдоси, терроризм, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи, ўғирлик, безорилик (майда безорилик)ларнинг, шахслар тоифалари (ҳуқуқбузар аёл ёки вояга етмаганлар, рецидивистлар, гиёҳвандлар, спиртли ичимликка ружу кўювчилар, фоҳишалар қабилар) кўпайганда, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидлар (диний экстремизм, жамиятда бузғунчи ғоялар тарқалишининг авж олиши қабилар) юзага келганда соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган махсус тадбирларнинг намунавий режалари асосида амалга оширилади. Мисол учун, Ички ишлар вазирлиги тизимида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўпайганда ёки муайян мавсум давомида «Қорадори», ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликлар (фоҳишалик, кўшмачилик, фоҳишахона сақлаш) кўпайганда «Орият», назоратсиз ёки вояга етмаган ҳуқуқбузарлар кўпайса «Ўсмир», «Назорат», шунингдек терроризм ва диний экстремизм хавфи кучайганда «Антитеррор», «Тозалаш» махсус профилактик тадбирлар ўтказилади. Ушбу тадбирлар режасида айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ҳам ўз ифодасини топади.

Махсус тадбирларнинг ишлаб чиқилиши деганда, соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган махсус тадбирларнинг намунавий режалари ишлаб чиқилиши, мазкур махсус тадбирларнинг мавсумий ёки бошқа асослар юзага келганда ўтказилиши, куч ва воситалар ҳамда вазифаларнинг тақсимланиши қабиларнинг белгиланиши тушунилади.

Махсус тадбирларни амалга ошириш деганда эса, ишлаб чиқилган намунавий режа асосида ишни ташкил этиш ва белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш назарда тутилади.

25-модда. Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ш А Р Х

1. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси турида ҳам амалга оширилади. Бироқ улар ўртасидаги фарқ шундаки, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасида бу масалага комплекс ёндашилади ва профилактик чора-тадбирлар муайян ҳудуд миқёсида амалга оширилади. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасида эса жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган муайян шахс билан индивидуал профилактик ишлар ташкил этилади.

2. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича махсус тадбирлар айнан ушбу тоифадаги шахсларнинг тузилиши (ижтимоий демографик, маънавий-руҳий ва жинсий-ҳуқуқий белгилари) ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади.

3. Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирлар жазони ижро этиш тизимида ишлаб чиқилади ва жазони ижро этиш муассасалари томонидан соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бу борада жазони ижро этиш муассасалари маҳкум озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлишига қисқа давр қолганида у озодликка чиққандан кейин қайси фаолият тури билан шуғулланиши, оиласига, иш жойига, умуман жамиятга мослашиши ҳамда ҳаётда ўз йўлини топиши учун ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатади.

4. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чоратадбирлар ички ишлар идоралари, судлар, меҳнат ва аҳолини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимликлари томонидан ташкил этилади ва амалга оширилади.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш – унинг ишини ёки ўқишини қайта тиклаш, яшаш жойига доимий рўйхатга қўйиш, психологик ёрдам бериш орқали ғайриижтимоий хулқ-атворга чек қўйиб, ижобий хулқ-атворни шакллантириш, жиноят қонунчилигида белгиланган муддат ўтиши билан судланганлик ҳолатини олиб ташлаш кабиларни ташкил этади.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштириш - жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни аввало оиласига, маҳалласига мослашишида кўмак бериш, моддий қийинчиликларга учрамаслиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари», «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар» тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»¹ қарорига бир марталик пул бериш орқали моддий ёрдам кўрсатиш, ишга жойлашишида кўмак бериш, муайян касбга ўргатиш кабиларда намоён бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1999. – №4. – 20-м.

5. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирлар давлат, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Мисол учун, давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёки ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд содир этишга мойил шахсларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиб, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатган нодавлат нотижорат ташкилотларига муайян имтиёзлар бериши (Масалан, солиқ тўлашда, имтиёзли кредит олишда енгилликлар яратиши) мумкин.

6. Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

26-модда. Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари

Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг, улар истеъмол қилинишининг, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарилиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ўтказиш;

гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи

бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1995 йил 27 октябрдаги «Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 21-сонли қарорининг Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли Қарорининг I-бўлими 1-бандига асосан ўзгартирилган таҳририга кўра, «гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш» қонунга зид ҳолда **экиш** (тегишли рухсатсиз ҳар қандай ер майдонига, шу жумладан бўшаётган ерга ман этилган экин уруғини сепиш ва кўчатини ўтказиш), **етиштириш** (экилган вақтдан бошлаб пишиш босқичигача бўлган давр ичида уларни парвариш қилиш), **эгаллаш** (корхона, ташкилот ва муассасалардан қонунга хилоф равишда олинганда, таркибида наркотиғи бўлган ўсимликлар ёки уларнинг бўлаклари кишлок хўжалиги корхоналари далаларидан ва бу ўсимликлар ўстирилаётган фуқароларнинг ер майдонларидан қонунга хилоф равишда териб олинганда, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, уларни қонуний ёки қонунсиз равишда эгаллаб турган фуқаролардан қонунга хилоф равишда олиш), **ўтказиш** (ҳар хил усулда тарқатиш (ўзгага бериш, ҳадя этиш, бошқа шахсга укол қилиш, алмаштириш, қарз ва қарзи эвазига бериш ҳамда сотиш ва ҳоказолар), **тайёрлаш** (пировард натижада гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ҳосил қилинган ҳар қандай ҳаракат, шунингдек тегишли рухсат бўлмаган ҳолда наркотикларни тўйинтириш ва наркотик таъсир кучини ошириш мақсадида уларни қайта ишлаш ва тозалаш (бегона аралашмалардан ҳоли қилиш), **олиш** (сотиб олишни, бошқа нарса ва буюмларга алмаштиришни, қарзга ёки ҳадяга олишни, қарзи эвазига олишни, топиб олинган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўзлаштиришни, айбдор олган моддалари наркотик эканлигини билган бўлса, ёввойи ҳолда ўсаётган наша ва кўкнор ўсимликларини ёки уларнинг бўлақларини, шунингдек таркибида наркотик бўлган ўсимлик экинларининг кўриқланмаётган қолдиқларини йиғиб-териб олиш), **сақлаш** (айбдорнинг эгалигида: ёнида, бинода, махфий ерда ва бошқа жойларда бўлиши билан боғлиқ ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар) ҳаракатларида ифодаланиши белгилаб қўйилган.

2. Шунингдек, мазкур махсус профилактик тадбирлар мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар истеъмол қилинишининг, шу билан бирга алкоголь ва тамаки маҳсулотлари қонунга хилоф равишда ишлаб чиқари-

лиши ҳамда реализация қилинишининг олдини олиш бўйича ҳам ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг юқорида қайд этилган қарори билан судларнинг зиммасига барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама текшириш, қайд этилган жиноятларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Бу борада мастлик ҳолатида, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боисдан, назария ва амалиёт олдида ушбу йўналишдаги профилактика тадбирларини ишлаб чиқиб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш талаби қўйилади.

3. Гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шунингдек наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади. Буларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1988 йилдаги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияси, наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг 1998 йил 22 майдаги қарори ва Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 30 сентябрь куни қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Чунончи, қонунда «фуқаровий ва хизмат қуроолларининг ҳамда улар ўқ-дориларининг, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг, шунингдек пиротехника буюмларининг, гиёҳвандлик воситаларининг, психотроп моддаларнинг ва улар прекурсорларининг муомалада бўлиши соҳасини назорат қилиш» ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган.

Бу борада ички ишлар органларига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

– гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлганда эса, фуқароларнинг ашёларини, қўл юкини, багажини шахсан кўздан кечиришни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб қўйиш;

– жиноятлар ёки ҳуқуқбузарликлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни уларнинг организмда алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар мавжудлигини аниқлаш учун текширишни, агар текширув натижаси ҳуқуқбузарлик фактини тасдиқлаш ёки рад этиш ёхуд ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун зарур бўлса, амалга ошириш;

– жамоат жойларида алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсирида мастлик ҳолатида бўлган ва мустақил равишда ҳаракатланиш ёки адашмай йўл топиш қобилиятини йўқотган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг реабилитация ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш;

– гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, алюмин куқунлари ва қурумлари муомалада бўладиган соҳада фаолиятни амалга ошираётган объектларнинг маъмурий, ишлаб чиқариш, омборхона ва ёрдамчи биноларига мазкур соҳада қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун хизмат гувоҳномасини ҳамда белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатномани кўрсатган ҳолда тўсқинликсиз кириш;

– лицензия ва рухсат этиш талаблари ва шартларининг бузилганлиги гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг йўқолиши ёки талон-торож қилиниши хавфини келтириб чиқарган ҳолларда, уларни олиб қўйишни амалга ошириш, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни, уларнинг прекурсорларини эса ички ишлар органларига зудлик билан олиб боришни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни талаб қилиш;

– ташкилотларда ҳамда фуқароларда лицензияларсиз ва рухсатномаларсиз гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва уларнинг прекурсорларини белгиланган тартибда олиб қўйишни, ташишни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни амалга ошириш, уларни йўқ қилиб ташлаш чораларини кўриш.

Шунинг билан бирга уларнинг зиммасига қуйидаги мажбуриятлар ҳам юклатилган:

– сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва захарвандлик билан касалланган, озодликдан маҳрум қилишга ёки қамоққа олишга ҳукм қилинганларни мажбурий тарзда даволашни суднинг ҳукми, ажрими ва қарори асосида амалга ошириш;

– сурункали ичкиликбозликка, гиёҳвандликка ёки захарвандликка чалинган, шунингдек психотроп моддаларни ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир қилувчи бошқа моддаларни истеъмол қиладиган, чақирув бўйича етиб келишдан бўйин товлаган шахсларни олиб келишда соғлиқни сақлаш

муассасаларига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда кўмаклашиш;

– гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорларининг тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан қабул қилиниши ҳамда сақланиши, шунингдек уларнинг реализация қилиниши ёки йўқ қилиб ташланишини таъминлаш чораларини кўриш.

4. Алкоголни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига доир қонун ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2014 йил 3 майдаги «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни¹ тасдиқлаш ҳақида»ги 65-сонли буйруғига мувофиқ жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган ёки аҳолининг хавфсизлиги, саломатлиги ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан касалланганларни мажбурий даволаш масалалари ички ишлар органлари, судлар ва соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ҳал этилади.

27-модда. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ш А Р Х

1. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазир-

¹Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

лар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 13-сонли ҳамда 2010 йил 26 ноябрдаги «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 269-сонли Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги 151-сонли ҳамда 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида» 191-сонли буйруқлари, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 4 ноябрдаги «Ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига хабар қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 36/18/49/56-сонли қўшма қарори каби қонун ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

2. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вояга етмаганларнинг руҳий, биофизиологик ҳолати ва дунёқарашига доир индивидуал хусусиятлар инобатга олиниб ишлаб чиқилган ва уларда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг ҳуқуқий тартиблари ўз ифодасини топган.

5 Боб

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ

28-модда. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси, уни қўллаш шартлари ва асослари

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасидир.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, хуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган хуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у хуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Хуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

Ш А Р Х

1. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан ғайри ижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва хуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилиш мақсадида амалга оширилади.

Хуқуқбузарликнинг якка тартибдаги профилактикаси объектларини қуйидагилар ташкил этади:

- 1) ғайриижтимоий хулқ-атворга эга шахслар;
- 2) хуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар;
- 3) хуқуқбузарлик содир этган шахслар;
- 4) ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар.

Шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворга эгалиги қуйидагиларда намоён бўлади:

а) *шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи*: қонуний никоҳсиз эр-хотин бўлиб яшаш, кўп қаватли уйларда яшаб, баланд овозда мусиқа оҳангларини эшитиб, қўшниларнинг тинчини бузиш ёки шундай оқибатни келтириб чиқарувчи бошқа машғулотлар билан шуғулланиш, оилада низоли ва жанжалли вазиятларни юзага келтириш, гиёҳвандлик ёки спиртли ичимликка ружу қўйиш кабиларда;

б) *шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи ҳаракатлари*: жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда юриш, жамоат жойида юрганда ёки ўтирганда писта чақиб ёхуд жамоатчилик фойдаланадиган йўл ва йўлакларни туфлаб (нос) ифлослантириш, гап ташиш, ғийбат қилиш, кишиларни уриштириб қўйиш каби ҳаракатларида;

в) *шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи ҳаракатсизлиги*: асосли сабаб бўлмасдан жамоат транспортларида қарияларга, ногиронларга ёки ҳомиладор аёлларга жой бермаслик ёки маҳаллада уюштириладиган оммавий ҳашарларда иштирок этмаслик сингари ҳаракатсизликларда ифодаланиши мумкин.

2. Қуйидагилар ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар сифатида эътироф этилиши мумкин:

а) тажовузкор руҳий касаллар;

б) ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганлар (хулқ-атвори тuzалганлиги сабабли ушбу таъсир чорасини қўллашни - давом эттиришга муҳтож эмас деб топилиб, мазкур муассасаларда бўлиши юзасидан суд томонидан белгиланган муддат ўтишидан олдин чиқарилган шахслар бундан мустасно);

в) ҳеч қаерда ишламайдиган, иш ёқмас, текинтомоқ фуқаролар;

г) мустақил фикрга эга бўлмаган, бировларга кўр-кўрона эргашиб кетадиган ва диний фундаменталистик ғояларга берилувчан шахслар;

д) олиб борилаётган давлат сиёсатига нисбатан асоссиз қарши фикр билдирувчилар;

и) ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчилар;

е) иш фақат жабрланувчининг шикоятини билан кўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаганлиги учун жиноят иши тугатилганлар.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилганлар ҳуқуқбузарлик содир этмаган ёки содир этган бўлса-да, ҳуқуқбузарлик тариқасида ҳуқуқий баҳо берилмаган ёхуд содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича айбдорлиги исботланмаган, аммо ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахслар сифатида эътироф этиладилар.

3. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни содир этганлик бўйича иш юритувнинг муайян бир босқичида айбдор деб топилиб, ҳуқуқбузарликка оид иш тугатилган, шунингдек шу каби қилмиш учун жавобгарликка тортилиб, жазоланган шахслар ташкил этади.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 5 январь куни қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг «Асосий тушунчалар» деб номланган 3-моддасида «ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар»га — юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган болалар деб таъриф берилган. Ушбу тоифадаги болаларни қуйидагилар ташкил этади:

- ногирон болалар;
- жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар;
- етим болалар;
- ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;
- ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар;
- муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар;
- кам таъминланган оилалардаги болалар;
- жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар;
- зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар.

6. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахслари ушбу орган ёки муассасанинг ички буйруқлари билан белгиланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар ўзига нисбатан якка тартибда профилактика иши олиб бориладиган шахсларнинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойлари кабилар), маънавий-руҳий (эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, дунёқараши, темперамент ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиғи, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини ўрганиши ҳамда ўрганиш натижалари асосида якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мумкин.

Умуман олганда, ҳуқуқбузарликларнинг якка ва умумий тартибдаги профилактикаси профилактик таъсир кўрсатиш объектининг бир ёки бир

гуруҳ шахслар ташкил этиши билан фарқланади. Бошқача айтганда, якка тартибдаги профилактикада муайян шахсга, умумий тартибдаги профилактикада эса бир неча (ўн, юз, минг ва ҳаттоки миллионлаб) шахсларга профилактик таъсир кўрсатилади. Айнан мазкур жиҳатни эътиборга олган ҳолда якка ва умумий тартибдаги профилактик чора-тадбирлар ўзига хос тарзда шакллантирилган.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, айрим ҳолларда истисно тариқасида бир гуруҳ шахслар ҳам ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг объекти бўлиши мумкин. Аммо ушбу бир гуруҳ шахслар муайян бир бутун объектни ташкил этиши лозим ҳисобланади. Бунга, низоли оилаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари томонидан ўз фаолият йўналишлари ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайри-ижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши шарт ҳисобланади.

Вояга етмаганларга нисбатан якка тартибдаги профилактик ишлар профилактика (катта) инспекторлари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси (катта) инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини белгилашда ҳуқуқбузарликнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят эканлиги, шунингдек жиноятнинг ҳам Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексининг 15-моддасида келтирилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

7. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун асос, яъни шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотлар деганда, ушбу Қонуннинг 36-моддасида белгиланган фактик маълумотлар (ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг қарори ёхуд маълумотномаси, шунингдек суднинг айблов ҳукми) тушунилади.

29-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

**профилактика суҳбати;
расмий огоҳлантириш;
ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга
имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;
ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
профилактик ҳисобга олиш;
мажбурий даволанишга юбориш;
маъмурий назорат.
Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси қонун
ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши
мумкин.**

Ш А Р Х

1. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларга ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлигини англаштириш орқали ҳуқуқбузарликлар содир этиш учун журъат этмасликларига эришиш, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, ижтимоий мослаштириш ва ижтимоий реабилитация қилиш долзарб масалалардан биридир.

2. Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилинишида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасига доир энг мақбул чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини самарали ташкил этиш муҳим ўрин тутди. Ушбу қонунга кўра, бундай профилактик чора-тадбирларга: профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат киритилган. Бироқ бу ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги чора-тадбирларини чегараламайди, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра бошқа чора-тадбирлар ҳам киритилиши мумкин. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг «Якка тартибдаги профилактика иши олиб борилишини ташкил этиш» деб номланган 23-моддасида вояга етмаганларга нисбатан амалга ошириладиган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар ўз ифодасини топган.

30-модда. Профилактика суҳбати

Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини

ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади.

Профилактика суҳбати шахсни профилактик ҳисобга қўйишда ҳам ўтказилади.

Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган вакили томонидан ўтказилади.

Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган ерда, шунингдек шахсининг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Профилактика суҳбати давомида шахсининг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

Илгари ўтказилган профилактика суҳбати ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади.

Ш А Р Х

1. Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш мақсадида амалга оширилади.

Бу борада мазкур қонуннинг 5-моддасида келтирилган «ишонтириш усулининг устуворлиги» принципига қатъий амал қилиниши лозим бўлади. Ана шундагина профилактика суҳбати амалга оширилаётган шахс ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликнинг муқаррарлигини англаб етиши мумкин.

2. Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш мақсадида ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан амалга оширилади.

3. Профилактика суҳбати ушбу қонуннинг 6-моддасида келтирилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган

ёки муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул вакили томонидан ўтказилади. Масалан, ички ишлар органлари тизимида профилактика суҳбати жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлиги, паспорт-виза, назорат-лицензия, мулк ва объектларни қўриқлаш қоидаларига риоя қилиш устидан бевосита текширув ва назоратни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этишга жалб этилган ички ишлар органининг масъул вакили томонидан амалга оширилади. Шу жумладан, профилактик ҳисобга олишни амалга оширувчи профилактика хизмати ҳамда жиноий жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларининг ижросини таъминловчи хизматлар ходимлари ҳам амалга оширади.

4. Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ёхуд уларнинг қуйи бўғинлари (Мисол учун, ички ишлар идораларининг таянч пунктлари)да, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Профилактика суҳбатини амалга оширган ходим бу ҳақда «Профилактика суҳбатини қайд этиш» китобига қайд этади ҳамда келгусида жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этмаслик ҳолатларини давом эттирмаслик, акс ҳолда қонунда белгиланган маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши мумкинлигини тушунтиради.

5. Профилактика суҳбатини амалга оширган ходим профилактика суҳбати давомида шахснинг ўзига хос хусусиятлари (жамиятда, яъни оилада, ўқиш ёки меҳнат жамоаларида тутган ўрни, характери, билими, маълумот даражаси, мутахассислиги, дунёқараши, қизиқиши, эҳтиёжлари, яшашга нисбатан муносабати кабилар), унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари (оилавий аҳволи, қаерда яшаши, фаолият тури, оиласи ва ўзининг моддий таъминланганлик даражаси кабилар), шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари (моддий эҳтиёж, етишмовчилик, қизиқиш, оиладаги тарбияда йўл қўйилган сусткашлик ёки салбий жисмоний ва маънавий-руҳий таъсир кабилар)ни аниқлаши ва бу ҳақда белгиланган шаклдаги китобга қайд этиши талаб этилади.

6. Шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворини ёки содир этган ҳуқуқбузарлигининг моҳиятини англаб етса ва пушаймон бўлса, ходим профилактик суҳбат билан чегараланади. Аксинча, шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворини ёки ҳуқуқбузарлик содир этишининг моҳиятини англаб етмаса ва пушаймон бўлмаса, шунингдек ходим аниқланган ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришга йўл қўйиб бўлмайди деб топса, у ҳолда шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади.

31-модда. Расмий огоҳлантириш

Расмий огоҳлантириш шахсга унинг ғайриижтимоий хулқ-атвори давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади.

Расмий огоҳлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси томонидан чиқарилади ҳамда шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига хабар қилишга ҳақли.

Расмий огоҳлантиришнинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ш А Р Х

1. Ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворини ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигининг моҳиятини англаб етмаган ва пушаймон бўлмаган, профилактик ҳисобга олинган ҳамда маъмурий назоратда турувчи шахслар расмий огоҳлантириладилар ва бу ҳақда улардан огоҳлантириш хатлари олинади. Бунда олинган огоҳлантириш хатлари огоҳлантирилган шахсга нисбатан юритилаётган профилактик ҳисоб ишига ёки йиғма жилдга тикилади.

Шахсдаги ғайриижтимоий хулқ-атвор, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллик ҳолати аниқланганда, унда ходим қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу шахс илгари расмий огоҳлантирилган-огоҳлантирилмаганлигини текшириши шарт.

Агарда шахснинг бир йил ичида илгари расмий огоҳлантирилганлиги аниқланса, у ҳолда унинг илгари ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида расмий огоҳлантирилганлиги оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши лозим.

2. Жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини ёхуд ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс аниқланган жойнинг ўзи-

да масъул шахс томонидан ушбу шахсга нисбатан расмий огоҳлантириш чиқарилади.

Расмий огоҳлантириш масъул шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда, олиб борилаётган профилактик тадбирлар жараёнида, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда чиқарилади.

Расмий огоҳлантириш бланкасининг шакли икки қисмдан — фуқарога тақдим қилинадиган расмий огоҳлантириш ҳамда масъул шахсда қоладиган унинг қирқиб олинадиган қисмидан иборат бўлади.

Расмий огоҳлантириш бланкаси расмийлаштирилганда унга барча ёзувлар қора ёки ҳаворанг сиёҳда, тушунарли қилиб ёзилади.

Масъул шахс расмий огоҳлантириш бланкасини расмийлаштираётган пайтда шахснинг ёнида унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, расмий огоҳлантириш бланкасининг тегишли графалари шахснинг сўзидан тўлдирилади.

Масъул шахс расмий огоҳлантириш бланкасини расмийлаштирганидан сўнг уни имзолайди.

Расмий огоҳлантириш бланкасининг қирқиб олинадиган қисми расмий огоҳлантирилаётган шахс томонидан ҳам имзоланади. Расмий огоҳлантирилаётган шахс имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса расмий огоҳлантириш бланкасига бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Расмий огоҳлантириш расмийлаштирилганидан сўнг у расмий огоҳлантирилган шахсга берилади, бланканинг қирқиб олинадиган қисми масъул шахсда қолади.

Расмий огоҳлантириш бланкаси қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат ҳисобланиб, ўз серияси ҳамда рақамига эга бўлади.

Расмий огоҳлантириш бланкалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи вазирликлар ва идоралар томонидан қуйи турувчи тизим учун марказлаштирилган ҳолда белгиланган тартибда тайёрланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар томонидан эълон қилинган расмий огоҳлантиришлар жамланиб борилади.

3. Масъул шахс, расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига қуйидаги ҳолларда хабар қилишга ҳақли:

шахс ғайриижтимоий хулқ-атворга эга эканлигини англаб етмаган ва қилган ишидан пушаймон бўлмаган ҳолларда;

шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори унинг иш (ўқиш) жойидаги жамоага, шунингдек яшаб турган жойидаги маҳалла фуқароларининг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши ёки тарбияси ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолларда;

шахсда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликнинг шаклланишига туртки берган омил ёхуд шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этишига имкон берган шарт-шароит бевосита унинг иш (ўқиш) жойидаги жамоа ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг муносабати ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳаракатсизлиги (бефарқлиги, лоқайдлиги) билан боғлиқ бўлган ҳолларда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар шахснинг расмий огоҳлантирилганлиги ёки ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ҳолати, шунингдек унга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар ҳамда уларни бартараф этиш ҳақида юборган хабарномасига ўз муносабатини билдирмаган ва бир ойлик муддатда жавоб бермаган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида прокуратура органлари ҳузурида тузилдиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштирувчи кенгашга мурожаат қилиши мумкин.

4. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи барча субъектлар тизимида расмий огоҳлантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 60-сонли қарори билан тасдиқланган ягона шаклда бўлади.

32-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида иш (ўқиш) жойидаги иш берувчини (маъмуриятни), яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

Ш А Р Х

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи орган ёки муассаса, ўз ваколатлари доирасида, ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

2. Ушбу ҳолат гарчи ҳуқуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритиладиган тақдимнома талабларини бажариш жараёнига ўхшаш бўлса-да, аммо «xabардор қилиш» мазмун ва шакл жиҳатдан қуйидагилар билан фарқланади:

– «тақдимнома» муайян чоралар кўриш мажбуриятини юкласа, «xabардор қилиш»да огоҳликка, хушёрликка чақириш мақсади кўзланади ва профилактик таъсир кўрсатиш чораларини кўриш ёки кўрмаслик маҳалланинг ҳукмига ҳавола этилади. Бироқ ушбу вазиятда ҳам маҳалла масалага совуққонлик билан қарамаслиги ва уни эътиборсиз қолдирмаслиги лозим;

– «xabардор қилиш»да кўрилган чоралар ҳақида жавоб хати ёзиш талаб этилмайди;

– ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳақида берилган хабарнома уч йилгача маҳалла архивида сақланиши ва шу давр мобайнида сўралган жойга унга нисбатан тавсифнома беришда хабарнома мазмуни эътиборга олинishi мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

33-модда. Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қўллаш

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан қўлланилади.

Ш А Р Х

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари томонидан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланилади.

2. Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчини «ижтимоий реабилитация қилиш» - жисмоний зарар кўрган шахснинг соғлиғини тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш орқали қайта тиклаш, маънавий ёки мулкӣ зарар етказилган ҳолларда эса зарарни қоплаш асосида амалга оширилади.

«Ижтимоий мослаштириш» деганда ҳуқуқбузарликлар натижасида оғир психологик жароҳат олган шахсларни оиласига, маҳалласига ёки умуман жамиятга мослаштириш каби чораларни мисол тариқасида келтириш мумкин (Масалан, ишсизлик сабабли одам савдоси жиноятининг қурбони бўлган шахсларга иш ёки ўқишга жойлашишларида ёрдам бериш).

Ҳуқуқбузарга нисбатан «ижтимоий реабилитация қилиш» тушунчаси ишлатилган – бевосита уни ахлоқан тузатиш ёки судланганлик ҳолатини олиб ташлаш сингари чораларда намоён бўлади.

3. «Ижтимоий мослаштириш» эса бевосита жазони ижро этиш муассасасидан жазо ўтаб қайтган шахсни ўқишга ёки ишга жойлаштириш, маълум муддатга уй-жой билан таъминлаш, ҳокимиятлар ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан моддий, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳуқуқий ёрдам бериш каби ҳолатларда ўз ифодасини топади.

34-модда. Профилактик ҳисобга олиш

Профилактик ҳисобга олиш ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика тадбирлари мажмуидир.

Профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш тартиби ва шартлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ш А Р Х

1. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг тузалишини таъминлаш ва қайта ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган профилактик тадбирлар мажмуидан иборат профилактик ҳисоб юритилади.

2. Қонун ва қонуности ҳужжатларга асосан «профилактик ҳисобга олиш» ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика (катта) инспекторлари томонидан, вояга етмаганларга ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиладаги ота-оналарга нисбатан эса вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси (катта) инспекторлари томонидан амалга оширилади. Ушбу масала Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Вояга етма-

ганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги 151-сонли ҳамда 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида» 191-сонли буйруқлари билан тартибга солинади.

Маъмурий ҳудудлар бириктирилган вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси (катта) инспекторлари лавозими мавжуд бўлмаган ҳудудий ички ишлар органларида эса вояга етмаганларга ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиладаги ота-оналарга нисбатан профилактик ҳисоб профилактика (катта) инспекторлари томонидан юритилади.

Профилактика (катта) инспектори профилактик ҳисобга олинган шахслар билан якка тартибда профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда шахснинг ёши, жинси, руҳий ҳолати, ижтимоий аҳволи, маълумоти ва мутахассислиги, эҳтиёжлари, қизиқишлари, қобилиятлари каби шахсий хусусиятларини эътиборга олиши лозим.

Бундан ташқари, профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни манзилли (муайян шахсга нисбатан), ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилик ҳолати, у содир этган ҳуқуқбузарлик таснифи, турини ҳисобга олинган ҳолда самарали амалга ошириш учун профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда яшайдиган бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисмларида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлар объектларидан келиб чиққан ҳолда тоифаларга ажратган ҳолда уларга нисбатан ҳисоб профилактика ишларини, шунингдек улар билан олиб борилган профилактик ишлар натижалари бўйича ҳисоботларни юритади.

3. Профилактика (катта) инспектори профилактик ҳисоб ишини юритиш чоғида қуйидагиларни амалга оширади:

профилактик ҳисобга олинган шахсни ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттирмаслик ҳақида огоҳлантиради;

профилактик ҳисобга олинган шахсни унинг иш (ўқиш) ва яшаш жойидан текширади, унинг хулқ-атвори ҳақида маълумотлар олади;

якка тартибдаги барча чора-тадбирларни («Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари»да) белгиланган таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш тамойилига қатъий амал қилган ҳолда олиб боради;

жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишган шахсларнинг оиласига, шунингдек жамиятга мослашишида кўмак беради;

профилактик ҳисобга олинган шахсни ўқиш ёки ишга жойлаштирилишида, шунингдек вақтинча яшаш жойи билан таъминланишида, ижтимоий ҳаётга мослашиши учун моддий кўмак олишида ёрдам кўрсатади;

профилактик ҳисобдаги шахслардан ахлоқан тузалаётган ва ўзида ижтимоий ижобий хулқ-атворни шакллантира бошлаганларини рағбатлантириш ёки аксинча ғайриижтимоий хулқ-атворини давом эттирган шахсларга нисбатан эса, қонунда белгиланган тартибда мажбурлаш чораларини қўллайди.

4. Профилактик ҳисоб ишини юритаётган профилактика (катта) инспектори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ички ишлар органи ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари бошлиғи номидан ёки шахсан ўзи профилактик ҳисобга олинган шахсга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширишда кўмак беришни сўраб тегишли давлат органларига, корхона, муассаса, ташкилот ҳамда жамоат тузилмаларига мурожаат қилишга;

профилактик ҳисобга олинган шахсни яшаш ва иш (ўқиш) жойидан соат 06.00 дан 22.00 гача хулқ-атворини, ҳаёт тарзини ва атрофидагиларга муносабатини кузатишга, ўрганишга, сўраб-суриштиришга ҳамда назорат қилишга;

ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ва тузалиш йўлига ўтмаган шахслар масаласини унинг яшаш ва иш (ўқиш) жойида муҳокама қилиш учун йиғилиш кун тартибига қўйиш ташаббуси билан чиқишга;

шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотлар мавжуд бўлганда муддатидан илгари шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишга ва ички ишлар органи бошлиғига таклиф билан чиқишга;

ҳисоб профилактика ишларини юритиш чоғида бошқа орган, муассаса ва жамоат тузилмаси билан амалга ошириладиган ҳамкорлик масалаларига доир муаммолар юзасидан мувофиқлаштирувчи кенгашга мурожаат қилишга.

Профилактик ҳисоб ишини юритаётган профилактика хизмати ходими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

5. Профилактик ҳисоб ишини юритаётган профилактика (катта) инспектори қуйидаги мажбуриятларга эга:

профилактик ҳисобга олинган шахс билан ишлашда ҳуқуқбузарлик профилактикасининг асосий принципларига тўлиқ риоя этиш;

профилактик ҳисобда турган шахснинг хулқ-атворини тезкор-профилактик кузатувга олиш ҳамда шахсга унинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб профилактик чора-тадбирларни

белгилашга ёндашиш ва шу асосда профилактик таъсир этиш усул ва шакллари танлаш, шунингдек қўллаш;

профилактик ҳисобга олинган шахсга якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларнинг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш, ўзига нисбатан юритилаётган профилактик ҳисоб ҳужжатлари билан таништириш, юридик ёрдам кўрсатиш, шунингдек ижтимоий ва моддий жиҳатдан (иш, ўқиш, яшаш жойи билан таъминланиши, оиласи ва яшаш жойидаги маҳалла аҳли билан киришиб кетиши кабиларда) ёрдам бериш чораларини кўриш;

юқори турувчи орган, мансабдор шахс ҳамда мувофиқлаштирувчи кенгашнинг сўровига биноан профилактик ҳисоб ишларини тақдим этиш, шунингдек уларнинг профилактик ҳисобга олинган шахсга нисбатан якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан берган буйруқ, кўрсатма, топшириқ ва қарорларини тўлиқ ва ўз вақтида ижро этиш.

Профилактика (катта) инспектори ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажаришлари мумкин.

35-модда. Ўзига нисбатан профилактик ҳисобга олиш юритиладиган шахслар

Профилактик ҳисобга олиш қуйидаги шахсларга нисбатан юритилади:

1. илгари судланганларга улар жиноий жазони ўтаганидан сўнг, ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бундан мустасно;

2. ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахсларга;

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларга;

4. ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишда айбланувчиларга;

5. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165¹, 183, 184, 184¹, 184², 184³, 187, 188, 188¹, 189, 189¹, 190, 191, 201, 202, 202¹, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларга;

6. ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганларга.

Ш А Р Х

1. Илгари судланганларга улар жиноий жазони ўтаганидан сўнг, ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бундан мустасно, яъни:

– суд томонидан Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган жазо тайинланиб, жазони тўлиқ ёки қисман ўтаган шахслар;

– тайинланган жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинганлиги учун жазодан озод қилиб, айблов ҳукми чиқарилган шахслар;

– ҳукм эълон қилингунга қадар қамокда бўлган вақти ЖКнинг 62-моддасида назарда тутилган дастлабки қамокни ҳисобга олиш қоидаларини назарда тутиб суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёки бу чорадан ортиқ бўлганлиги учун жазодан озод қилиб, айблов ҳукми чиқарилган шахслар;

2. ўзига нисбатан суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахсларга, яъни:

– содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинганлиги боис жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарилган шахслар;

– жиноят учун айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетганлиги боис жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарилган шахслар;

– ҳукм чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотган ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолганлиги боис жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарилган шахслар (касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида жазодан озод қилинган шахслар);

– жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлланиладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чоралари кўриш йўли билан тузалишига эришиш мумкин деб топилганлиги боис жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқарилган шахслар (шартли ҳукм қилинган, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси ва бошқа қўлланилган шахслар);

– Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 71-моддасига мувофиқ ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилинган шахслар;

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларга, яъни:

3.1. «Жиноят ишини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига асосан тугатиш ёки реабилитация қилмайдиган асосларга кўра қўзғатишдан рад этиш тўғрисида қарор чиқарилган

шахслар», яъни Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига асосан жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилган қуйидаги шахслар:

– жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги учун жиноят иши тугатилган шахслар;

– эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлганлиги учун жиноят иши тугатилган шахслар;

– айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми мавжудлиги учун жиноят иши тугатилган шахслар;

– шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори мавжудлиги учун жиноят иши тугатилган шахслар;

– иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаганлиги учун жиноят иши тугатилган шахслар (ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

– ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жиноят иши тугатилган шахслар;

– ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилганлиги сабабли жиноят иши тугатилган шахслар.

3.2. Содир этилган ижтимоий хавфли қилмиши юзасидан Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 4-6-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганлиги учун жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилган шахслар:

– жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги учун жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилган шахслар;

– айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми мавжудлиги учун жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилган шахслар;

– шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори мавжудлиги учун жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилган шахслар;

– иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаганлиги учун жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш қарори чиқарилган шахслар (ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

4. ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган жиноят содир этишида айбланувчиларга, яъни:

– муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар;

– шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар;

– гаров эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар;

5. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165¹, 183, 184, 184¹, 184², 184³, 187, 188, 188¹, 189, 189¹, 190, 191, 201, 202, 202¹, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганларга;

Ўзбекистон Республикасининг МЖТКнинг юқорида назарда тутилган нормалари бўйича шахсга нисбатан маъмурий жазо қўллаш тўғрисида қарорнинг қабул қилиниши ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларга профилактик ҳисоб ишини юритишга асос бўлиб хизмат қилади.

б. ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтганларга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрь куни қабул қилинган «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 268-сонли қарори билан тасдиқланган «Алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб тўғрисидаги» Низомнинг III-бўлимида белгиланган «Тарбияланувчиларни ихтисослаштирилган мактабга жойлаштириш ва мактабдан чиқариш тартиби»га асосан тарбияланувчилар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан чиқариладилар.

Мазкур Низомга кўра, «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари» деганда «Ихтисослаштирилган мактаб ва касб-ҳунар коллежи» тушунилиб, улар алоҳида шароитларда таъминлаш, тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болаларга таълим беришни, уларнинг касб-ҳунар тайёргарлиги ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширувчи ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ҳисобланади.

Тарбияланувчининг ихтисослаштирилган муассасада бўлиши педагоглар кенгашининг ушбу муассаса (мактаб, касб-ҳунар коллежи) раҳбари томонидан тасдиқланган қарори асосида мазкур муассаса жойлашган жойдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссиясининг қарори билан тўхтатилади, бу ҳақда тарбияланувчи шу муассасадан чиққунга қадар камида бир ой олдин унинг яшаш жойидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга хабар берилади, комиссия вояга етмаган шахсни ишга жойлаштириш ёки таълим муассасасига юбориш ва унга зарур моддий-маиший шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

Ихтисослаштирилган муассасадан чиқарилаётган вақтда, якуний давлат аттестациясидан ўтган тарбияланувчиларга белгиланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатлар берилади.

Таълимни яқунламаган тарбияланувчиларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Ўн олти ёшгача бўлган тарбияланувчилар, ихтисослаштирилган муассасадан чиқарилаётган вақтда доимий яшаш жойларига ихтисослаштирилган мактаб ёки ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи ходимлари, ота-онаси ёки ота-онаси ўрнини босувчи шахслар кузатувида юбориладилар.

Вояга етмаганлар ихтисослаштирилган мактабларда ўн беш ёшга етгунгача, ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларида эса — ўн саккиз ёшга етгунгача сақланадилар.

Келгусида ғайриижтимоий хулқ-атворини давом эттирмаслигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган шахслар ички ишлар органларининг профилактика хизмати ходимлари томонидан профилактик ҳисобга олинадилар (хулқ-атвори тузалганлиги сабабли ушбу таъсир чорасини қўллашни давом эттиришга муҳтож эмас деб топилиб, мазкур муассасаларда бўлиши юзасидан суд томонидан белгиланган муддат ўтишидан олдин чиқарилган шахслар бундан мустасно).

Профилактика хизмати ходимлари профилактик ҳисобга олинган шахслар билан яқка тартибда профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда шахснинг ёши, жинси, руҳий ҳолати, ижтимоий аҳволи, маълумоти ва мутахассислиги, эҳтиёжлари, қизиқишлари, қобилиятлари каби шахсий хусусиятларини эътиборга олиши лозим ҳисобланади.

36-модда. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш асослари

Шахсни профилактик ҳисобга қўйишга қуйидагилар асос бўлади:
ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг ушбу Қонун 35-моддасининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори;

ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори;

ўзига нисбатан қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори;

суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми;

шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

Олдинги таҳрирга қаранг.

вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг қарори.

(36-модданинг биринчи қисми еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 37-сон, 978-модда)

Бир шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун бир қанча асослар мавжуд бўлган тақдирда, асосларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида профилактик ҳисобга олиш амалга оширилади.

Ш А Р Х

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш қачонки, қонуний асослар бўлсагина амалга оширилади. Акс ҳолда Ушбу қонунинг қонунийлик принципи талаблари қўпол равишда бузилган ҳисобланади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйишда қуйидаги асослар ва уларнинг мазмунини билиш ўта муҳимдир:

1. Ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг ушбу Қонун 35-моддасининг олтинчи хатбошисида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори;

Ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165¹, 183, 184, 184¹, 184², 184³, 187, 188, 188¹, 189, 189¹, 190, 191, 201, 202, 202¹, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарори (агарда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари ёки ҳарбий хизматчилар томонидан мазкур-моддаларда кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, улар профилактик ҳисобга олинмайди, ходимга нисбатан интизомий чора кўриш учун унинг иш жойига ҳужжатни расмийлаштирган ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан хабарнома юборилади);

2. Ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори;

Ваколатли органнинг ёки мансабдор шахснинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 373–374-моддаларида белгиланган тартибда қабул қилинган жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ёхуд ЖПКнинг 84-моддасида келтирилган реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарори;

3. Ўзига нисбатан қамокқа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси танланган айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги терговчининг ёки прокурорнинг қарори (ЖПКнинг 250-254-моддаларида белгиланган: гаров, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви эҳтиёт чораларини қўллаш назарда тутилиб, ЖПКнинг 44-боби талаблари асосида қабул қилинган);

4. Суднинг (ЖПКнинг 463, 465–468-моддаларида белгиланган тартибда қабул қилиниб) қонуний кучга кирган айблов ҳукми;

5. Шахсинг жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома. Мазкур маълумотномалар жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисида белгиланган намунада бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрель куни қабул қилинган Жиноят-ижроия кодексининг 169-моддаси 2-қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2012 йил 29 декабрь куни қабул қилинган «Ўзбекистон республикаси ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 174-сонли буйруғида қайд этилган тартибда жазони ижро этиш муассасалари томонидан берилади;

6. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарори.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг қарорлари (мазкур қарорларнинг мазмуни, уларни ижро этиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январь куни қабул қилинган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 13-сонли қарори билан тасдиқланган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги Низом»да батафсил ёритилган) мажлисда қатнашган комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Комиссия қарори ёзма шаклда, далиллар билан асосланган бўлиши лозим.

Таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш тўғрисидаги қарорда: комиссиянинг номи; ишни кўриб чиқиш санаси; иши кўриб чиқиладиган шахс тўғрисидаги маълумотлар; ишни кўриб чиқиш чоғида аниқланган ҳолатлар; мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат, иш юзасидан қабул қилинган қарор кўрсатилади.

Туман (шаҳар) комиссиялари қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда вояга етмаганларга нисбатан қуйидаги таъсир кўрсатиш чораларини қўллашлари мумкин:

– вояга етмаганга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш;

– огоҳлантириб қўйиш;

– ўн беш ёшга тўлган вояга етмаган зиммасига, агар у мустақил иш ҳақиға эға бўлса ва зарар миқдори белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки уни бар-тараф этиш мажбуриятини юклаш ёки белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан ортиқ бўлмаган моддий зарарни ўз меҳнати билан қоплаш мажбуриятини юклаш тўғрисида туман (шаҳар) судига тақдимнома киритиш;

– ўн олти ёшга тўлган ва мустақил иш ҳақиға эға бўлган вояга етмаганга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан назарда тутилган ҳолларда ва миқдорларда жарима солиш;

– вояга етмаганни ўз ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд жамоат тарбиячилари назоратига, шунингдек уларнинг розилиги билан меҳнат жамоаси ёки нодавлат нотижорат ташкилот кузатувиغا топшириш;

– вояга етмаганни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш.

Ҳар бир аниқ ҳолат бўйича қабул қилинган таъсир кўрсатиш чоралари тўғрисида комиссиялар вояга етмаганнинг яшаш, ўқиш ёки иш жойи бўйича ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари томонидан вояга етмаганлар ўртасида яқка тартибда профилактика ўтказилишини таъминлаш учун ички ишлар тегишли ҳудудий органларини хабардор қилишга мажбур.

Қарор раислик қилувчи ва комиссиянинг масъул котиби томонидан имзоланади ва қабул қилингандан кейин эълон қилинади.

Комиссия қарорининг нусхаси уч кун мобайнида вояга етмаганга, унинг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга, зарур ҳолларда эса вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларга топширилади ёки почта орқали юборилади.

Қабул қилинган қарор тўғрисида комиссия вояга етмаган ҳуқуқбузарнинг ишлаб, ўқиб турган жойига ёки яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар яшаб турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига хабар беради.

Туман (шаҳар) комиссияларининг вояга етмаганларни жойлаштириш шакли кўрсатилган қарорлари:

1) таълим органларига:

болаларни умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежларига жойлаштириш учун;

жисмоний ёки ақлий ривожланишида етишмовчилиги бор болаларни ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларига ва бошқа тегишли ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш учун;

2) меҳнат органларига — ногирон болаларни жойлаштириш учун;

3) васийлик ва ҳомийлик органларига — етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни жойлаштириш учун;

4) соғлиқни сақлаш органларига — спиртли ичимликлар, гиёҳванд воситалар, психотроп ёки интеллектуал-ўзини идора қилиш фаолиятига таъсир этадиган бошқа моддаларни мунтазам истеъмол қиладиган вояга етмаганларни даволашни, ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсонлари бўлган вояга етмаганларга ихтисослаштирилган диагностика ва даволаш-тиклаш ёрдами кўрсатишни ташкил этиш учун;

5) ички ишлар органларига — вояга етмаганлар ва ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилалар билан якка тартибда профилактика ишлари олиб боришни ташкил этиш учун;

6) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига (меҳнат органларидан бўш иш жойлари ва бўш лавозимлар борлиги тўғрисида маълумотлар олингандан кейин) — ишга қабул қилиш учун юборилади.

Комиссиянинг масъул котиби жорий ишларни ва комиссия қарорларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар комиссия қарорларини бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида комиссияга ўн кун мобайнида хабар беришлари шарт.

Туман (шаҳар) комиссиялари тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга уларнинг комиссиялар қарорларини бажармаган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

Комиссия қарори юзасидан судга шикоят бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Комиссиянинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарган қарори юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган тартибда шикоят берилиши мумкин.

Комиссиянинг қарори ва шикоят бўйича чиқарилган қарор юзасидан прокурор протест билдириши мумкин. Прокурорнинг протест билдириши шу протест кўриб чиқилгунга қадар комиссия қарорининг ва шикоят юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини тўхтатиб туради.

7. Профилактик ҳисобга олинган шахсларга нисбатан якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларини манзилли (муайян шахсга нисбатан), ҳар бир шахснинг ижтимоий хавфлилиқ ҳолати, у содир этган ҳуқуқбузарлик таснифи, турини ҳисобга олинган ҳолда самарали амалга ошириш учун профилактика (катта) инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда яшайдиган бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг махсус қисмларида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлар объектларидан келиб чиққан ҳолда тоифаларга ажратган ҳолда уларга нисбатан ҳисоб профилактика ишларини, шунингдек улар билан олиб борилган профилактик ишлар натижалари бўйича ҳисоботларни юритади.

8. Бир шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун бир қанча асослар мавжуд бўлган тақдирда, асосларнинг ҳар бири бўйича алоҳида-алоҳида профилактик ҳисобга олиш амалга оширилиб, битта «ҳисоб профилактика иши» юритилади ва унда ҳар бир тоифа алоҳида кўрсатилади.

Профилактик ҳисобга олинган, аммо турли сабабларга кўра яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган ва қайтиб келган шахслар аниқлана-

ди ҳамда ҳар бири бўйича «Узоқ муддатга кетган шахс ҳақида маълумот» варақаси тўлдирилиб, тезкор хизматларга тақдим этиб борилади.

37-модда. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тартиби

Ушбу Қонун 36-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш учун масъул бўлган шахс шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимининг, бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Мазкур қарор шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун асослар мавжудлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мансабдор шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида чиқарилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нисбатан шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор улар яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичида чиқарилади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарорда қарорни чиқарган шахсининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, у чиқарилган сана ва жой, у қайси шахсга нисбатан чиқарилган бўлса, ўша шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш, иш, ўқиш жойи) ва профилактик ҳисобга қўйиш асослари кўрсатилади. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор мазкур қарорни чиқарган шахс томонидан имзоланади.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор профилактик ҳисобга қўйилган шахсга имзо қўйдириб эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради. Қарор ушбу шахсга тасдиқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида, у яшаш жойида бўлмаган ҳолларда эса, унинг турган жойи аниқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида эълон қилиниши керак. Қарор эълон қилинганда шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, бу ҳақда қарорда қайд қилинади.

Шахсининг хулқ-атворини назорат қилиш ва унга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари ўз вақтида қўлланилишини таъминлаш мақсадида шахс профилактик ҳисобга қўйилган кунда ички ишлар органлари томонидан профилактика иши очилади.

Ш А Р Х

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25 август куни қабул қилинган буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»нинг 67-бандида («Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 36-моддаси биринчи қисмида) кўрсатилган асос-

лардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш учун профилактика (катта) инспектори шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисида шаҳар, туман ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради.

Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор профилактика (катта) инспектори томонидан шахсни профилактик ҳисобга қўйиш учун асослар мавжудлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мансабдор шахсга келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида чиқарилади. Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларга нисбатан шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор улар яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун ичида чиқарилади.

2. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарорда профилактика (катта) инспекторининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми, қарор чиқарилган сана ва жой, профилактик ҳисобга олинаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш, иш, ўқиш жойи) ва профилактик ҳисобга қўйиш асослари кўрсатилади. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор мазкур қарорни чиқарган профилактика (катта) инспектори томонидан имзоланади ва сўнгра ИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланади.

3. Шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор профилактик ҳисобга қўйилган шахсга имзо қўйдириб эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради. Бироқ профилактик ҳисобга олиш муддати қарор чиқарилиб, ИИБ бошлиғи тасдиқлаган кундан ҳисобланади. Қарор ушбу шахсга тасдиқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида, у яшаш жойида бўлмаган ҳолларда эса, унинг турган жойи аниқланган пайтдан эътиборан уч кун ичида эълон қилиниши керак. Қарор эълон қилинганда шахсга унинг қонун ва қонуности ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиб, бу ҳақда қарорда қайд қилинади. Акс ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талаб ва тартиблар қўпол равишда бузилган ҳисобланади.

4. Шахсининг хулқ-атворини назорат қилиш ва унга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари ўз вақтида қўлланилишини таъминлаш мақсадида шахсни профилактик ҳисобга қўйган профилактика (катта) инспектори томонидан ҳисоб профилактика иши очилади ва юритилади, шунингдек ички ишлар органи раҳбари томонидан тезкор, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш ҳамда заруратга қараб бошқа соҳавий хизматларга аниқ топшириқлар берилади. Профилактика иши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида юритиладиган «Ҳисоб профилактика ишини қайд этиш» китобига қайд этиб, тартиб рақами берилади.

Ҳисоб профилактика ишида шахс ҳақидаги умумий маълумотлар, ҳисобга олиш ҳақидаги қарор ва асослар, яшаш шароитининг ўрганиб

чиқилганлиги, унга нисбатан олиб борилаётган профилактик-назорат ишлари ёзиб борилади. Шунингдек, бу борада тўпланган ҳужжатлар хронологик ва тизимли равишда рўйхатга киритилиб, тикиб борилади.

Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб келган шахсларнинг ҳисоб профилактика ишида жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома нусхаси, ишга жойлаштириш тўғрисидаги шахар-туман меҳнат бўлимларига, ҳаётга мослашишлари учун дастлабки ёрдам кўрсатиш мақсадида жойлардаги ижтимоий кўникма марказлари ва махсус комиссияларга юборилган хатларнинг нусхаси, келгусида ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги тўғрисида расмий огоҳлантириш ҳужжати, Ахборот маркази ва манзил-маълумотлар бюросининг маълумотлари, яқин қариндошлари ва жиноий алоқалари чизмаси, бармоқ изларининг «Сонда» базасига киритилганлигини тасдиқловчи, шунингдек яшаш ва иш жойидан тавсифнома, мураббий бириктирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, доимий ёки вақтинчалик яшаш жойини текширилганлиги ҳақидаги профилактика инспектори ёки бошқа соҳавий хизмат ходимларининг билдиргилари жамлаб борилади (бошқа кўшимча ҳужжатлар талаб этилмайди).

Профилактик ҳисобда турган барча тоифадаги шахсларнинг рўйхатлари ички ишлар органи навбатчилик қисмидаги компьютернинг алоҳида файлида сақланади ва ушбу маълумотлардан хизматда фойдаланилади. Рўйхат ҳисобот оининг якуни бўйича ички ишлар органи ҳисобни қайд этиш инспектори томонидан Ахборот марказидан олинган маълумотлар асосида янгилаб борилади.

38-модда. Шахсни профилактик ҳисобга олиш муддати

Шахсни профилактик ҳисобга олиш у профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилади.

Агар профилактик ҳисобга олишни амалга ошириш даврида ушбу Қонун 36-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган янги асослар вужудга келса, шахсни профилактик ҳисобга олиш муддатини ҳисоблаш шахс янги вужудга келган асослар бўйича профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан амалга оширилади.

Ш А Р Х

1. Шахсни профилактик ҳисобга олиш у профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилади.

Шахсни профилактик ҳисобга олинган деб топилш учун қуйидагилар тўлиқ бажарилган бўлиши лозим:

- шахсни профилактик ҳисобга олиш ҳақида асослантирилган қарор қабул қилинган бўлиши;

- шахсни профилактик ҳисобга олиш ҳақида қабул қилинган қарор ИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланган бўлиши;

- ўзига нисбатан профилактик ҳисобга олиш тўғрисида қарор қабул қилинган шахсга қонунда белгиланган муддатда бу ҳақда эълон қилинган бўлиши.

Бироқ шахсни профилактик ҳисобга олиш муддати профилактик ҳисобга олиш ҳақида асослантирилган қарор қабул қилинган пайтдан ҳисобга олинади ва бир йил этиб белгиланади.

2. Агар шахс профилактик ҳисобга олинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 36-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган янги асослар вужудга келса, шахсни профилактик ҳисобга олиш муддатини ҳисоблаш шахс янги вужудга келган асослар бўйича профилактик ҳисобга қўйилган пайтдан эътиборан амалга оширилади. Бунда, олиб борилган профилактик таъсир чораларига қарамасдан, ахлоқан тузалиш йўлига кирмаган профилактик ҳисобда турган шахс билан кўпроқ муддат яқка тартибдаги профилактик таъсир кўрсатиш чораларини амалга ошириш мақсади кўзланади.

Профилактик ҳисоб ишларининг юритилиши ички ишлар органи бошлиғи, унинг профилактика хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси бошлиғи томонидан йилнинг ҳар чорагида камида бир марта текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этиб борилади.

39-модда. Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш асослари

Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда амалга оширилади:

профилактик ҳисобга олиш муддатининг тугаши;

реабилитация қилувчи асосларга кўра жиноят ишини тугатиш тўғрисида терговчи ёки прокурор томонидан қарор қабул қилиниши ёки суднинг оқлов ҳукмининг қонуний кучга кириши;

суднинг шахсни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазога ҳукм қилиш тўғрисидаги айблов ҳукмининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримининг қонуний кучга кириши;

қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиши;

шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотларнинг мавжудлиги;

профилактик ҳисобда турган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига қонунда белгиланган тартибда чиқиб кетган тақдирда;

профилактик ҳисобда турган шахснинг вафот этиши.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда, профилактик ҳисобни амалга ошириш учун масъул

бўлган шахс шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисида ички ишлар туман, шаҳар бўлимнинг, бошқармасининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради.

Профилактик ҳисобда турган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган тақдирда, унга нисбатан тўпланган материаллар суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан беш кун ичида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш учун тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилади.

Профилактик ҳисобда турган шахс доимий яшаш жойини ўзгартирган тақдирда, уни ҳисобга олиш янги доимий яшаш жойи бўйича амалга оширилади.

Ш А Р Х

1. Профилактик ҳисобда турган шахс билан бир йил давомида профилактик иш олиб борилади ҳамда унинг фаолиятини иш (ўқиш) ва яшаш жойида назорат қилиб турилишини таъминлайди, шунингдек, профилактик ҳисоб муддати тугагандан сўнг ҳисобдан чиқариш тўғрисида қўйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланадиган қарор чиқарилади:

профилактик ҳисобга олиш муддатининг тугаши;

реабилитация қилувчи асосларга кўра жиноят ишини тугатиш тўғрисида терговчи ёки прокурор томонидан қарор қабул қилиниши ёки суднинг оқлов ҳукмининг қонуний кучга кириши;

суднинг шахсни озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазога ҳукм қилиш тўғрисидаги айблов ҳукмининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги суд ажримининг қонуний кучга кириши;

камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида суд томонидан ажрим чиқарилиши;

шахснинг муддатидан олдин тўлиқ тузалганлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотларнинг мавжудлиги;

профилактик ҳисобда турган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига қонунда белгиланган тартибда чиқиб кетган тақдирда;

профилактик ҳисобда турган шахснинг вафот этиши.

Профилактик ҳисобда турган шахс доимий яшаш жойини ўзгартирган тақдирда, унга нисбатан ҳисоб профилактика иши кўчиб борган жойдаги ички ишлар органига юборилади ва у ерда ҳисобга қўйилиб якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар янги доимий яшаш жойи бўйича амалга оширилади.

Бунинг учун ҳисоб профилактика ишини юритаётган профилактика (катта) инспектори профилактик ҳисобда турган шахснинг ўзгарган

доимий яшаш жойини аниқлаб, ҳисоб профилактика ишини ушбу манзилга юбориш тўғрисида қарор қабул қилади ва ички ишлар органи бошлиғига тасдиқлатади. Шундан сўнг ички ишлар органи бошлиғи номидан хат тайёрланиб, котибият орқали профилактик ҳисобда турган шахснинг янги доимий яшаш жойидаги ҳудудий ички ишлар органига юборади.

2. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинади ва қарор ички ишлар туман, шаҳар бўлимнинг, бошқармасининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Шахсни профилактик ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланган кундан кучга киради ва уч кун ичида профилактик ҳисобдан чиқарилган шахсга эълон қилинади.

3. Профилактик ҳисобда турган шахс озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган тақдирда, унга нисбатан тўпланган материаллар суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан беш кун ичида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чоратадбирларини қўллаш учун тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборилади.

Профилактик ҳисобда туриб озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога ҳукм қилинган шахсга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир сутка ичида профилактика (катта) инспектори ушбу шахс жазо ўтаётган муассасани аниқлаш бўйича сўровномани Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасига вазирлик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда юборади. Профилактика (катта) инспектори шахснинг жазо ўтаётган муассасаси аниқ кўрсатилган сўровномага жавоб келиб тушган кундан бир суткадан кечиктирмай унга нисбатан тўпланган материалларни тегишли жазони ижро этиш муассасасига юборади.

4. Профилактик ҳисобда турган шахс доимий яшаш жойини ўзгартирса, унда унга нисбатан тўпланган профилактик ҳисоб материаллари унинг янги доимий яшаш жойига юборилади ва уни ҳисобга олиш янги доимий яшаш жойи бўйича амалга оширилади. Ушбу ҳолат профилактик ҳисобга олиш муддатига ўз таъсирини кўрсатмайди.

Профилактика (катта) инспектори профилактик ҳисобдан чиқарилган шахсларнинг рўйхатини ички ишлар органларинг таянч пунктлари маълумотлар базасида шакллантириб боради, шахсни ушбу рўйхатда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 78-моддасига асосан судланганлик муддати тугагунга қадар сақлайди. Ушбу рўйхатдаги маълумотлардан профилактика (катта) инспектори маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фойдаланади.

Шахс профилактик ҳисобдан чиқарилганида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати томонидан юритиладиган махсус китобга тегишли белги ёзиб қўйилади.

Профилактик ҳисобдан чиқарилган шахсларга нисбатан юритилган профилактика ишлари ички ишлар органлари таянч пунктида 3 йил давомида сақланади, сўнгра далолатнома асосида йўқ қилинади.

Шахс профилактик ҳисобдан чиқарилгандан сўнг ҳисоб профилактика иши ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда ички ишлар органлари таянч пунктлари архивида икки йил давомида сақланади ва муддат тугагач далолатнома асосида йўқ қилинади.

Ҳисоб профилактика иши йўқ қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома ИИВ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади ва беш йил давомида ички ишлар идораларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати архивида сақланади.

40-модда. Шахсни мажбурий даволанишга юбориш

Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахс томонидан жамоат тартиби, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган ёхуд у аҳолининг хавфсизлиги, соғлиғи ва жамиятнинг ахлоқига таҳдид солган тақдирда ички ишлар органлари «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ уни мажбурий даволанишга юбориш бўйича чора-тадбирларни кўради.

Ш А Р Х

Жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, ёхуд аҳолининг осойишталигига, саломатлигига ва маънавиятига хавф туғдираётган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларга нисбатан мажбурий даволаш қўлланади.

Шахсни мажбурий даволанишга юбориш билан асосан ички ишлар идораларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати профилактика (катта) инспекторлари шуғулланадилар. Улар профилактик ҳисобга олинган, шунингдек расмий огоҳлантирилган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларни унинг яқин қариндошларининг аризаси ёки фуқаролар йиғини мурожаати ҳамда ушбу касалликка чалинганлик ҳақида тиббий хулосага асосан Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужжатларни расмийлаштиради ва тўпланган ҳужжатларни шахсни мажбурий даволашга юбориш масаласини ҳал қилиш учун судга тақдим этади.

Мазкур тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар тиббий хулоса бўлган тақдирда ички ишлар

идоралари томонидан уларнинг ўз ташаббусига кўра, ёки беморнинг оила аъзолари ёхуд қариндошларининг, меҳнат жамоаларининг, соғлиқни сақлаш муассасаларининг илтимосномалари асосида тайёрланади ва расмийлаштирилади.

Шахсларни мажбурий даволашга жўнатиш масаласи йигирма кунлик муддат ичида бемор яшаб турган жойдаги ёки наркология муассасаси жойлашган ердаги суд томонидан бемор иштирокида ҳал этилади.

Бемор узрсиз сабаб билан келмаса, у ички ишлар идоралари орқали мажбурий тарзда олиб келинади.

Суднинг мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори устидан қарор чиқарилган шахс ёхуд унинг ҳимоячиси шикоят қилиши ёки прокурор томонидан кассация тартибида етти кунлик муддат ичида юқори турувчи судга норозилик билдирилиши мумкин.

Шикоят берилиши ёки прокурор томонидан кассация тартибида норозилик билдирилиши суд қарорининг ижросини тўхтатиб туради.

Суднинг шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ички ишлар идоралари томонидан бу қарор қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб кечи билан ўн кунлик муддат ичида ижро этилади.

Сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 май куни қабул қилинган 195-сонли қарори билан тасдиқланган «Сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари тўғрисидаги» Низом талаблари асосида ижро этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 15 мартдаги 113-сон қарорини бажариш юзасидан ва сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш, бундай касалликларга чалинган беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш сифатини ошириш мақсадида 1999 йил 24 августда «Сурункали алкоголизм ва гиёҳвандлик касалига чалинган беморларни даволаш учун ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари тармоғини кенгайтириш тўғрисида»ги 401-сонли қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга асосан Республика наркология маркази ташкил этилиб, ушбу марказнинг асосий вазифалари белгиланган.

41-модда. Ички ишлар органларининг маъмурий назорати

Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари мажмуидан иборат бўлади ва назорат остидагиларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекловларни қўллашдан иборат бўлади.

Маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш ва тугатиш тартиби, шунингдек қўлланиладиган чекловлар рўйхати жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ш А Р Х

1. Ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2002 йил 26 февралдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 51-сонли буйруғи ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда илгари судланган шахсга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш (узайтириш) учун ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда тўпланган материалларни маъмурий назорат ўрнатиш (узайтириш) масаласини ҳал қилиш учун судга тақдим этади, шунингдек суднинг маъмурий назорат ўрнатиш (узайтириш) тўғрисидаги қарорига асосан маъмурий назоратини амалга оширади. Мазкур қонун ҳужжатларида маъмурий назоратни ўрнатиш, амалга ошириш ва тугатиш тартиби, шунингдек қўлланиладиган чекловлар рўйхати белгиланган.

«Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тарбиявий олдини олиш таъсир чораларининг мажмуини ифодалаб, назорат остидагиларга нисбатан ушбу Қонунда кўзда тутилган чеклашларни қўллашдан иборат бўлади», – деб таъриф берилган.

2. Маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан қуйидаги чеклашлар қўлланилиши мумкин:

а) куннинг ички ишлар идоралари белгилаб қўйган вақтида уй (квартира)дан чиқиб кетишини тақиқлаш;

б) туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлишни тақиқлаш;

в) ички ишлар идораларининг рухсатсиз туман (шаҳар)дан ташқарига чиқиб кетишни тақиқлаш;

г) рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органига келиб учрашиш.

Юқорида кўрсатилган чеклашлар назорат остида бўлган шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, аввалги судланганлигига ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўла ҳажмда ёки айрим-айрим йўсинда қўлланилади.

Чеклашлар рўйхати узил-кесил ҳисобланади, унга қўшимчалар қилиш ёки кенгайтириб шарҳлаш мумкин эмас.

3. Ички ишлар идоралари ходимлари маъмурий назоратни амалга оширишда:

а) назорат остига олинган шахснинг хулқ-атвори тўғрисида иш берувчидан, мазкур шахс ўқиётган жойнинг маъмуриятидан, у яшаётган жойдаги жамоат бирлашмаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек фуқаролардан маълумотлар талаб қилиб олиш;

б) назорат остида бўлган шахсни ишга жойлаштириш ва унга турмуш шароити яратиб бериш тўғрисида тегишли давлат, жамоат ва хўжалик ташкилотлари олдида масала қўйиш;

в) назорат остида бўлган шахсни суҳбат учун ички ишлар органлари ёки унинг таянч пунктларига чақириш, зарурат бўлганда бундай суҳбатларни иш берувчининг, жамоат бирлашмаси ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг вакиллари, назорат остига олинган шахснинг қариндошлари, шунингдек суҳбат мавзуига алоқадор шахслар иштирокида ўтказиш;

г) назорат остида бўлган шахсдан маъмурий назорат қоидаларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

д) назорат остида бўлган шахснинг турар жойини соат 6 дан 22 га қадар бориб кўриш ҳуқуқига эгадирлар.

Маъмурий назоратни амалга ошириш юзасидан айрим тadbирларни ўтказишда ички ишлар идораларига ёрдам бериш учун ички ишлар идораларининг штатсиз ходимлари ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари жалб қилиниши мумкин.

Маъмурий назоратдан бош тортаётган шахсларни кидириш судья қарорига биноан ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар органларининг профилактика (катта) инспектори профилактик ҳисобга олинган маъмурий назорат қонуни таъсири остига тушувчи шахслар расмий огоҳлантирилишига қарамасдан жамоат тартибини мунтазам бузаётган ва фуқароларнинг қонуний манфаатларига тажовуз қилаётган ҳолларда ИИВнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда уларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисида жинойт ишлари бўйича шаҳар-туман судига ИИБ бошлиғи номидан асослантирилган тақдимнома киритади.

Суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарори асосида профилактика (катта) инспектори томонидан маъмурий назорат ўрнатилган шахсга нисбатан маъмурий назорат йиғма жилди юритилади.

4. Маъмурий назорат йиғма жилдида:

– суднинг маъмурий назорат ўрнатиш (узайтириш) тўғрисидаги қарори;

– жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотнома ёки суд ҳукмининг нусхаси (ксерокопия);

– профилактика (катта) инспектори ташаббуси билан маъмурий назорат ўрнатишда асос бўлган ҳужжатлар;

– назоратда турувчи шахснинг фуқаролик паспорти нусхаси;

– профилактика (катта) инспекторининг шахсга нисбатан маъмурий назоратни амалга ошириш тўғрисида ёзган билдиргиси (ички ишлар органи бошлиғининг сипориши (резолүцияси) билан);

– келгусида ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги тўғрисида огоҳлантириш,

– Ахборот маркази ва манзил-маълумотлар идорасининг маълумоти;

– яшаш ва иш жойидан маълумотнома ҳамда тавсифнома;

– маъмурий назоратда турган шахснинг фотосурати;

– яқин қариндошлари тўғрисида маълумот ва қариндошлик алоқалари чизмаси;

– бармоқ изларининг «Сонда» маълумотлар базасида мавжудлигини текшириб кўриш ва киритилмаган бўлса киритиш маъмурий назоратда турган шахснинг бармоқ изи олинган бланканинг юборилаётганлиги тўғрисидаги хатнинг нусхаси.

– иш жойидан маълумотнома;

– иш ёки яшаш жойидан мураббий бириктирилганлиги тўғрисидаги йиғилиш баённомаси (нусхаси);

– суд томонидан белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтиш варақаси (тегишли белгилари билан);

– маъмурий назоратда турган шахсни суд томонидан белгиланган чеклашларга риоя этишини доимий яшаш жойидан текширилганлиги тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар (билдиргилар, тушунтириш хатлари, маълумотномалар) жамлаб борилади.

Маъмурий назоратни тўхтатиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган асослардан бири мавжуд бўлганда «маъмурий назоратни тўхтатиш тўғрисида» ички ишлар органи бошлиғи томонидан қарор чиқарилади ва маъмурий назоратда турган шахс шу куннинг ўзида қарор билан таништирилади.

Маъмурий назорат муддати тугагандан сўнг маъмурий назорат йиғма жилди уч йил давомида ички ишлар органи ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати архивида сақланади ва муддат тугагач далолатнома асосида (қирқиш ёки ёқиш йўли билан) йўқ қилинади.

Маъмурий назорат йиғма жилди йўқ қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома ИИВ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилиб, ички ишлар органининг таянч пункти архивида беш йил давомида сақланади.

42-модда. Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар:

Ўзига нисбатан қўлланилаётган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларининг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини билишга;

Ўзига нисбатан тўпланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишишга;

илтимослар қилишга;

юримдик ёрдам олишга;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши шарт.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Ш А Р Х

1. Шахс ўзига нисбатан қўлланилаётган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларининг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини билишга ҳақлидир.

Якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларининг асослари деганда, шахсга якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини қўллаш лозимлигини ўзида ифодаловчи ҳолатлар, фактик маълумотлар ва ҳужжатлар тушунилади. Бу ҳақда маълумотга эга бўлган шахс нима сабабдан унга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбири қўлланилаётганини тушунади ва англаб етади.

Якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларининг ҳуқуқий оқибатлари деганда эса, процессуал ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида шахсга якка тартибдаги профилактика чора-тадбирлари қўлланилгач унинг қандай ҳуқуқлари, эркинликлар ва қонуний манфаатлари чекланишини белгиловчи ҳолатлар тушунилади. Бунда шахс ўзига нисбатан қўлланилаётган якка тартибдаги профилактика чора-тадбир қандай ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаришини (Мисол учун, маъмурий назорат даврида куннинг ички ишлар идоралари белгилаб қўйган вақтида уй (квартира)дан чиқиб кетишининг, туман (шаҳар)нинг муайян жойларида бўлишининг, ички

ишлар идораларининг рухсатисиз туман (шаҳар)дан ташқарига чиқиб кетишнинг тақиқланишини ёки рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар идораларига келиб учрашиш мажбурияти юкланаётганлигини) тушуниб, англаб етади.

2. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахс ўзига нисбатан тўпланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар (содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки ғайриижтимоий хулқ-атвори намоён этувчи ҳолат юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар (тушунтириш хати, далолатнома, хулоса, бошлиқ номига ёзилган билдирги, тақдимнома, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисидаги хабарнома кабилар), профилактик ҳисоб иши, маъмурий назорат иши, жиноят иши материаллари) билан танишиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

3. Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасаларга моддий, тиббий, психологик ва юридик ёрдам, шунингдек ишга, ўқишга жойлашишда ҳамда уй-жойларда вақтинча яшаб туришда кўмаклашишни сўраб илтимослар қилиши мумкин. илтимосни қабул қилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса илтимосни қаноатлантириши ёки асослантирилган тарзда рад этиши талаб этилади.

4. Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар мақсадида адвокатурага мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахсларнинг юридик ёрдам сўраб қиладиган мурожаати Конституциявий процессуал ҳуқуқлардан бири саналиб, шахс ушланган, ҳибсга олинган ёки айб қўйилган вақтдан эътиборан адвокат хизматидан фойдалана олиш ҳуқуқига эга.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахсларнинг судда ноқонуний ҳибсга олиш ёни ноқонуний равишда профилактик ҳисобга олинганлик устидан шикоят қилиш, ўзига ва ўз яқинларига қарши гувоҳлик бермаслик, айбсизлик презумпцияси, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарни ундириб олиш кабилар юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд.

Адвокатлик тузилмалари фуқаролар ва юридик шахсларга пул маблағлари (даромадлар) ҳисобига юридик ёрдам кўрсатадилар.

Адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Адвокатлар ҳайъатида юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимлар (шартномалар) адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузилади ҳамда адвокатлар ҳайъатининг ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилади.

5. Ўзига нисбатан профилактика чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (08.12.1992й), «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги (11.09.2017й), «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги (09.12.2015й), «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги (29.04.2004й), «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги (11.12.2003й), «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги (05.05.2014й) каби қонунларда белгиланган шакл, усул ва тартибда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилишга ҳақли.

6. Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар ҳисоб профилактика ишини юритаётган профилактика (катта) инспекторининг қонуний талабларини бажариши шарт. Акс ҳолда юқорида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиш эҳтимоли юзага келади.

Мисол учун, якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларидан бири сифатида маъмурий назоратга олинган шахс маъмурий назорат қоидаларини бузса Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТКнинг 205, 206-м.м.) талаблари асосида, бордию бу қилмиш бир йил давомида такрор содир этилса, у ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (ЖКнинг 226-м.)да белгиланган жавобгарлик юзага келади.

7. Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Демак, ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатлари (Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликлар ва қўмиталарнинг ҳуқуқий ҳужжатлари) асосида бошқа ҳуқуқлар, шунингдек мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Буни Ўзбекистон Республикасининг «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги (1992 йил 9 декабрь), «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъму-

рий назорати тўғрисида»ги (1992 йил 9 декабрь), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000 йил 15 декабрь), «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги (2008 йил 17 апрель), «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (2008 йил 7 январь), «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2010 йил 29 сентябрь) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2011 йил 17 январь 13-сонли қарори билан «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида»ги Низом ҳамда «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (2010 йил 26 ноябрь 269-сонли) қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги (2002 йил 26 февраль), «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги (2017 йил 25 август) буйруқлари мисолида кўриш мумкин.

6 Боб

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ

43-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси тушунчаси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир.

Ш А Р Х

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан фуқароларнинг ёки муайян шахсларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган ҳуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчиларнинг тутган ўрнини ҳамда жабрланишнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, шунингдек тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида олиб борилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талаблари асосида умумий ва яқка тартибда амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги виктимологик профилактикаси давлат ва жамиятга ўзининг кўп содир этилаётганлиги билан ёки ижтимоий ва моддий зарари билан хавф туғдираётган ҳуқуқбузарликлар ёхуд маълум бир тоифадаги шахсларнинг жабрланиш кўрсаткичининг тобора ошаётганлиги билан таҳдидлар кучайган ҳолларда маълум бир турдаги ҳуқуқбузарлик ҳамда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган маълум бир тоифадаги шахслар хусусиятидан келиб чиқиб, тарғибот-ташвиқот ёки бошқа турдаги профилактик чора-тадбирлар асосида фуқароларни огоҳликка, ҳушёрликка ва хавфсизликка чорлаш ва бунга эришиш мақсадида амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги виктимологик профилактикаси маълум бир ҳуқуқбузарликлар бўйича муайян шахснинг жабрланиш эҳтимоли юқорилигини аниқлаш асосида уни мавжуд хавфдан огоҳ қилиш, ҳушёрликка чақириш ва хавфсизлик чораларини кўришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

44-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

ғайриижтимоий ҳулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;

ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;

ғайриижтимоий ҳулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;

профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ш А Р Ҳ

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш чоғида, шунингдек суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят

ишларини юритиш жараёнида жабрланувчининг шахсини, ҳуқуқбузарлик содир этилишидаги ўрни ва ролини, жабрланишнинг сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

2. Аҳолининг барча қатламига, хусусан ҳуқуқбузарликлардан жабрланишга мойил бўлган, яъни виктимлиги юқори бўлган шахсларга, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларга ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар томонидан шахслар ўртасида юзага келадиган турли хил низоларни ҳал этиш усуллари ўргатилади. Бу усуллар қуйидагича бўлиши мумкин: низо томонлар ўртасида узр сўраш, етказилган зарарни қоплаш орқали ўзаро ҳал этилиши ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳузуридаги яраштириш комиссиясида кўриб чиқилиши, ички ишлар органлари, прокуратура ёхуд суд органларига мурожаат қилиш каби усуллар билан ҳал этилиши мумкин. Бу борада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар низоларни ҳал этиш усуллариининг моҳияти, мазмуни ҳамда қонуний тартибларини тушунтиришлари талаб этилади.

3. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи субъектлар хизмат фаолияти давомида ҳуқуқбузарликлардан жабрланишга мойил бўлган, яъни виктимлиги юқори бўлган шахсларни, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни аниқлашлари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўришлари лозим. Бу борада айниқса ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар масъул ҳисобланадилар.

4. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида ёрдам кўрсатилади.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш «Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар» томонидан амалга оширилади. Мазкур ихтисослаштирилган муассасалар ўзининг Низомига эга ва тегишли тартибда рўйхатдан ўтган бўлиши талаб этилади.

«Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар» ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга маълум бир (ҳуқуқий ёки ижтимоий каби) ёки бир неча (ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа) турда ёрдам кўрсатишга ихтисослашган бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади ва юридик шахс мақомига эга бўладилар.

5. Ўзига ёки яқин қариндошларига зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ёхуд зўрлик ишлатиш билан ҳуқуқбузарлик (босқинчилик, безорилик,

талончилик, номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш каби) содир этилаётган вақтда ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган махсус комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Чора-тадбирларнинг махсус эканлиги айнан муайян кўринишдаги таҳдид юзага келганда қўлланилиши билан боғлиқ бўлса, унинг комплекс эканлиги ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг ҳам жисмоний, ҳам психологик ва бошқа турдаги хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган тезкор, тактик ва процессуал ҳаракатлар мажмуини қамраб олиниши ҳамда бир нечта тоифадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари жалб этилиши мумкинлиги кабилар билан белгиланади.

Мазкур чора-тадбирлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан муайян ҳуқуқий асос ва белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш деганда, тадбирлар режаси, куч ва воситалар тақсимооти, ҳаракатланиш кетма-кетлиги каби масалаларнинг норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар асосида белгиланиши ва тасдиқланиши назарда тутилади. Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилиши деганда эса, уларни қайси вақтларда, қандай асосларга кўра, қайси тартибда амалга оширилиши кабилар тушунилади.

6. Ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (худудларни) мунтазам равишда назорат қилиш асосан ички ишлар идораларининг йўл-патруль хизмати, пост-патруль хизмати, профилактика инспекторлари ёки ички ишлар органларининг таянч пунктига жалб этилган ёрдамчи кучлари томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, бу каби жойларнинг назорати кузатув камералари ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин. Мазкур назоратларнинг тури, шакли ва тартиби мавжуд қонун ва қонун-ости ҳужжатлар билан белгиланади.

7. Аксарият ҳолларда ҳужум ёки зўравонликка учраган шахслар ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида зарурий мудофаадан фойдаланиб, ҳужум қилган ёки зўравонликни амалга оширган шахсга ёхуд охирги зарурат сифатида учинчи бир шахсга зарар етказиши кузатилади. Бундай ҳоллардаги зарурий мудофаа ва охирги зарурат доираси (чегараси) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар билан белгиланади. Борди-ю, зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳолатларида қонунчилик билан белгиланган чегарадан четга чиқилса, у ҳолда маъмурий ёки жиноий жавобгарлик юзага келади.

Мавжуд қонунчилик фуқароларга қонун доирасида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, керак бўлган ҳолатларда еса тажовузчига зарар етказиб

ҳимояланиш ҳуқуқини беради. Зарар етказиб ҳимояланиш ҳуқуқини фуқароларга бериш Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга оширилади, жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга», – деб белгилаб қўйилган.

Давлат фуқароларнинг тажовузчига зарар етказиб ҳимояланиш ҳуқуқларини жиноят ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунлари билан кафолатлайди ва бу ҳуқуқ зарурий мудофаа институти сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

Зарурий мудофаа ҳолатида содир етилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмаган бўлса, жиноят деб топилмайди (ЖК 37-м. 1-қ.).

Маълумки, мудофаага тааллуқли зарурий мудофаанинг қонунийлик шартлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни таъкил этади:

- ижтимоий фойдали мақсаднинг мавжудлиги;
- зарарнинг фақат тажовузчига етказилганлиги;
- зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқмаганлиги.

Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилган деб ҳисоблаш учун қуйидаги муҳим қоидалар мавжуд бўлиши керак:

- ҳимоянинг давомийлиги тажовузнинг хусусиятига мос келмаслиги;
- ҳимоя қилишда етказилган зарар ҳужумнинг хавфлилик даражасига мос келмаслиги.

Ушбу ҳолатлардан камида биттаси мавжуд бўлса, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилган деб ҳуқуқий баҳоланади.

Қонун айрим ҳолатларда тажовуз бошланиши аниқ аммо ҳали бошланмаган бўлса ҳам зарар етказиш ҳуқуқини беради. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида» 1996 йил 20 декабрда қабул қилган 39-сонли қарорида шундай тушунча берилади: «Зарурий мудофаа ҳолати фақатгина ижтимоий хавфли тажовуз юз берган пайтнинг ўзидагина эмас, балки тажовузнинг бошланиш хавфи мавжуд бўлган ҳолларда ҳам вужудга келади». Демак, тажовуз аниқ лекин ҳали бошланмаган бўлса ҳам шахс ўзини ҳимоя қилиб тажовузчига зарар етказиши мумкин. Масалан, тажовузчи жабрланувчини ўлдиришини аниқ айтиб унга арқондан дор ясаб турган вақтда, жабрланувчи дор ясаётган шахсга тан жароҳати етказиш орқали ўз ҳаётини сақлаб қолиши зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар каби баҳоланади.

Охирги зарурат деганда эса, шахсга ёки бошқа фуқароларга ёхуд уларнинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи

хавфни қайтариш учун қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказиш тушунилади.

Охирги зарурат ҳолати қонун билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатга камроқ зарар етказиб, иккинчи бир кўпроқ аҳамиятга ега манфаатни зарардан сақлаб қолишда ифодаланади. Жиноят кодексининг 38-моддаси талабларига мувофиқ, қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди, аксинча, ижтимоий фойдали ҳаракат деб баҳоланади. Чунки шахс камроқ зарар етказиш йўли билан кўпроқ миқдордаги аниқ зарар келиб чиқишининг олдини олади.

Охирги заруратнинг қонунийлик шартлари иккига бўлинади:

1. Хавфга нисбатан шартлари:

- хавфнинг пайдо бўлиши;
- хавфнинг ижтимоий муносабатларга зарар етказишининг аниқлиги;
- хавф бошланган ва тугалланмаганлиги.

2. Хавфнинг олдини олишга нисбатан шартлари:

- ижтимоий фойдали мақсаднинг мавжудлиги;
- етказилган зарарнинг олди олинган зарардан камлиги;
- зарарнинг учинчи шахсга етказилиши;
- зарарни олдини олишнинг бошқа чораси йўқлиги.

Охирги зарурат ҳолатида зарар етказган шахс юқорида келтирилган барча шартларга риоя қилган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Эътиборли томони шундаки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 18-моддаси маъмурий тартиббузарлик содир етаётган шахсга нисбатан зарурий мудофаага ўтишга рухсат бериб, ушбу қонуннинг 19-моддаси билан шахсга қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида қонун билан кўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатларга қасдан зиён етказиш мумкинлигига оид ҳуқуқни беради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, зарурий мудофаа ва охирги заруратда ҳаракатланишга доир қонунчиликда бир қатор талаб ва шартлар мавжуд бўлиб, унга риоя қилмаган ҳар қандай жабрланувчи ёки шахснинг зарурий мудофаа ва охирги заруратдаги ҳаракатлари ҳуқуқбузарлик (жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик) сифатида баҳоланади. Айнан шунинг учун ҳам ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида асосий чора-тадбирлардан бири сифатида эътироф этилади.

8. Ишонч телефонлари ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахснинг, унинг яқин қариндошларининг дахлсизлигини таъминлаш ва улар ҳақидаги маълумотларни сир сақлаш, тезкор алоқа телефонлари эса ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки тайёрланаётган ҳуқуқбузарлик-

ларни тезкорлик билан аниқлаш ва унинг содир этилишини олдини олиш, содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни тезкорлик билан бартараф этиш ва ижтимоий хавфини камайтириш, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликларни зудлик билан ёки тезкор очиш, айбдорларни зудлик билан фош этиш мақсадида ташкил этилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонлари ҳамда қутқарув хизматлари ички қонуности ҳужжатлари асосида ташкил этилади ва фаолияти тартибга солинади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳузурида қутқарув хизматларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 26 декабрь куни қабул қилинган «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ташкил этилади ва фаолияти тартибга солинади. Қонунга кўра **қутқарув хизмати** – фаолияти бўйича ягона тизимга бирлаштирилган, асосини профессионал қутқарув тузилмалари ташкил этган, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи саналиб, уларнинг зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юкланади:

– ўз бошқарув органлари, кучлари ва қутқарув воситаларини фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришга доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;

– фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

– одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш, шунингдек фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

– фавқулодда вазиятлар шароитида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишларини олиб бориш;

– аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб қилиш, аҳолини ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ходимларини фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёрлашда иштирок этиш.

9. Профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил қилинади. Мазкур веб-сайтлар, блоглар ва чатлар ҳудудий ва соҳавий мазмунга эга шаклда ташкил этилади. Ҳудудий мазмунга эга веб-сайтлар, блоглар, чатлар республика, вилоят,

туман (шаҳар) кесимида ташкил этилса, соҳавий веб-сайтлар, блоглар, чатлар ички ишлар органлари, прокуратура органлари, соғлиқни сақлаш, таълимни бошқариш каби тизимлар кесимида ташкил этилади.

Профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш масаласининг ҳам худди шу тарзда ҳудудий ва соҳавий мазмунга эга шаклда кўриб чиқиши ижобий натижа беради.

10. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайёрлайдилар ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қўйи ёки бошқа тузулма вакилларига диск ёхуд маълумот ташувчи бошқа воситалар орқали, шунингдек ўзларининг Интернет ахборот тармоғида мавжуд бўлган веб-сайтлари орқали тарқатиш чораларини кўрадилар.

11. Жамият тараққиёти, фан-техниканинг ривожланиши, инсонлар дунёқарашининг шаклланиши, жиноятнинг янги тури ёки жиноят содир этишнинг янги усул ва воситалари, жабрланувчиларнинг виктимлик даражаси, муайян турдаги ҳуқуқбузарликдан жабрланишга мойиллиги ва бошқа хусусиятларга кўра янги-янги виктимологик профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва алоҳида (турли) қонун ҳужжатлари билан ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши мумкин. Бунга амалдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (15.12.2000йил) ҳамда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги (17.04.2008йил) қонунларга мувофиқ амалга ошириладиган виктимологик профилактик чора-тадбирларни мисол қилиб келтириш мумкин.

45-модда. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар

Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиши мумкин. Ихтисослаштирилган муассасалар ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатади.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни тузиш ва уларнинг ишини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ш А Р Х

1. Давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳузурида ташкил этилиб, мазкур давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг муайян функциясини бажаришга йўналтирилади. Айнан шунинг учун ҳам улар ихтисослаштирилган муассаса мақомига эгадирлар.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилган ушбу муассасалар асосан ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга йўналтирилади. Бундай муассасаларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрда қабул қилган «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 240-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Ҳозирги кунда ушбу вазирлик Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги деб номланган) ҳузурида ташкил этилган Республика реабилитация марказини мисол қилиб келтириб ўтиш мумкин.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик турар жой беришни ўз ичига олади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида ман қилинмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

2. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни тузиш ва уларнинг ишини ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат органлари ҳузурида ташкил этиладиган Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш соҳасидаги асосий ваколатлари» номли 5-моддасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилиши ва уларнинг иши ташкил этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари эса Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрель куни қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунининг «Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳуқуқлари» номли 7-моддасида нодавлат нотижорат ташкилотлари «уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш» ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни тузади ва уларнинг фаолиятини ташкил этади.

7 Боб ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

46-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатлари

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари чекланишига, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалада бўлишга, шахсий ҳаёт, ёзишмалар, телефонда сўзлашувлар, почта, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар сир сақланиши, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ва яшаш жойини танлаш, шунингдек шахсий дахлсизлиги, уй-жой дахлсизлиги бузилишига йўл қўйилмайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ўзига нисбатан профилактика чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Ш А Р Х

1. Шахсларнинг ушбу нормада келтирилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунлар билан кафолатланган бўлиб, мазкур қонун шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муҳофазасини таъминлайди. Ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларнинг чекланишига фақатгина Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал (22.09.1994й) ва Жиноят-ижроия кодекслари (25.04.1997й), «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги (05.05.2014й) каби бир қатор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдагина йўл қўйилиши мумкин.

2. Ўзига нисбатан профилактика чора-тадбирлари қўлланилаётган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (08.12.1992й), «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (11.09.2017й), «Электрон ҳуқумат тўғрисида»ги (09.12.2015й), «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги (29.04.2004й), «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги (11.12.2003й), «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги (05.05.2014й) каби қонунларда белгиланган шакл, усул ва тартибда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилишга ҳақли саналадилар.

47-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг молиявий ва моддий-техника таъминоти

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятининг молиявий ҳамда моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Фаолияти ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат ижтимоий буюртмани жойлаштириш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар воситасида қўллаб-қувватлайди.

Ш А Р Х

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятининг молиявий ҳамда моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар (деҳқончилик, чорвачилик ва ишлаб чиқариш орқали келиб тушадиган даромадлар) ҳисобидан амалга оширилади.

2. Фаолияти ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат ижтимоий буюртмани жойлаштириш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар воситасида қўллаб-қувватлайди (Масалан, солиқ тўлашда, имтиёзли кредит олишда енгилликлар яратиши мумкин).

48-модда. Низоларни ҳал этиш

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ш А Р Х

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги низолар умумий асосларга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

49-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ш А Р Х

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари сифатида томонлар, яъни ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг объекти ва субъектлари тан олинади. Айнан мазкур томонлар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонун ҳужжатлари талаблари бузилганда айбдор шахслар жиноят, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, шунингдек фуқаровий ҳамда хўжалик қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА

1 Боб УМУМИЙ ҚОИДАЛАР 8

2 Боб ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА
ОШИРУВЧИ ВА УНДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР ҲАМДА
МУАССАСАЛАР, УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ..... 23

3 Боб ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ 81

4 Боб ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ 97

5 Боб ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ
ПРОФИЛАКТИКАСИ 107

6 Боб ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ВИКТИМОЛОГИК
ПРОФИЛАКТИКАСИ 145

7 Боб ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР 154

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
«ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ШАРҲ**

Муҳаррир М. Султонова
Техник муҳаррир Д. Джалилов

Босишга рухсат берилди 13. 09. 2018 й. Нашриёт-ҳисоб табағи 12,0.
Буюртма: № __. Адади 200 нусхада. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.